

А Л Ъ Ф Р Е Д О
В А Р Е Л А

Мангуликка йўл

Қисса

**Русчадан
Абдумажид Шомирзаев
таржимаси.**

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент — 1979

Варела Альфредо.

Мангуликка йўл. Қисса (А. Шомирзаев тарж.).
Т. «Ёш гвардия», 1979. 112 б.

Варела Альфредо. Путь к бессмертию. Повесть.


ББК 66.61(7Ар)

ЗКМ

Ушбу ҳужжатли қисса аргентиналик машҳур шоир, ёзувчи, атоқли жамоат арбоби ва тинчлик учун курашчи, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг вице-президенти, Аргентина Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Альфредо Варела қаламига мансуб. 1960 йилда Буэнос-Айресда китоб ҳолида босилиб чиққан ушбу қисса кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган.

Қисса қаҳрамони Аргентина коммунистик ёшлар Федерациясининг Бош секретари—1950 йил 4 августда империализм малайлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилган Хорхе Кальводир. Унинг революцион матонати, куч-ғайрати, фидокорлиги ҳозирги кунда ҳам Аргентина коммунистларининг халқ манфаатларини кўзлаб олиб бораётган кундалик курашларида илҳом манбаи бўлиб хизмат қиляпти.

1 34
15'8



В $\frac{10303-38}{356(06)-79}$ 34—79

©«Политиздат», 1974 г.

©«Ёш гвардия», 1979 г.

КУН ТАРТИБИДА — ТИНЧЛИК МАСАЛАСИ

Улар бутун хонани энлаган узун стол атрофида ўтиришарди. Шундан оддий симда осилиб турган лампочка йигитларнинг малла ва қоп-қора сочли бошларинигина ёритиб турарди. Йиғилганлар орасида студент ҳам, хизматчи ҳам бор, кўпчилик эса КАДЭ электростанцияси, «Риголло» ойна заводи, «Ремеднос де Эскалада» темир йўл устахонаси, тўқимачилик фабрикалари ҳамда металлургия корхоналаридан келган ишчилар эди.

Бу оқшом Қильмес¹даги партия марказида Буэнос-Айрес вилояти комсомоли ташкилотлари раҳбарларининг кенгаши бўлаётганди. Кун тартибидаги энг муҳим масала — Тинчлик масаласи муҳокама қилинаётганди. Гап урушга қарши халқ ҳаракати шаронтида олиб бориладиган иш, атом бомбасини тақиқлаш ҳамда аргентиналик ёшларнинг америка монополиялари манфатини ҳимоя қилиш учун ўзга давлатларга юборилишига йўл қўймаслик борасида чора ва тадбирлар белгилаш хусусида борарди.

Йигитларнинг кайфлари чоғ — Хорхе Кальво, «ўз» Хорхелари яна улар билан бирга. У йигитларга жудаям қадрдон. Улар гарчи эндиликда Кальво коммунистик

¹ К и л ь м е с — Буэнос-Айреснинг жануби-шарқий чеккаси.

ёшлар Федерациясини бошқармаётган бўлса-да, уни илгаригидек ўз йўлбошчилари деб билардилар. Хорхе Кальво Коммунистик партия вилоят ташкилотининг бош секретари қилиб сайланганди. Бу оқшом ўз дўстлари ёнига яна бир марта келишга аزمи-қарор қилганди, чунки қанчадан-қанча куч-ғайратини бахш этган «Феде»¹ни у асло унута олмасди.

Ёшлар хотиржам, жўшқин овозда қизгин суҳбат қуришарди.

Тинчлик тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганди...

ҚАҲРАМОНОНА ҚАРШИЛИК

Кечки соат ўнлар. Қильмеснинг хира ёритилган кўчалари кимсасиз. Онда-сондагина бирор иш билан шошиб кетаётган ўткинчиларгина кўриниб қолади. Бир неча автомашина компартия биноси ёнига келиб тўхтади. Машиналардан аллақандай одамлар тушишди.

Худди шу лаҳзада партия марказида кучли қаҳ-қаҳа — Хорхеннинг ўринли ҳазилига жавоб янгради. Умум хурсандчилигининг хириллаган овоз бўлди:

— Биз полицияданмиз! Қўлларингни кўтарларинг!

Етти-саккиз нусха хонага бостириб кириб, парабеллум² ва йирик калибрли тўппончаларини йигитларга ўқталишди.

Ифвоми? Қим билади... У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам келганларнинг қилиқлари Махсус бўлим³ полициячиларини эслатарди. Хужум қўққисдан қилинганига қарамай, йигитлар:

— Гувоҳномангизни кўрсатинг!— деб талаб қилишди.

¹ «Феде» — «Федерация» сўзининг қисқартирилгани.

² П а р а б е л л у м — автомат-тўппонча.

³ Сиёсий оҳранканинг Махсус бўлими.

Бунга жавобан куракда турмайдиган сўкиш эшитилди. Ёпирилиб кирганлардан бири кеккайганча қўлидаги тўппончани айлантириб ўйнар экан деди:

— Бизнинг гувоҳномамиз мана шу!

Хужум, чамаси пухта тайёрланганди. Бир неча кимса кўчада қўриқчиликда қолганди. Бошқалари эса қўлларида қурол тутганча, хоналарга тарқалишганди. Ошхонада «Ла Атлантекс» тўқув фабрикаси касабаси союз ташкилотининг секретари, ишчи Анхель Педро Селли, хотини Сельна (ҳамма уни эркалаб «Ла Негра» деб атарди) ва ўн яшар қизи Беди мактабдаги, уйдаги, фабрикадаги ишларни ҳақида суҳбатлашганча овқатланишга ётганди... Ошхонага бостириб кирган кимсаларнинг қўпол бақириси гапни гапда, овқатни овқатда қолдирди. Босқинчилар Селлига буюришди:

— Олдимизга туш! Тезроқ!

«Яна бир қабих ҳужум»,— деган фикр Селлининг миёсида чарх урди. Шошилмай, ишчига хос ҳаракат билан, ҳаёт азоб-уқубатларини тортишга тайёр ҳолда комбинезонини кийди... Уни уриб-туртиб эшнк томонга итаришди.

Босқинчилардан бири хлороформга ҳўлланган дастрўмолни жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётган Селлининг юзига босди. Қизчанинг кўзойнагини юлқиб олиб, улоқтириб юборишди-да, унинг юзига ҳам дастрўмол босишди. Сельна билан Беди ҳушдан кетишди. Анхелни эса бор кучлари билан уриб, йигитлар ўтирган хонага итариб юборишди.

— Деворга қараб турларинг! Ҳамманг!

Йигитларни тинтишди — қурол қидиришди. Ҳеч кимдан қурол топилмади. Босқинчилар хонадаги ҳамма китоблару партия ҳужжатларини, қоғозларни бир уюм қилиб тўплашди. Полициячилардан бири скрипка ғилофига ўхшаш қутичани очиб, «томпсон» пулемётини чиқарди.

«Уларнинг мақсади нима?»

Ҳаммага бир нарса тушунарли эди: уларни битта қўймай отиб ташлаб, бинони ёқиб юборишмоқчи.

«Нима қилиш керак?»

Жиноятнинг олдини олиш имконияти йўққа ўхшайди...

Хорхе ҳар бир лаҳзаси қимматли бўлган мана шу даҳшатли онларда ҳаяжон билан ўйларди. У ўртоқлари ҳаракат бошлаш учун фақат даъватнигина кутишаётганини биларди. Шу билан ҳам Хорхе бир қарорга келди. Кутилмаган қичқириқдан ҳамма чўчиб тушди:

— Жиноятга йўл қўймаймиз! Ўртоқлар, ўзингизни ҳимоя қилинг!

Хорхе билан маънадор қилиб кўз уриштириб олган Бергстейн — ташкилий ишлар бўйича Федерация секретари Бергстейн чапдастлик билан орқасига ўгирилди. Кальво қўлига тушган стулни силкитганча, босқинчиларга ташланди. Худди шу лаҳзада унга ўқ тегди. Яна ўқ ўзилди — Бергстейн йиқилди. Йигит-қизлар ҳеч иккиланмай ўртоқларидан намуна олишди: қуролсиз ҳолда қуролли босқинчиларга ташланишди. Тўсатдан ёпирилиб кирган босқинчиларнинг режалари худди шу пайтгача анчагина силлиқ амалга ошаётганди. Бироқ улар коммунистларнинг қаҳрамонона қаршилиқ кўрсатишларини кутишмаганди. Хорхе ва Бергстейндан кейин Селли билан Амадо Эллер ҳам жароҳатланиб йиқилди. Аммо энди ёш коммунистлар номард фашист разилларига қарши битмас-туганмас нафратга тўлиб-тошгандилар. Тиш-тирноғигача қуролланган босқинчилар уларнинг ҳужумига бардош беролмай, оёқ етганча бадар қочдилар...

Босқинчилар машиналарга югуришди, улар ўз ҳамтовоқларни ёнига шошилишарди. Босқинчилар жазосиз қолишларига мутлақо ишонган ҳолда — ўзларини қудратли ҳомийлар қўллаб-қўлтиқлагани туфайлигина — жиноят қилдилар...

Ҳаммаси бир неча дақиқа ичида, кинематография

тезлигида юз берди. Ёшлар қонларига беланиб ётган тўрт ўртоқлари устига энгашишди. Бергстейн билан Эдлер азобланаётганларини яширишга тиришиб: «Хорхега қаранглар, Хорхега»,— дейишарди. Хорхе эса шу лаҳзада чуқур нафас олди-ю, бир умрга жим қолди. Юз берган ўлимга ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. Шафқатсиз ҳақиқат билан юзма-юз турган йиғит-қизлар бу хато, аллақандай қўрқинчли туш эканлигига ўзларини ишонтирмоқчи бўлишар, унинг мурда тусини ола бошлаган юзига қўрқа-писа қўл тегизншарди. Селли ҳам ҳаётдан кўз юмаётганди. У бор кучини тўплаб, эшитилар-эшитилмас овозда шивирлади:

— Ўлишим аниққа ўхшайди... Яшасин партия!

Уни «тез ёрдам» машинаси ёнига эндигина олиб боришган ҳам эдики, оламдан ўтди.

Сельнанинг юракни эзувчи фарёди Кильмесс кўчаларини тутди. Бу фарёдда жафо ҳам, оғир қайгу ҳам, айблов ҳам бор эди:

— Қотиллар! Қотиллар!

НИМА УЧУН УЛАРНИ ЎЛДИРИШДИ

Сельнанинг нолаи фарёдида ифодаланган бу айбловлар бир неча соат ўтгач, фабрикаю заводларнинг ишчиларига, талабалару корхоналарнинг хизматчиларига, ҳалок бўлган ўртоқларига қайғурган партия аъзоларига, ҳатто сиёсий ва касаба союз курашларидан четда бўлган, бироқ кўз кўриб қулоқ эшитмаган бу жиноятдан бутун вужудлари ларзага келган гражданларга ҳам етиб борди. Уй деворларидаги ёзувлар, мимеограф ва босмахоналарда босилган, қўлда ва ёзув машинкаларида кўпайтирилган варақалардаги ўта норозилик туйғуларини ифодаловчи оташин юрак сўзлари қотилларни фош этарди. Варақалар ўз-ўзидан бошланиб кетган митингларда, бозорларда, портларда, қушхоналару тў-

қув фабрикаларида, металлургия ва ойна заводларида, ишчи маҳаллаларидан ўтувчи трамваю автобусларда тарқатиларди.

Қотиллар, сизлар Уолл-стрит амрига биноан иш тутдингиз! Сизлар қабиҳ жиноят қилдингиз, тинчлик тарафдорларини таъқиб этувчилар, қамоқхоналарга қамаб, қийноғу азоб-уқубатларга солувчилар — уруш оловини ёқувчилар эса сизларга ҳомийлик қилдилар. Қотиллар, сизлар разилона жиноят қилдингиз, лекин бари бир ҳеч нарсага эришолмайсиз — ниятингизга етолмайсиз, чунки сизлар ҳеч қачон коммунистларни қўрқита олмайсиз, меҳнаткаш омманинг нон ва озодлик учун тобора авж олаётган курашини тўхтатиш қўлингиздан келмайди, чунки тинчлик учун курашувчилар йўлига солмоқчи бўлган ҳамма ғовларингиз урушга «йўл қўймаймиз» дегувчиларнинг қудратли тўлқинида йўқ бўлиб кетади!

Кильмесдаги партия биносида эса тўкилган қон қотяпти. Бу қон худди қора гулдек каттакон доғ бўлиб қолади ва у ёвуз жиноятчиларга қарши қатъий норозилик билдиришга чақиради, халқни янада фаолроқ ҳаракат қилишга ундайди.

1950 йил 4 август куни оқшомида бизнинг ўртоқларимиз мана шундай ҳалок бўлишди.

Улар империализмнинг тиш-тирноғигача қуроолланган малайлари билан тенгсиз курашда ҳалок бўлдилар. Хавф-хатар олдида чўчимай, ўз ғояларини қаҳрамонона ҳимоя қилиб, ўлимга тик қарадилар. Улар — инсоният бахт-саодати учун курашган олижаноб ва фидокор ўртоқларимиз тилларидан партия номини туширмай ҳалок бўлдилар.

Бизнинг душманларимиз оми кишиларни йўлдан уриш учун уларга коммунистларни ёлғон-яшиқ ва ақлга сикмас сўзлар билан таърифлайдилар. Хорхе ҳамда Анхель Селлининг ҳаёт йўли партиямиз аъзоларининг қанчалик обрў-эътиборга эга эканлигига ёрқин далилдир. Пар-

тиянинг барча аъзолари — ўз шахсий манфаатларини кўзламай, минглаб, миллионлаб кишилар манфаатини ҳимоя этувчилар — чириган жамиятга очиқдан-очиқ қарши чиқиб, уни қайта қуриш учун кураш олиб боряптилар. Улар ёлғиз эмас, ёлғиз бўлганларида ҳамма ҳаракатлари зое кетарди, улар зиммасига тарих буюк вазифа юклаган кишилар билан — меҳнаткаш халқ оммаси билан биргалар.

Биз қаҳрамонларни совуқ мармар буюклигида тасаввур қилишга кўникиб қолганмиз. Ҳар куни кўришиб турадиган, айниқса, ҳозир гап бораётган камтарин одамларда қаҳрамонлик белгиларини пайқамаймиз; биз улар билан ўз билгимизча гаплашишга ўрганганмиз, учрашган кезларимизда неча бор уларнинг ҳароратли қўлларини қисиб кўришганмиз... Лекин шунга қарамай, ҳақиқий замонамиз қаҳрамонининг, инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашувчининг ўзига хос хислатлари бор, бу унинг камтарлиги-ю, оддийлигидир, такаббурлик унга бегоналигидир. Мана шу хислатлар туфайли ҳам у кўпинча бошқалардан фарқ қилмайди, кўзга ташланмайди.

Гап шундаки, қаҳрамонлик — бу қўққисдан ва шиддат билан ўт олувчи, одамлар йўлини ёритувчи алангадир. Узоқ кунлар давомида аланга олиб, ёлқинланган, фидойилик ва уйқусиз тунлар бахшида этилган, бироқ аҳамиятсиздек кўринувчи кўпдан-кўп манбалар мана шундай қаҳрамонликка олиб келади...

Кальво каби кишилар ишчиларимиз, халқимиз орасида оз эмас, уларнинг ҳаётлари инқилобий кураш билан чамбарчас боғланган. Аммо уларнинг ҳамма томондан ўхшашликларига қарамай, сўзсиз Хорхенинг ўзигагина хос бўлган нимадир бор эди. Қуйи табақадан чиққан Хорхе мустақил билим олиш билан бир пайтда бошқаларни ҳам тарбиялар экан, партия кўмагида етук раҳбарга айланди. Оддий ишчи онласидан бўлган, марказдан узоқдаги шаҳарчада вояга етган йигит машҳур

курашчига, иродаси букилмас ватанпарварга, коммунистларнинг раҳбарига айланди...

Хорхе Кальвонинг тўкилган қони ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, баралла айта оламиз: «Кўринг. Мана бизнинг қаҳрамонларимиз. Аргентина халқининг ўта олижаноб ўғлонлари тинчлик учун, нон учун, империализм заңжирларидан қутулиш учун олиб борпаётган шиддатли курашда қурбон бўляптилар. Ҳа, шундай. Шу билан бирга бу — Хорхемизнинг душманларига қарши халқни бирлаштиришимиз учун гаровдир. Кальво ҳамиша биз билан. Унинг қаҳрамонона иши, озодлик тантана қилажигига беқиёс ишончи курашда бизга янада кўпроқ куч-қувват бағишлайди. Хорхенинг тўкилган қони беҳуда кетмайди. Унинг ҳар бир томчиси, бу — тинчлик учун янгидан-янги курашувчилар, минг-минглаб курашувчилар, янгидан-янги қаҳрамонлар, янгидан-янги қаҳрамонликлар демакдир».

ХОРХЕ ДУНЁНИ ТАНИЙДИ

Қонли 1919 йилнинг бахтсизликлару мусибатлар тўлиб-тошган, порох иси анқиган июнь ойи — келажакдаги инқилобий бўронлар даракчиси бўлмиш қиш ойи эди.

Одамлар январдаги «фожиали ҳафта»¹нинг даҳшатли кунларини ҳали унутишмаганди. Отилган ўқларнинг акс-адоси ҳам ўчганча йўқ эди: ўшанда олигархик ва империалистик доиралар томонидан уюштирилган террорчи босқинчилар тўдаси меҳнаткаш омма ҳаракатини бос-тиришга уринганди. Ишчилар қўлларида қурол тутиб, ўз талабларини ҳимоя қилишган баррикадалар изини ўтқинчилар ҳали ҳам у ер-бу ерда кўришлари мумкин. Кўпчилик одамлар ўшанда мотам либосида эди. Сак-

¹ 1919 йил 7—15 январь кунлари ишчилар Буэнос-Айресда баррикадалар қуриб, аскарлар ва полициячилар билан жанг қилишганди.

киз юз одам ҳалок бўлди, минглаб кишилар жароҳатланди — бу қонли ва даҳшатли воқеанинг оқибати эди. Қўплаб ишчилар, халқ иши учун бебаҳо курашчилар ҳалок бўлишди... Ватанпарварлар лигаси аъзолари бўлиши ҳаддидан ошган ёш-яланглар империализм малайларин билан биргаликда касаба союзларининг кутубхоналарини талон-торож қилиб, ўт қўйдилар.

Ишчиларнинг бош кўтариб чиқини шафқатсизларча бостирилди. Аммо меҳнаткаш омма мағлуб бўлмади, юрак олдирмади. Янгидан-янги шиддатли жанглар ишчилар синфи террор қаршисида чекинмаганлигидан далолат беради. Ҳалок бўлганлар биз учун жуда оғир йўқотиш, лекин шу билан бирга бу таъсири беқийс ҳурмат, қадр-қиймат бўлиб, усиз бахтли келажакни қуриш мумкин эмас.

Шу воқеалардан бир йил муқаддам тузилган ва ишчилар оммасини, барча меҳнаткашларни шонли жанговар йўлдан — халқ талабларини қондирish учун кураш йўлидан дадил бошлаб бораётган Интернационал социалистик партия (кейинчалик Коммунистик партия) худди шундай деб, ўз фикрини билдирганди. Бу баланд ва жанговар руҳ саноат кварталларининг ҳамма томонидан эшитилиб турган инқилобий қўшиқларда, куйларда акс этмоқда...

1919 йилнинг июни. Совуқ шамол Авельянеда¹нинг Энтре-Вияс районидаги эски кулбалар узра гувуллайдди. Кулбаларнинг бирида ҳозиргина чақалоқ дунёга келди. Ҳолдан тойган она ота қўлида, ишчининг забардаст ва қадоқли қўлида ҳар замон-ҳар замон ингалаб қўяётган гўдакка меҳрибонлик билан қарар, ўғлидан кўзини узолмасди: ким билсин, балки мана шу чақалоқ йиллар ўтгач қандай одам бўлиб етишишини ўйлаётгандир. Меҳнаткаш оилада тарбияланган аёл ҳаётнинг барча машаққатларини тотиб кўрганди. У ўғлига кўк-

¹ Авельянеда — Буэнос-Айрес шаҳрининг чеккаси.

рак сути билан бирга ўз кучини, аччиқ ҳаётий воқелик қаршисида ўзи каби тушкунликка тушмаётганлару оғир кунларни кечираётганлар, тақдирдан нолимай ҳар қандай мусибатларни енгиб, кундалик машаққатли меҳнатлари билан ўз ҳақларини таниётганларнинг ҳаммаси учун вақти келиб дунё мунаввар ва оромбахш бўлишига дилидаги ишончини ўғлига бермоқчига ўхшарди.

Она ўзининг иссиқ ва ҳаётбахш кўкрак сути билан боласига инъом этмоқчи бўлган ҳамма нарсани бирмабир санаб бўлармиди!

Донья Эсперанса гўдак устига энгашар экан, юзларида табассум жилва қилди.

БОЛАЛИК

Авельянеданинг кўкка бўй чўзган трубалари-ю, уларга ёндош ишчилар қишлоғи жойлашган саноат маркизи деярли Сарандигача ҳамма томондан кўриниб туради. Тураржой райони устида қорамтир чанг-тўзон ҳукмрон. Ҳаёт бу ерда ҳам ҳамма ердагидек: асабий ва ҳолдан тойдирадиган. Бор-йўғи чорак аср муқаддам Саранди унда-бунда қўққайиб турган кулбалару ташландиқ ранчо¹лари бўлган кимсасиз жой эди. Ўша кезларда ўртоқларига эргашиб, дон Сантьяго Кальво ҳам жамгариб қўйган пулига темир йўл станцияси яқинидан кичикроқ жой сотиб олди. Бўш вақтларида ўртамиёна уй қурди, кейинчалик бу уй унинг оиласи — умр йўлдоши Эсперанса ва беш боласига макон бўлиб қолди. Дон Сантьяго Док-Суддаги КАДЭ электростанциясида кўпдан бери ишларди. Бақувват, кучли қўллари, ўта ҳалоллиги унинг қайси табақага мансублигини кўрсатиб турарди. Бир куни КАДЭнинг механика бўлимида уни катта мастерликка ўтказмоқчи бўлаётганларини айтишди. Кальво бошлиқларини ҳайратга солиб, бундан бош

¹ Ранчо — ижарачининг кўрғони.

тортди. Талай одамлар иашшахўрда бўлаётган, турлитуман манфаатлардан ташқари маош ошишини ваъда қилаётган мансабдан қандай қилиб юз ўгириш мумкин ахир? Дон Сантьягонинг ҳаётда қатъий амал қиладиган, рафиқаси донья Эсперанса ҳам маъқул кўрадиган ўз нуқтаи назари бор эди. У ўз ўртоқларидан юқорига кўтарилиб, уларга буйруқ беришни, корхона хўжайинлари манфаатини кўзлаб, уларни таъқиб этишни истамасди. У ишчи ва бошқа ҳар қандай ишчи каби ўттиз йил ишлагач, пенсияга чиқади.

Кальво бошланғич мактабнинг бор-йўғи икки синфини тугатишга муваффақ бўлди, бироқ у ўқишни мустақил давом эттиришга тиринди: унинг китоб қўлтиқлаб юрганини тез-тез кўриш мумкин эди; бу китобларни у танаффус вақтларида, корхонадаги тунги навбатчилиги пайтида ўқирди. Уларнинг орасида Эмиль Золянинг «Серпуштлик», «Жерминаль», М. Горькийнинг «Фома Гордеев», «Она», Реклю¹ ва Виктор Гюгонинг асарлари бор эди. У кечқурун бўш вақтларида болаларига «Хўрланганлар»дан бирор парчани айтиб беришни хуш кўрарди.

Хорхе оилада учинчи бола эди. У гўдаклигиданоқ жиддийлиги билан ажралиб турарди. Кальвонинг бошқа болалари каби мактабда аълочи ўқувчи ва яхши ўртоқ эди. Камдан-кам ҳоллардагина шўхлик қилар ёки болакайлар тўдаси бутун округга ваҳима солиб бошлаган муштлашувларда қатнашарди.

Катталар у ҳақда сўзлашганда: «Бунга аллақачон катталарнинг нусхи урган»,— дейишар ва Хорхе билан болаларнинг нозик иззат-нафсига тегадиган ҳомийларча риюгарчилик қилиб гаплашишга ботинмасдилар.

Ёзнинг дим, нафас қайтарадиган оқшом кезлари қишлоқ аҳолиси уйларида похол курсиларни олиб чи-

¹ Реклю, Жан Жак Элизе (1830—1905)— француз географи ва сиёсий арбоби.

қнб, эшик ёнида ўтирганча, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб бўш вақтларини ўтказишади. Болалар югуришиб, бақирнб-чақириниб, «қароқчи-қароқчи» ёки ҳиндуларга қарши урушган жасур ковбойларга тақлид қилиб ўйнашадди. Терга нишиб, ҳарсиллаб, чарчаб ўйинни тугатишгач эса, болалардан биронтаси илтимос қилиб қолади:

— Че¹, «Бақалоқ», бирор нарса айтиб берсанг-чи.

Хорхе кўп ялинтириб ўтирмасди. Унинг овози Сарандининг сон-саноқсиз кўлмакларида қуриллаётган қурбақалар концертини босиб кетарди. Нафасларини ичларига ютиб, бутун вужудларини қулоққа айлантириб тинглаётган болаларга «Қора қароқчи»нинг ажойиб саргузаштларини ёки Жюль Верн асарларидан ёхуд болалар журналларидан бирон нарсани айтиб бераётганда эса Хорхенинг овози янада баландлашарди. У болаларни то оналари келиб олиб кетмагунча, ҳеч кимга гап бермай, бир ҳикоя кетидан иккинчисини бошлаб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирарди.

Ўша авлод болалари ҳозир балоғатга етиб, деярли ҳаммалари ишчи бўлишган. Улар ўзларни учун сирли ва ҳаяжонга тўла саргузашт дунёсини кашф этган ўн-ўн икки ёшлардаги болани ҳали ҳам яхши эсласалар керак.

Йиллар ўтгач бошқа одамларга бошқача — уларнинг кўз ўнгида хаёлий эмас, балки мавжуд ҳаётдаги янги йўлни кашф этувчи, ишонч ва исён руҳига тўла сўзларни эшитиш насиб қилди. Бу йўл жуда ҳаяжонли йўлдир; бу — мақсади меҳнаткаш оммани, бутун халқни озодликка олиб чиқиш бўлган кураш йўлидир.

Худди ўша кезлардаёқ адолат туйғуси Хорхеда тўлатқис, аниқ шаклланди ва бутун онгига сингиб кетиб, уни авангард коммунистлар сафига олиб келди. Болалар ўйнашаётганда жанжал чиқиб қолса, хоҳ гап соқ-

¹ Че — Аргентина ва Уругвайда турли-туман ҳис-туйғуларни ифодалаш учун тез-тез ишлатиб туриладиган ундалма.

қа ўйини тўғрисида бўлсин, хоҳ айбдор футболчи командаси ҳисобига ҳукм қилинган тортишувли жарима тўпи борасида бўлсин, «Бақалоқ» бошқа болаларнинг сукути остида ҳаққоний ишни ҳимоя қиларди. Агар болалардан биронтаси ўзини такаббурона тутса ёки ножўя иш қилса, Хорхе ўз далилларини мушт кучи билан мустаҳкамлар ва шиддатли олишувда ҳамма вақт голиб чиқарди. У укаларини ҳимоя қилиб жуда кўп муштлашарди, муштлашганда ҳам ҳар гал мардона, ўзи жондидан яхши кўрадиган Сальгари'нинг қаҳрамонларига муносиб равишда муштлашарди.

Бу йигитчага болаларга хос завқ-шавқ бегона эмасди. Гарчи Хорхе футболни ёмон ўйнаса-да, қизгин тортишувлар билан ўтадиган оғир спорт учрашувларининг алмаштириб бўлмайдиган иштирокчиси эди. Гоҳида у футбол туфайли ёинки темир йўл ортидаги унча катта бўлмаган «Ла Салада» дарё қалқасида мохарра² тутгани кетиб, мактабга бормасди. Хавф-хатарга тўла бундай саргузаштлар учун таъзирини ерди. Бунақанги пайтларда отаси ўзининг бақувват қўллари билан берадиган жазодан қочиб қутулиш қийин эди.

ХОРХЕНИНГ ОНАСИ

Эр-хотин Кальволар кўнгина ишчиларга насиб этиши даргумон нарасага — болаларини илм-маърифатли қилиб ўстиришга орзуманд эдилар. Ўзларида ўқишга имкон бўлмаганди, лекин болалари маърифат, маданият йўлига камбағаллик солувчи ғовларни енгиб ўтишлари керак. Улар колледжга, университетга кириб ўқишлари керак... Эр-хотин Кальволар ўзларининг ширин орзумидларини ҳаёт барбод этишини ҳали билмасдилар.

¹ Сальгари, Эмилио (1863—1911)— итальян ёзувчиси, саргузашт романлар муаллифи.

² Мохарра — Атлантика океанининг қирғоқ бўйларида яшовчи балиқ.

Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай фидокорликка тайёр эдилар...

Ҳа, ҳар қандай фидокорликка тайёр эдилар. Ҳар бир сентаво¹ учун, пулни кейинги маошгача етказиш учун доимо титраб-қақшаб яшаш лозимлигини ишчи оилалари яхши билишади. Оила кинога бормаиди, бошқа кўнгил очар ишларга йўл қўймаиди. Она, қачон қараманг бисотидаги кўйлагида юради, аммо болаларини бошдан-оёқ кийинтиради. Донья Эсперанса етти киши учун овқат тайёрлар, кир ювар, дазмол урар, кийим-кечак тикар, дунёга келиши билан оила харажатини қўпайтирган энг кенжаси — бешинчи боласига қарашга зўрга вақт топарди. У болаларини қийинчиликларга чидашга ўргатиб, аста-секин меҳнатга кўниктириб борарди. Донья Эсперанса очиқ кўнгил, сахий, дилкаш аёл бўлиб бошқаларнинг ғам-ташвишига, азоб-уқубатига лоқайд қараб туrolмасди. Агар округда биров касал бўлиб қолса уни қидириб юришнинг ҳожати йўқ эди: беморникига унинг ўзи югуриб-елиб борар, кўнгил кўтарар сўзларни айтиб, қўлидан келганча ёрдам берарди.

Унинг жон-жаҳди билан иш қилишини кўрган одам: «Хўп бақувват, соғлом аёл-да», — дейиши мумкин. Йўқ, асло ундай эмасди: унинг юраги дарё эди, холос. Донья Эсперанса ғайратли, бироқ касалманд аёл эди. Оила бахти ўзига боғлиқлигини, боши ёстиққа тегиши ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам қимматга тушишини билган ҳолда жони оғришига мардонавор чидарди. Лекин Донья Эсперансада қайнаб-тошган ғайрат-шижоат, халқдан чиққан аёлларга хос кундалик ва киши пайқамас қаҳрамонлик мужассам эди. У садоқатли ва чин дўст эди. Дон Сантьяго ҳам унинг доимий ёрдамини, айниқса ҳаётнинг машаққатли дақиқаларида ўзини қўллаб-қувватлашини яхши биларди. Болалар оналаритим-

¹ Сентаво — Лотин Америкаси мамлакатларидаги пул бирлиги, песонинг юздан бири.

солида намуна олса арзигулик кишини кўрар, зарур пайтларда ундан руҳлантирувчи сўзлар эшитардилар. Бу саводсиз, бироқ матонатли аёл ўз болаларини оғир синовларга тўла мактабда — ҳаёт мактабида тарбиялай олди.

Хорхе Кальво мана шу меҳнаткаш, оддий, мақсадлари бир бўлган оиладан чиққанди. Унинг характери болалигиданоқ шаклланган, тобланган, ёрқин ва олижаноб ҳис-туйғулар қалбини забт этганди. Хорхенинг қалбига олижаноблик, эзгулик уруғларини илк бор донья Эсперанса қадаган, кейинчалик эса партиямиз уни авайлаб, ардоқлаб вояга етказганди. Ўртоғимизнинг дастлабки тарбиячиси бўлган бу аёл — она хотираси олдида бугун бош эгарканмиз, унга чуқур эҳтиром ва меҳр-муҳаббат билан шундай деймиз:

— Раҳмат, сизга, донья Эсперанса.

ИЗЛАНИШ

Оғир ҳаёт кечиришга, тинкани қуритадиган ва арзимаган ҳақ тўланадиган меҳнатга дучор этилган бу одамлар касаллигу хасталикнинг доимий хавфи остида яшаб, мулкдор синфларнинг зулмига бардош берар эканлар, ўз уйларининг тўрт девори орасига худбинларча яширинмайдилар, ўз оилаларидан ташқарида нимаики юз берса, унга бепарво қараб туrolмайдилар. Ҳар ҳолда, улар ўз тақдирлари кўплаб бошқа оилалар тақдири билан, бутун халқ тақдири билан, фақат аргентина халқи тақдири билангина эмас, балки жаҳон халқлари тақдири билан ҳам боғлиқлигини англаб етадилар...

Кечки пайт ҳаммалари стол атрофида тўпланган, она эса идиш-товоқларни юваётган ёки ич кийимларни ямаётган бир пайтда болалардан биронтаси газетани қўлига олиб, овоз чиқариб ўқишга тушарди. Қурилиш ишчиларининг иш ташлаши уч ойдан бери муттасил давом

этаётганини; сенатор де ла Торре¹ чорвачилик олигархиясига қатъий қарши чиқаётганини ва шу каби янги воқеа-ҳодисаларни улар тез-тез муҳокама қилиб туришарди.

Камгап Сантьяго одатда муҳокамаларда қатнашмасди (бироқ бўлаётган гап-сўзларга мутлақо бефарқ қараб туролмасди, чупки ҳар бир масала юзасидан у аллақачон ўз фикр-мулоҳазасига эга бўларди). Оталари қазо қилгачина, болалар унинг Совет Иттифоқининг буюк мухлиси ва саботли ҳимоячиси эканлигини эшитдилар. Буни отасининг КАДЭ электростациясидаги ўртоқлари айтишди.

Донья Эсперанса, эридан фарқ қилиб, ўз фикр-мулоҳазасини билдиришда ҳозиржавоб эди: у мулкдорлар ҳукмронлигидан бенхтиёр нафратланар, дунёда неки қарғиш бўлса, ҳаммасини бойлар устига пайдар-пай ағдариб, халқ ҳаракатини ёқлаб чиқарди.

Хорхе дастлаб оилада, кейинчалик Буэнос-Айрес колледжиди ижтимоий масалаларга қизиқа бошлади. У ўрта мактабнинг бешинчи синфида ўқир экан, колледжга кириб ўқиш учун мустақил тайёрланди ва кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Хорхе дастлаб баъзи бир синфдошларининг таъсири остида реформистик социализмга маълум даражада хайрихоҳлик билдирди, «демократия», «озодлик» сўзларининг жозибадору мавҳум маъноси тобелигида бўлди. Шунинг учун ҳам у Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳамда СССРдаги ишчилар демократияси мазмунига дарҳол тушуниб етмади. Тиниб-тинчимас, дилкаш Хорхе ўзини қийнаётган масалаларни оиланинг барча аъзолари муҳокамасига қўярди. Баъзида ўша кезлари унча узоқда

¹ Лисандро де ла Торре (1868—1939)— Аргентинанинг сиёсий ва жамоат арбоби, прогрессив-демократик партия лидери. 1935 йили сенатда сўзга чиқиб, кушхона корхоналари хўжайинларининг жиноятларини фош қилган.

бўлмаган ойна заводида ишлаётган акаси билан мунозарага киришарди. Ўқувчи ва ишчи бир-бирларидан асло тап тортмай, ўз фикрларини шартта-шартта гапириб, ўртага ташлардилар. Пировард-натижада акаси ўз синфий мавқеига хос, рад қилиб бўлмас мантиқий далиллар билан мунозарага чек қўярди:

— Мавҳум озодлик тўғрисида бунчалик куйиб-пишиб гапиришнинг нима ҳожати бор? Сен қанақанги демократияни назарда тутяпсан ўзи? Совет Иттифоқида ким ишласа, мамлакатни ҳам ўшалар идора қилади, тушундингми? Гап тамом!

Бироқ Хорхенинг онги ўсишида бу оддий ва ишончли далиллар эмас, ҳаётнинг ўзи, шахсий тажриба, халқ билан ҳамжиҳатлик муҳим роль ўйнади ва пировардида уни бутун ҳаётини бағишлаган ишига олиб келди.

Кўп ўтмай, Испанияни қамраган уруш олови тўғрисидаги шов-шув газета саҳифаларида кўриниб қолди. Фашистлар халқ ҳимоя қилишга отланган республикага қарши кўтарилгандилар. Дунёнинг барча бурчакларида бўлгани каби бу ерда, Иберий ярим оролидан мингларча километр олисдаги Аргентинада ҳам одамлар бу воқеага лоқайдлик билан қарамадилар. Улар ўзларининг маънавий бирдамликларини билдирдилар, ҳужумга дучор бўлган халққа моддий ёрдам кўрсатдилар. Кальволар оиласи ҳам бундан четда қолгани йўқ. Улар Блумга ўхшаш социалистлар, Черчилъ каби демократлар қўллаб-қўлтиқлаши ва иштирокидан кўнгли тўқ бўлган халқро фашизмга испан халқи қаҳрамонларча кўрсатаётган қаршilik тўғрисидаги хабарларни ҳар кун ўқиб борардилар. Донья Эсперанса уруш тўғрисидаги хабарларни сўнгги сатригача ўқишга мажбур қилар, бордию ўқиш пайтида бирор нарсани тушириб қолдирсалар, фиғони фалакка чиқиб кетарди...

Оила ночор ҳаёт кечирар, бироқ, Пасионария халқига ёрдам учун ихтиёрний тўпланган пулга ўз улушини қўшарди. Баъзан якшанба кунлари, курашаётган халққа

маблағ йиғиш учун уюштирилган сайилларга онаси билан бирга Хорхе ҳам борарди. Донья Эсперанса ҳаётида илк бор ана шу хилдаги қишлоқ байрамларида қатнашганди...

Испан халқининг қаршилик кўрсатишдаги қаҳрамонлиги, республикачилар мағлубиятини олдиндан муайян қилиб қўйган халқаро реакцион кучлар фитнаси ўсмирга жуда катта таъсир кўрсатди.

«ТҶДА»

Сарандида Хорхе Кальво номини кейинчалик абадийлаштирган чорраҳа бор. Суписиче ва Бельграно кўчалари кесишган бу чорраҳа Хорхенинг ёшлик изланишлари билан, ўсмирлик даврининг ҳис-ҳаяжонларга тўла дунёси-ю, исёнкорлик руҳининг уйғониши билан, шунингдек, унинг ҳаётидаги илк буюк муҳаббати — биринчи ва сўнгги муҳаббати билан чамбарчас боғланган...

Мана шу муюлишда, яшил тўсиқ ёнида, одатда округдаги ёш-яланглар ўзларининг бўш вақтларини ўтказиш учун тўпланишарди. Яқин атрофдаги кўн-мўйна фабрикаларидан чиқаётган қўланса ҳид округдан ҳам узоқ-узоқларга анқирди. Узоқдан ойна заводининг баланд мўрилари кўриниб турарди. У ерда, шунингдек, қишлоқнинг бошқа саноат корхоналарида — «Вилья Итте» тўқув фабрикасида, бўёқ ишлаб чиқарувчи «Павхарито» фабрикасида, химия заводида ана шу ёш-ялангларнинг кўпчилиги ишлашарди. «Тўда» «Рейсинг»нинг сўнгги ўйинларини ёхуд «Бока Хуниорс»¹нинг навбатдаги чемпионатда голиб чиқишига тегишли бўлган имкониятларини муҳокама қиларди; ўша пайтдаги энг маш-

¹ «Рейсинг» ва «Бока Хуниорс» — Аргентинадаги машхур футбол клублари.

хур оркестрларнинг концерти муҳокама этилар, Трой-ло тарафдорлари Ди Сарли ёинки Д'Агостино мухлис-лари билан қизгин тортишиб кетишарди. Кейин округ Гардел'ининг қўшиғини эшитиш учун ҳамма жимиб қолар, яқинроқдан гўзалроқ қиз ўтгудек бўлса, бўшлиққа хумор кўзларини тикканича куйлаётган қўшиқчининг овози янада майинроқ янграрди... Бу ерда ёш-яланг бир-бирига юрагини очиб, ишқий саргузаштларини айтиб мақтанишарди. Лекин шу билан бирга бошқа мавзулар ҳам муҳокама қилинади: бирининг фабрикадаги иш шароити жудаям оғир, катта мастер кун бермайди, бошқаси эса арзимаган иш ҳақи олади; бу ерда шу кунда олиб борилаётган касабаси союз кураши ҳақида ҳам фикр-лашиб олинади...

Сарандидаги ўша чорраҳа — Суписиче ва Бельграно кўчалари кесишган жой... Ҳозир ҳам, икки экзотик пальма ёнида яшил тўсиқ бор. Бурунги пайтлардагидек, ҳали ҳам маҳалла ёш-яланглари шу ерга йигилишади, футбол тўғрисида баҳслашишади, ҳасратлашишади ёки фабрикадаги оғир иш шароитидан шикоят қилишади. Булар янги, ёш авлод вакиллари. Бироқ бутун район, бутун мамлакат каби бу кўчалар аҳолисини ҳам ўша-ўша бурунги масалалар, муаммолар ҳаяжонга солади. Агар кимда-ким бунга шубҳаланадиган бўлса, яқин атрофдаги деворларга битилган сўзларни ўқиши мумкин. Бу сўзларнинг баъзилари ёзнлганига анча бўлган — улар қуёш тафти-ю, ёмғирдан тусини йўқотган, аммо ҳали ҳам ўз актуаллигини йўқотмаган сўзлардир: «Петер² учун — гўшт масаласи ҳаққоний ҳал этилиши учун овоз беринг!», «Сиёсий маҳбусларга озодлик!», «Тадьоли³—

¹ Гардель — аргентиналик машҳур қўшиқчи, танго ижро-чиси.

² Петер, Хосе — Аргентина Коммунистик партияси раҳбар-ларидан бири.

³ Тадьоли, Педро — компартиянинг Буэнос-Айресдаги ви-лоят ташкилоти секретари.

депутат!», «Тинчлик учун!» Нақ муюлишга эса, кимдир кўмир билан ўроқ ва болга расмини солган.

УҚИШ ИШТИЁҚИДА

Ўша йилларда Хорхе тўладан келган, қадди-қоматли йигит эди. Очиқ чеҳрасида ўйноқи, самовий-мовий кўзларни чақнаб турарди. Бўйнида ҳамиша ҳилпираб турувчи шарф, орқага қаратиб таралган қалип сочлари унга романтик тус берарди. У ашула айтишни яхши кўрар, бироқ ҳаддан ташқари ёмон куйларди. Эҳтимол шу сабабли ҳам, поэмаларни, ўзи жуда кўпини биладиган бировларнинг поэмаларини ёддан ўқишни афзал кўрарди. Лекин шеърятга иштиёқмандлиги-ю, ўзи ҳам бекитиқча шеърлар ёзишига иқдор бўлишдан кўра, қўлини кесиш ташлашни маъқулроқ кўрарди. (Шунга қарамай, унинг баъзи бир шеърлари округдаги ёш-яланглар қўлига тушганди...) Хорхе кўп ўқирди, барча моҳир футболчиларни номма-ном билар, ўзи ҳам спорт билан шуғулланарди, ҳаётда онаси донья Эсперансага, мутолаа бобида эса Хосе Инхеньерос¹га зўр ихлос қўйганди.

Хорхе чуқур билим олиб, келгусида ёзувчи, очеркчи ённки ўқитувчи бўлиш учун фалсафа ва адабиёт факультетга ўқишга кирди. Бироқ ҳаёт дарҳол унга ўзининг кутилмаган ва қақшатқич зарбасини берди. У ерда «Фило»да — фалсафа факультетини ёшлар қисқартириб шундай деб аташарди — Хорхе на ўзи кутган муҳитни, на ҳар қандай маориф муассасасига хос бўлган тараққийпарвар фикрлашларни тополди. У фикр донраси тор, гуруҳбозлик қилувчи, дунёвий ишлардан юз ўгирган, айна пайтда бефаросатлик билан маданиятни воқеликдан, халқдан ажратувчи, маърузаларида халқаро ҳамда мил-

¹ Инхеньерос, Хосе (1877—1925)— ёзувчи, файласуф, Аргентинанинг жамоат ва сиёсий арбоби. 1918 йилда ташкил этилган «Реформа» тараққийпарвар студентлар ҳаракатининг иштирокчиси.

лий-демократик ҳаракатларга туҳмату бўҳтонлар ёғдирувчи профессорларга дуч келди. Кўп ўтмай Хорхе, университет халқ манфаатларидан, мамлакат манфаатларидан юз ўгирган, деган хулоса чиқарди.

У машғулотларга қатнашишни йиғиштириб, ўзп мустақил шуғуллана бошлади: худди болалик йилларидаги каби бир китоб кетидан бошқасини чанқоқлик билан ўқишга киришди. Унинг диққат-этиборини айниқса таърих ўзига тортарди: у аргентина халқи ўтмишини, Май воқеалари¹ни аниқроқ ёритиб берадиган материалларни пзларди. Хорхе француз революциясига қойил қолар, маълумотини янада ошриш ниятида даста-даста китобларни бош кўтармай бир неча кун ичида ўқиб чиқарди. У фалсафани ҳам этиборидан четда қолдирмайди: Кант теориясидан Гегель диалектикасига, Корн²нинг эволюцион таълимотидан Хосе Инхеньерос асарларига ўтади. Айниқса сўнггиси — Хосе Инхеньерос уни ўзига кўпроқ жалб этади.

Бироқ Хорхе ўқиш ва ўрганишга берилиб, шахсият-параст бўлиб қолмади, ўзини одамлардан четга тортгани, ён-веридагилардан юз ўгиргани, билими ошган сари манмансираб кетгани йўқ. Унинг катта мастер лавозимидан воз кечган кишининг ўғли эканлиги бежиз эмасди. Хорхе отаси сингари ёш-яланглардан ўзини четга тортишни истамасди, у ўртоқларига жуда ҳам садоқатли эди. «Менинг мартабамни синф билан бирга оширинг, лекин ҳеч қачон синфдан ажратиб, ундан юқорига кўтарманг»,— унинг эзгу мақсади шундай эди. Йигитча

¹ Гап Май инқилоби—1810 йил 25 майда испанлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган инқилобий кўзғолон ҳақида боряпти. Кўзғолончилар ғалаба қозонгач, Аргентинанинг биринчи миллий ҳукумати—Ватанпарварлик хунтаси ташкил этилган.

² Корн, Алехандро (1860—1936)—аргентиналик файласуф, идеалист, неокантчи, 1906—1930 йилларда Буэнос-Айресдаги университетнинг профессори бўлган. Тараққийпарвар сиёсий қарашларга тарафдор бўлиб, социализм ғояларига хайрихоҳлик билан қараган.

учун маданият — жамиятнинг тараққиёт қонунларини билиш манбаи эди, маданият ҳозирги замоннинг муҳим масалаларига жавоб топишда унга ёрдам берарди. У капиталистик жамиятнинг ҳал этилмаган қарама-қаршиликларига: бир томондан, жамият бойлигини яратувчи меҳнаткашларга, нодонлик ёинки кам саводлиққа маҳкум этилган ишчилар синфига; бошқа томондан, ҳукмрон табақалар монополия қилиб олиб, реакцион тус берадиган ва халққа қарши қўядиган маданиятга тез-тез дуч келарди. Хорхе бунга барҳам бериб, маданиятни халқ — «мамлакатнинг ҳақиқий хўжайинлари» хизматига қўйиш зарурлигини ички бир ҳиссиёт билан англайди. Ҳаётнинг машаққатли шарт-шароитларини ўз бошидан кечирган, Авельянедадаги муҳтожликни кунда кўравериб, кўзи пишган Хорхе, гарчи ҳали жуда аниқ-равшан бўлмаса-да, меҳнаткашларни инсоният учун муносиб ҳаёт кечиришга олиб бора оладиган йўл топиш зарурлигини аста-секин тушуна бошлайди.

«ХОСЕ ИНХЕНЬЕРОС» КЛУБИ

Оқшомларнинг бирида, «тўда» одатдагидек, кўнгил очар муюлишда тўпланганда кимдир, балки Хорхенинг ўзидир, иттифоқо дадил фикрни ўртага ташлади:

— Болалар, клуб ташкил қилмаймизми, нима дейсизлар?

Таклиф шу заҳотиёқ қабул қилинди, ёшлар ишга киришиб кетдилар. Кўп ўтмай улар ўз клубларини Хорхе таклиф этган ном билан атай бошладилар. Клуб, албатта, Хосе Инхеньерос номидан бошқа яна қандай ном билан аталиши мумкин эди?

Клубнинг ташкил этилиши ишчилар маҳалласида катта шов-шувга сабаб бўлди, ёшлар унга оқиб кела бошлади. Дастлаб кичикроқ магазиннинг бир пайтлар-

даги омборхонаси бўлган мўъжазгина хонада машғулот олиб бордилар. Кейинчалик улар Суписиче кўчасидаги 256-уйни — каттароқ бинони олишга муваффақ бўлдилар. Тез орада клуб спорт, жамоатчилик ва маданият марказига айланди: одамлар рақс тушгани тўпланар, болалар футболчилар, баскетболчилар учрашувларини, югуриш ва велосипед пойгалари бўйича мусобақалар уюштирардилар. Клубда турли мавзуларда: тарихий, адабий мавзуларда суҳбат у лекциялар ўтказилар, бичув-тикув, биринчи ёрдам кўрсатиш каби курслар очилганди.

Хорхе ўзининг ажойиб ташкилотчилик қобилиятини намойиш этиб, клубда завқ-шавқ билан ишларди. Кўп ўтмай, уни клуб президентлигига сайлашгач, у ҳамма бўш вақтини клуб ишига бағишлади. Унинг янги ишга ишқивозлиги, ўғлим ўқишни ташлаб кетмасайди, деб хавфсираган отаси билан жиддий гаплашувга сабаб бўлди. Донья Эсперанса ўғлига ён босди.

1939 йилда рак касали донья Эсперансани ҳаётдан олиб кетди. Она ўлгач, оила қайғу-ҳасратдан аримай қолди. Дон Сантьяго оғир жудоликка чидаш беролмади. Орадан икки йил ўтгач, у ҳам оламдан ўтди.

ЎСПИРИНЛИК

Ёш йигитнинг қалбида нималар юз бераётганини ким ҳам била оларди? Ахир унинг ички олами янги, мураккаб, англаб етиш қийин. Серзавқ, тиниб-тинчимаган йигит ҳаётдаги, кишилар муносабатидаги зиддиятларга қарши чиқади. Тартпбсизликларни, фақат донмий поҳақликдан иборат бўлиб кўринувчи, теварак-атрофни қуршаб олган ҳақу ноҳақликларнинг қабиҳ қоришмасини у ўзига сингдира олмайди. Унинг куч-қувватга, ғай-

ратга тўлиб-тошган пайти, у ҳаёт нималигини тушуниб етишга, уни ўзига бўйсундиришга интилади. Бироқ бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Ҳар қадамида шубҳалару иккиланишлар тўғаноқ бўлади, ўз кучига ишончсизлик уни умидсизликка туширадн. Киши ҳаётининг бу даври одатда китобларда шоирона тасвирланиб, «ҳаёт баҳорн» деб аталади. Ҳа, аслида ҳам шундай, лекин баҳор жудаям ғайритабиий даврдир. Бу даврда киши орзу-умидларга бериладн ва кундалик аччиқ, ғаразли воқелик билан юзма-юз турганида ногаҳон тўлқинланиб кетади. Ёшлик — илм-маърифатга ташналик, эҳтирослилик, айни пайтда, кўп нарсалардан беҳабарлигу шубҳалар даври: ёшлик — умидлару умидсизликлар, бирдан ўт бўлиб ёниб кетиш-у, лаҳза ўтмай кўнгил қолишлар даври.

Қайси йўлдан бориш керак? Тўсиқларни, жамият томонидан ёшлар олдида қўйилган адолатсизликларни қандай енгиб ўтиш керак? Баъзилар замонанинг ўзи берган жавоблар билан қаноатланиб, даврга мослашадилар, ўзларидаги исёнкорлик руҳини сўндирадилар, изланишларга бўлган қобилиятларини йўқотадилар. Кимда-ким навбатдаги изланишлардан воз кечса, кимда-ким бу масала минг-минглаб йигит-қизларга хослигини, уни ҳал этиш учун ҳамма фақат бир ёқадан бош чиқариб изланиши зарурлигини тушунмаса, ўшанинг толеи пастдир. Тенгқурларига пешвоз чиқмай, ёшларнинг умумий оқимида йўқолиб кетганларнинг толеи пастдир.

Хорхе бунақанги бемаҳал турғунликдан, ҳаёт олдида таслим бўлишдан юз ўгирди. У шундай бир қарорга келган эдики, бу қарор дадил фикрлар уйғотиб, йигитчани вақтни ўтказмай ўзини қизиқтирган масалаларга жавоб излашга, чалкаш ва зиддиятли ҳаёт сирларини очишга ундади.

Хорхе ўз йўлини топиши зарурлигини биларди. У бу йўлни топди ҳам,

МУҲИМ ҚАДАМ

Хорхе ўз ижтимоий фаолиятининг дастлабки кунларидаёқ ёшларни ягона бир ҳаракатга олиб келишни мумкин бўлган имтиёзлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилди. То шу кунгача биронта ҳукумат ҳам ёшларнинг ғайрат-шижоатини ягона бир йўналишга қаратишга уриниб кўрмаган, ёшларнинг илм олишига, спорт билан шуғулланишига, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга шароит яратиб бермаган мамлакатда, Сарандидаги бу болалар «тўдаси» ўта маънавийлик ва жисмоний тайёргарлик асосларини эгаллаш учун мардона кураш олиб борди. Клуб аъзолари орасида Коммунистлик ёшлар Федерацияси намояндалари ҳам бор эди. Кунларнинг бирида Кальвонинг қўлига ҳафталик «Ориентасьон»¹ тушиб қолди. Хорхе бутун вужуди билан берилиб уни ўқиб чиқди, кейинчалик эса ҳафталикнинг доимий ўқувчисига айланди. У умрида биринчи бор коммунистлар мурожаатини ана шундай диққат-эътибор, зўр қизиқиш билан ўқиди, уларнинг мақсадларини: нима учун курашаётганларини, халқни қандай йўлга бошламоқчи бўлаётганларини илк бор англай бошлади.

Ўртоқлари билан бўлган суҳбатлардан, коммунистлик газеталар саҳифаларидан Хорхе ўзининг шубҳа ва иккиланишлари боисига изоҳ топди. У янада даднл, журъатли бўлиб қолди: унинг учун чинакам истиқбол очилганди.

Шундан сўнг у ўзининг биринчи муҳим қадамини қўйди.

«Феде» аъзолари йиғилиши ўтяти. Унга Хорхе ҳам таклиф қилинган. Йиғилишда мамлакат ҳамда бутун дунёдаги аҳвол тўғрисида, ёшлар манфаати, уларнинг

¹ «Ориентасьон» — Аргентина Коммунистик партиясининг марказий органи.

жаётда тутган ўринлари ҳақида гап борди. Саволлар ёғилди, муҳокама авжига чиқди... Йиғилиш охирида раислик қилувчи шундай савол ташлади: «Коммунистик ёшлар Федерациясига ким аъзо бўлишни истайди?»

Хорхе биринчи бўлиб қўл кўтарди...

Ўзининг ёшлик ғоялари, ҳаққоният учун бутун вужуди билан пнтилиши фақат Коммунистик ёшлар Федерацияси сафидагина тўла маъно касб этишини аллақачон англаганидан шундай қилди у. Гап шошма-шошарлигу расмийчилик билан аъзо бўлиш ҳақида кетаётгани йўқ; у ўз устига олаётган катта масъулият учун ўзига ўзи ҳисоб бергани, негаки, шу дақиқадан бошлаб ҳаётини ёшлар ҳамда бутун халқ бахт-саодати учун кураш билан чамбарчас боғлаганини тушунарди. Бу йўлдан ҳеч қачон чекиниб бўлмаслигини ҳам биларди.

Хорхенинг коммунистик ёшлар сафига кириши Федерация ўз фаолиятининг янги формаларини белгилаётган даврга тўғри келди. 1939 йил март ойида ўтган V миллий конференцияда мамлакатдаги аҳволни назарда тутиб, Федерация ёшларнинг кенг кўлами билан алоқани мустаҳкамлашига ҳамда уларнинг ўз талабларини қондириш учун олиб бораётган курашини ягона бир йўналишга солишга имкон берувчи янги программа ишлаб чиқилди. Федерация оммадан ажралиб, тор доирада иш олиб бориш тенденцияларини рад этди, ёшларни бирлашишга. Май инқилобида ҳамда 1853 йил¹ инқилобида эришилган демократик ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун, америка ва инглиз империалистик монополиялари талон-торож қилаётган ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун қудратли ҳаракат уюштиришга чақирди.

¹ 1852 йили Росаснинг диктаторлик тузуми ағдарилгач, Аргентинада қон-қардошлар уруши бошланди. 1853 йил 1 майда қабул қилинган Конституция мамлакатнинг миллий жиҳатдан бирлашишига имкон берди.

Ўртоқлар билан ўтказилган узоқ ва фойдали суҳбатлар, Федерациянинг янги йўлини синчиклаб ўрганиш, шунингдек, ёшлар ўртасида ишлаб ортирилган тажриба Хорхени, бу йўл — энг ҳаққоний йўлдир, деган хулосага олиб келди. Унинг раҳбарларча дунёқараши кенгайиб борди, равшанлашди. У агар спорт тадбирлари ўқув-маориф ишларини ёшларнинг зарур талабларини қондириш учун кураш билан қўшиб олиб борилса, «Хосе Инхеньерос» клуби ўз иш доирасини янада кенгайтириши ва муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини англаб етди.

Ишдаги янги услуб кўп ўтмай ўз самараларини бера бошлади.

КЛУБ ФАОЛИЯТИ

Клуб фаолияти ўз орзу-умидларини рўёбга чиқаришини кўрган юзлаб йигит-қизлар унга аъзо бўлиб киришди. Спорт тадбирлари эндиликда фақат клуб доирасидагина бўлиб қолмай, кўчаларда, яқин-йироқ районларда ҳам ўтказиларди: клуб томонидан ташкил этилган чемпионатлару мусобақаларни округдаги ёшлар завқ-шавқ билан қўллаб-қувватлашар, рақс кечаларида кўплаб йигит-қизлар иштирок этишарди. Клуб болаларни ҳам назардан четда қолдирмади. Аёлларга ҳам енгилликлар яратилди: уларнинг ўғил-қизлари кўп вақтларини клуб қошидаги мактаб, болалар боғчасида ўтказишарди. Ёшлар ҳафтада ё ҳар ўн беш кунда бир марта, баъзан узоқ давом этувчи қизғин баҳслар билан тугайдиган умумий ўқишларга, суҳбат ва лекцияларга тўпланишарди. Ёшларнинг диққат марказида жуда кўп масалалар турарди: фабрикалардаги меҳнат шарт-шароити, илмий кашфиётлар, адабиёт масалалари, империалистик зулмининг кучаяётгани ва фашизм сиқувини тўхтатиш зарур-

лиги, Мариано Морено¹, Ривадавия², Эчеверриа³ ҳамда Сармьенто⁴ларнинг шонли анъаналарини ўрганиш ва давом эттириш...

Ишлар қизигандан қизиб кетди, кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Бу кунлар қанчалар ажойиб, қанчалар қувончли эди! Ахир, ёшларга ҳамда қишлоқ аҳолисига фойдали бўлган кўпгина ишларни амалга ошириш учун ташаббускорлик кўрсатишга имконият туғилганди-да.

«Хосе Инхеньерос» клубининг аъзолари ёлғиз эмасдилар. Улар яқин-атрофдаги районларнинг йигит-қизлари билан, ёшларнинг ягона ҳаракатини вужудга келтириш учун «Феде» ташаббуси орқали пойтахтда ҳамда мамлакатнинг бошқа жойларида янгидан ташкил этилган клублар билан алоқа боғлагандилар.

Ёшлар Ортис⁵ танглиги деб номланган даврда оммавий чиқишларда қатнашиб, ўзларининг мустақамланиб бораётган бирдамликларини намойиш этдилар.

Фашист доиралар билан алоқада бўлган олигархия кучлари қасддан мамлакатда кишини чалғитадиган ша-роит вужудга келтириб, бундан ишчи ва меҳнаткашлар ҳуқуқини поймол этишда фойдаланмоқчи бўлдилар. Халқ уюшқоқлик билан фашист реакциясига қарши

¹ Морено, Мариано (1778—1811)—Аргентинанинг сиёсий ва давлат арбоби, Май инқилоби ташкилотчиларидан бири, Ватанпарварлик хунтасининг секретари.

² Ривадавия, Бернардино (1780—1845)—Аргентинанинг сиёсий ва давлат арбоби, 1821—1823 йилларда Буэнос-Айрес вилоятида прогрессив реформалар ўтказган, 1826—1827 йилларда Бирлашган Ла-Плата (Аргентина) вилоятлари президенти.

³ Эчеверриа, Эстебан (1805—1851)—Аргентинанинг таниқли шоири, жамоат арбоби.

⁴ Сармьенто, Доминго Фаустино (1811—1888)—тараққийпарвар арбоб, таниқли ёзувчи ва олим, 1868—1874 йилларда Аргентина президенти.

⁵ Ортис, Роберто (1886—1942)—1938—1942 йилларда Аргентина президенти, 1940 йил июнь ойида унинг касаллиги туфайли ҳукумат ўтакетган реакционер — вице-президент Кастильо қўлига ўтган.

чиқди, 1940 йил 24—25 августда Буэнос-Айрес кўчаларида бўлиб ўтган норозилик намоёнликлари оммавий митинглар билан тугади. Мингларча йигит-қизлар ёшларнинг талабларини қондириш учун, демократик озодлик учун кураш байроғини баланд кўтариб, коммунистлар бошчилигида намоёнликларда қатнашдилар. Хорхе ҳам улар орасида эди.

Ёшлар тобора кенг қулоқ ёзиб, кучайиб бораётган касаба союзлар ҳаракатини ҳам қувватлаб чиқдилар. Йирик америка трести «Дюпон де Немур»га қарашли «Дусило» кимё заводи ишчиларининг овозасп оламини тутган иш ташлашлари худди ўша кезларда бўлганди. Уч минг ишчи битмас-туганмас хўрликлару камситишларга қарши, ҳаддан ташқари оғир меҳнат шароитларига қарши норозилик билдириб, иш ҳақини оширишни, касаба союзга бирлашиш ҳуқуқи берилишини талаб қилиб Берасатеги шаҳри кўчаларига чиқишди. Иш ташловчилар орасида ёшлар жуда кўп эди. Қаттиқ кураш 125 кун давом этди. Иш ташлаганларни кўпгина касаба союзлар, Кильмес (бу ерда бирдамлик билдириб, иш ташлаш ўтказилганди) аҳолиси ҳамда ёшлар ташкилотларни («Хосе Инхеньерос» клуби иш ташлаганларга ёрдам учун маблағ тўплади) қўллаб-қувватлашди. Имперналистик корхонани полициячилар, ҳукумат ва ёлланган қотиллар ўз ҳимоясига олди. Кетма-кет қамоққа олишлар бошланди. Реакционерлар иш ташлашнинг ёш раҳбарларидан бири — Дельфино Аресга қарши фитна уюштиришди. Йигитча икки ўқ билан ўлдирилди.

Хорхе ҳаяжону изтиробга тушди. Бу воқеа, «гориллалар» — империализм малайлари — халқ кучини синдириб, уни тобеликда сақлашга қаратилган ўз ниятлари йўлида ҳар қандай ваҳшиёна чораларни қўллашдан ҳам қайтмасликларига Хорхени яна бир марта ишонтирди. Шундан сўнг у меҳнаткашларга жиноятнинг қанчалик қабиҳлигини тушунтириш учун варақа ёзди. Йигит-қизлар варақани Авельянеда аҳолисига тарқатишди.

Хорхенинг дастлабки сиёсий ҳужжати ана шундай пайдо бўлди. Ўн йилдан сўнг эса унинг ўзи баданини тешиб ўтган — реакция қуйиб тайёрлаган ва Уолл-стрит банкирлари табарруклаштирган ўқлардан Дельфино Арес ўлдирилган жойдан сал нарироқда ҳалок бўлди.

БЕРТА ОШХОНАСИ

Худди ўша кезларда у ўз ҳаётида биринчи марта Ракель исмли қизга муҳаббат қўйди.

Улар «Берта ошхонаси»да танишдилар. Муюлишга жойлашган бу шинам жой, худди Саранди кўчасидаги машҳур «бурчак»ка ўхшаб, Хорхе ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга эди: бу ерда Хорхе ўз дўстлари, ўртоқлари билан йиғилишлар ўтказар, суҳбатлашарди, худди шу ерда Саранди коммунистик ёшлар ташкилотига асос солинган ва уни шу ташкилот секретари қилиб сайлашганди.

Шу ерда у илк бор синалган, бутун ҳаётини халқ озодлиги ишига бағишлаган, лекин кўп ўтмай умри хазон бўлган коммунистик ёшлар раҳбари Хосе Белоки ёки ҳамма ардоқлаб «жажжи» деб атовчи Белоки билан учрашганди.

Қўримсизгина, тепаси руҳ тунука билан ёпилган, яшаш учун деярли яроқсиз ёғоч кулба — «Берта ошхонаси» Брандцен кўчасидаги 24-кварталда жойлашганди. Берта ва унинг ака-укалари уйда бўлмаса-да, — улар фабрикада ишлашарди, — кулбани меҳмонлар тўлдириб, печкага олов ёқишар, одатланилган оилавий мате¹ тайёрлашарди. Рақсга тушишдан олдин ҳам, кейин ҳам

¹ Мате — кўк чой таъмини берувчи ичимлик. Аргентина, Бразилия ва Парагвайда ўсиб, қшин-ёзин кўм-кўк бўлиб турувчи йерба бутаси баргидан тайёрланади.

ошхонада тўпланиш кераклигини ҳамма биларди. Шаррос ёмғир ёғиб, кулбани сув босган кезларда қизлар печь тепасига, йигитлар эса иккита тахта эшак устига чиқиб олишар ва бундан ўзларини тутолмай хахолаб кулишарди. Бу ноқулайлик дўстона вазияту умум хурсандчилигини янада қиздирарди, холос: мате қўлдан қўлга ўтар, суҳбат қизир, ҳазил-ҳузул авжига чиқар, қизғин сиёсий мунозаралар кетидан шўх ўйинлар бошланарди.

Бу ерда ишқ-муҳаббат дostonлари бошланиб, пировардида тўй билан тугарди... Баъзан шундай ҳам бўларди: улар бирдан ҳазил-ҳузул, ўйин-кулгини йиғиштириб, тўқимачилик корхоналаридаги ишчи қизлар аҳволи ҳақида узоқ гаплашишар ёки китоб ва брошюраларни сўнгги сатригача овоз чиқариб ўқиб, муҳокама қилишга тушиб кетардилар. Бу йигит-қизларнинг ўқишга қанчалик иштиёқманд эканликларидан далолат берарди.

Олий ҳиммат ва эҳтиросларга тўла, ўз ғояларига содиқлик руҳи барқ ураётган ёшлик шижоати ҳукмронлик қилар, айни пайтда, йигитлар ўринли ҳазил бўлгудек бўлса, уни ўспиринларга хос қаҳқаҳа билан кутиб олишга ҳамиша тайёр турардилар. Лекин гап ташкилот ишлари тўғрисида боргудек бўлса жиддийлашиб, ўзларига юклатилган катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда унга «ёндашардилар. «Берта ошхонаси»даги қизғин учрашувлар ҳеч қачон унутилмайди, чунки бу ерда сафдошларнинг, оғир, аммо ажойиб ва порлоқ келажакка ишонч тўлиб-тошган курашда бирдам бўлганларнинг қувончу ғайрат-ташаббуси ўз ифодасини топганди...

Йигит-қизлар 1 Май намойишига, оммавий митингларга шу ерда тўпланишарди. Раҳбарлар билан алоқани тиклаш учун узоқ-узоқлардан келувчи ўртоқлар йўлни тўғри шу ерга, «махфий учрашув жойи»га солардилар. Ушбу «ошхона»да баъзан вилоят партия комитети ўз йиғилишларини ўтказарди... Коммунистик ёшларнинг марказий матбуот органи «Авансада»ни тарқатувчилар

ҳар шанба куни кечқурун ва якшанбада эрталаб худди шу ердан ҳар томонга тарқалишарди.

Хорхе шундай дерди: «Бу ошхона вақти келиб машҳур бўлиб кетади. «Феде» тарихини ёзганимизда унга бир неча саҳифани бағишлаймиз...».

РАКЕЛЬ

Ана шундай кунларнинг бирида Кальво хушқомат, жуда нозик ва ўйчан бир қиз билан танишди. Қизнинг қўнғир сочлари эшилиб-эшилиб елкаларига тушиб турар, кўкимтир кўзларининг қорачиғи эса унинг маънавий оламини акс эттириб, чақнаб турарди.

Ўшанда ўн олти ёшда бўлган Ракель ҳам ишчи оиласидан эди. Мамлакатдаги энг номдор паркет тўшовчилардан бири бўлмиш унинг отаси ўз касбига жуда меҳр қўйганди: ишни у нақ санъат асаридек мукамал ва ниҳоясига етказиб бажарарди. Шунга қарамай унинг оиласи ярим оч ҳаёт кечирар, натижада Ракель ҳам маҳаллий кўн фабрикасига ёлланишга мажбур бўлганди.

Хорхенинг кўзига кўзи тушган қиз қалбида аллақандай ўзгача бир туйғу жўш урганини ҳис қилди. Бироқ Ракель ўз муҳаббати билан йигитнинг юрагига ғулу солишни хаёлига келтириш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлашга ҳам журъат этолмасди.

— Хорхе мен учун қўл етмас хаёлий бир юлдуз эди,— деб эслаганди кейинчалик Ракель.

Қиз вояга етиб, унга балоғат нуқси урди. Барча мазлумлар қисматига тушган муҳтожликка ёшликдан кўниккан Ракель маънавий жиҳатдан эрта етишди: унинг — ишчи қизининг, заҳматкаш қизнинг синфий онглилиги аллақачон пишиб етилганди. Бу таъсирчан ва ўйчан қиз қалбида ўта исёнкорлик руҳи яшириниб ётарди. Уни Марказий Комитет аъзолигига сайлаган «Феде»лик ўртоқлари орасида Ракель ўзининг жиддийлиги, чуқур фикр-мулоҳазалари билан ажралиб турарди.

Халқ бахт-саодати учун курашни ва синфий муносабатни тўла англаб етган Ракелнинг ҳар қандай масалада ўзини хотиржам тута билиши Кальвода хаёлпарастликка унча-мунча майл уйғонишига восита бўлди. Эҳтимол, мана шунинг учун ҳам бу икки ёш бир-бирларини жуда яхши тушунишар, бир-бирларининг фикр-ўйларини ўзаро тўлдиришарди.

Хорхе қизни қўлидан ушлаб, Саранда, Авельянеда кўчалари бўйлаб олиб ўтарди. Суписиче ва Бельграно кўчалари муволишида турган йигитлар уларнинг толеларидан мамнун ва дунёдаги ҳамма нарсани унутган ҳолда кетишаётганини кўришарди... Хорхе қизга ишониб, унга ўз фикр-ўйларини, орзу-умидларини, йигирма яшар йигитнинг орзу-умидларини айтиб берарди. Билими камроқ Ракель эса, ҳайратланиб унга қулоқ соларди. Кальво Гонгора¹ ва Лопе де Вега, Беккер² ва Хорхе Манрике³, Пабло Неруда ва Рафаэль Альбертидан бирор парча айтиб берарди. Ҳатто ўзининг айрим поэмаларини ҳам ўқирди...

Баъзан қиз уни хаёллар дунёсидан воқеликка бошларди: шундай оғир ва аянчли шароитда яшаб, ишлаб, ҳар дақиқада машаққатларни дадил ва қатъий ҳал этиш зарур бўлган бир пайтда иродани бўшаштирувчи самовий хаёлларга берилиш қандай бўлар экан?

Эҳтимол, Хорхе мана шундай саволлардан кейингина ўзининг шоирона кайфияти ҳақиқий ҳаёт билан сиғишмаслигини, балки асосий мақсади — инсониятни зулмдан озод қилиш йўлидаги қийинчиликларга қарши мардонавор курашида ҳар қадамда тўснқ бўлишини тушуниб етгандир. Шундан сўнг Хорхе қатъий тadbир кўрди: ҳеч ким ҳеч қачон ўқимаган поэмаларини,

¹ Гонгора, Луис де (1561—1627)— испан шоири.

² Беккер, Густаво Адольфо (1836—1870)— испан шоири.

³ Манрике, Хорхе (1440—1479)— испан шоири.

бутун вужуди билан берилиб ёзадиган ҳикояларини йиғиштирди. Қўлёзмаларини йиртиб, ёқиб юборди. Алвидо, ёшликнинг самарасиз хомхаёлларини поэмаларда акс эттиришга бўлган уринишлар!

У ўзини ҳаётидаги яккаю-ягона ва энг муҳим поэмага бағишлаши даркор.

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ота ўлими туфайли ака-ука Кальволар катта моддий қийинчиликка учраб, уйни сотишга мажбур бўлдилар... Шундай шароитда ўқишни давом эттириб бўлармиди? Бундан ташқари, факультетда мавжуд шароитдан норозилик Хорхенинг баъзи бир ўқитувчилар билан айтишиб қолишига сабаб бўлди. Кунлардан бир кун бу ихтилоф қўққисдан портлади: Хорхе профессорларнинг бири билан қизгин баҳслашиб, унга бор ҳақиқатни айтиб берди-да, факультетдан чиқиб кетди. Бу унинг философия ва нотиқлик санъати факультети биносидан сўнгги марта чиқиши эди: у орқасига ўгирилиб ҳам қарамай, ғам-ғуссага ботиб, бир умрга университетни тарк этди.

Энди бирор ерга ишга жойлашиш керак эди. Унинг бахтига фабрикалардан бирининг идорасидан иш топилди! Бироқ ҳисоб-китоблару ҳужжатлар билан қийналиб ишлаганига қарамай у бу ерда ўз ўрнини тополмади. Ҳаммаси ҳам кулгили, ҳам йиғлатадиган бир тасодиф билан барҳам еди. Хорхе ишлаётган корхона совун, атир ва пардоз буюмлари ишлаб чиқарарди. Фабрика рекламаси крем Х ва лезвиенинг хўп мақтовини келтириб, ҳар кун соқол олганда улардан фойдаланишни тарғиб этарди. Лекин шундай бўлиб қолдики, бир кун Хорхе соқол олишни унутиб, ишга келди: унинг қиёфаси фирма рекламасига мутлақо мос келмасди. Шундай қилиб, ишга жойлашганга ярим йил бўлганда уни кўчага ҳайдаб чиқаришди.

Бу воқеадан у қайғурмади. Хорхе идорада диққина-фас бўлиб ўтиришдан кўра, фабрикалардаги завқли ва сершовқин шароитни, ишчилар билан бирга бўлишни афзалроқ кўрди. У меҳнаткашлар билан яқиндан алоқа боғлашга, улар билан бирга нафас олиб, яшаш учун курашдаги барча оғир-енгилликларни бирга баҳам кўришга аҳд қилди. Философия ва нотиклик санъати факультетининг собиқ студенти бирорта иш топиш орзусида кушхона эшиги ёнида навбатга турди.

ЛАБЛАРДА ТАБАССУМ БИЛАН

Клубда зўр бериб ишлаш ва «Феде» бўйича топширилган вазифа Хорхенинг деярли ҳамма бўш вақтини банд этарди. У «Хосе Инхеньерос» клубининг қалби бўлиб қолди. Хоҳ директив комиссияга раҳбарлик тўғрисида, хоҳ бирор мавзуда маъруза қилиш, хоҳ клуб биносини супуриб-сидириш, хоҳ бошқа ишлар борасида гап кетгудек бўлсин, барибир, у ҳамisha ва ҳамма ишда биринчи эди. У ўзининг доимий ўртоқлик ҳиссиёти, ҳазилкашлиги, тиниб-тинчимаслиги билан ҳамманинг ҳавасини келтирарди. Хорхе суҳбатларда, футбол учрашувларида, рақс кечаларида фаол қатнашарди.

Хорхе турмушдаги кундалик, ҳатто гапиришга арзимайдиган ғам ташвишларгача оддий йигит-қизлар билан ўртоқлашишга интиларди. Кундалик меҳнатларида ҳам, азоб-уқубатларию курашларида ҳам, ўйин-кулгиларию хурсандчиликларида ҳам улар билан бирга бўлишни истарди.

Қувонч... Кўнгилларни ийдирувчи бу ҳиссиёт чарчоқ ҳамда кураш йўлларида учровчи машаққатларни енгиб, келажак учун, халқ бахт-саодати учун заҳмат чекаётганидан фахрланувчи, илҳомланувчи ҳар бир инқилобчининг қалбидан ўрин олиши даркорлигини Хорхе жуда яхши англади. Кальво яна шуни ҳам билардики, қувонч — бу ёшлар шиори. Кейинчалик, 1946 йилда бўлиб

ўтган коммунистик ёшлар Федерациясининг VII Миллий съездида у шундай деганди:

«Қувонч ҳамда ёшларнинг тиниб-тинчимаслик хислати ўзининг хорлари, оркестрлари, қўшиқчилари, декламация қилувчиларн, драма тўгараклари, спорт командалари, сайлу сайрлари, рақсларию экскурсиялари билан ташкилотларимиз, клубларимиз ишларига ҳамроҳ бўлаверсин.

Бизни, ёшларни кайфи чоғлик чўчитмайди. Биз, гарчи куйласак, кулсак, рақсга тушсак ҳам, инқилобий жўшқинлигимизни йўқотишдан қўрқмаймиз.

Биз, ўртоқлар, келажакка, ғалабамизга ишонамиз. Қани, келинлар, ҳаммадан кучлироқ куйлайлик, рақсга тушайлик, кулайлик, худди шулар билан ёшлар ҳақ-ҳуқуқи учун, империализм ва олигархия зулмига қарши саботли, матонатли курашчилар бўлиб олдинда борайлик. Биз мард, жасоратли бўлишимиз шарт, чунки фабрикалардаги эксплуатация, қанд заводларидаги ишчилар дучор этилган таҳқирланишлар, қишлоқлардаги қашшоқлик, университетларда фашистлар томонидан қўлланилаётган жазо чоралари, бутун оғирлиги бизнинг елкамизга тушиб, ҳаёт кечиришга халақит бераётган қийинчиликлар шиддатли кураш олиб боришимиз зарурлигини, бизни бахт-саодатдан, яшашнинг оддий шарт-шароитларидан маҳрум этаётган душманни енгишимиз учун жонимиз борича жанг қилишимиз зарурлигини ҳамиша бизга эслатиб туради.

Биз, ёш коммунистлар, ана шу мақсадга амал қилиб, мақсад-нияти Аргентина халқини озод қилиш бўлган буюк ҳаракатга барча йигит-қизларни истисносиз бирлаштиришдек ташаббусни ўз зиммамизга оламиз».

РЕАКЦИЯНИ ЕНГИБ ЧИҚҚАН КУРАШ

Хорхе ўзига хос қизиқиш билан «Феде» ишига бутунлай берилиб кетди. Дастлаб унга «Авансада» газетасини Авельянеда районида тарқатишни топширишди. Қўп

Ўтмай газетага талаб сезиларли даражада ошди. Вилоят партия комитетининг секретари — сезгир Хосе Белоки эпчил Кальвога эътибор бериб, унинг тўғри сиёсий дунёқараши шаклланишида ёрдамлашди. Кейин тез орада коммунистик ёшларнинг вилоят раҳбарлигига Хорхе номзодини кўрсатди. Бир мунча фурсат ўтгач, бу масала ҳал этилди.

Худди шу вақтда ёшларнинг бирлашган ҳаракати Буэнос-Айресда ўтказиладиган миллий конгрессга тайёргарлик кўраётганди. Сиёсий қарашлари, диний эътиқодлари турлича бўлган йигит-қизлар, турли-туман спорт ва маданият-маориф ташкилотларининг намоёндалари конгрессда Аргентина ёшлари талабларини муҳокама қилиш ҳамда уларни амалга ошириш учун ўз сафларини янада мустаҳкамлашни истардилар. Пойтахт аҳолиси 1941 йил февраль ойида таъсирли манзаранинг гувоҳи бўлдилар: оммавий учрашувда қатнашиш учун мамлакатнинг турли томонларидан юзлаб йигит-қизлар келишди.

Капалаги учган реакция конгресс ўтмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўрди. Махсус отряд ўзининг одатдаги раҳм-шафқатсизлиги билан иш бошлади: клублар, кутубхоналар бирин-кетин ёпилди, саккиз юздан ортиқ йигит-қиз қамоққа олинди, улардан баъзи бирлари қийноққа солинди. Бироқ ёшлар бундай ҳужумга сабот, матонат билан чидаш бердилар. Йигит-қизлар жазодан қўрқиш нималигини билмай, қамоқхоналарга ташланган ўртоқларининг озод этилишини талаб қилиб, ватанпарварлар ҳаракати тарафдорлари таъқиб этилишига қарши норозилик билдириб кўчалардан ўтдилар. Махсус отряд ўзининг ваҳшиёна усуллари билан кўп йиллардан бери демократик ҳаракат тарафдорларига даҳшат солиб келаётганди. Ёшлар эса ўзларининг жанговар чиқишлари билан агар барча одамлар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб зарба берсалар, охранка ҳаммиша мағлубиятга учрашини яна бир бор исботладилар.

Конгрессни пайсалга солмай тезроқ ўтказиш шараф иши, душманни қандай бўлмасин энгиб чиқиш учун яна бир жанг бўлиб қолди. Конгрессни пойтахтда ўтказишни тақиқлашяптими? Жуда соз, унда биз уни Кордовада ўтказамиз!

«Хосе Инхеньерос» клуби ҳамда Авельянедадаги бошқа ташкилотлар бу муҳим воқеага тайёргарлик ишларини қизгин бошлаб юбордилар: йигилишлар, суҳбатлар, митинглар ўтказдилар. Кейин маҳаллий аҳолидан тўпланган пул ҳисобига энг катта ва ваколатли делегациялардан бирини конгрессга йўлладилар.

1941 йил август ойи. Кордова ҳаёти одатдаги издан чиқди. Куйо¹ ва Эль-Литорал²дан, жанубий ва шимолий вилоятлардан кўпдан-кўп йигит-қизлар махсус поездларда, автобус ва юк машиналарида шаҳарга етиб келишди. Кордова аҳолиси 1500 делегатни кутиб олиш учун кўчаларга чиқди. Конгресс ўтишига тўсқинлик қилиш учун янги уринишлар бўлди, бироқ йигит-қизлар ўз фикрларида қаттиқ туриб олишди: коммунистлар ва радикаллар, прогрессив демократлар ва католиклар ўз сафларини жипслаштириб, ўзларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий ҳақ-ҳуқуқлари учун ҳамкорликда курашишга қарор қилдилар.

Шу пайтгача Хорхега фақат студентлар олами-ю, ўз кварталидаги ишчилар ҳаёти маълум эди. Аммо энди, Аргентина ёшлари конгрессида унинг билим ва билиш доираси беқиёс даражада кенгайди. Бир неча кун ичида у шу пайтгача ўзига деярли номаълум ёки газеталардангина маълум бўлган воқеликни билди. Бу ерда, конгрессда у мамлакатнинг бошқа саноат марказларидаги йигит-қизларнинг, худди шунингдек, қишлоқ жойлардаги: дон етиштирувчилар, жўхори ва пахтани йиғиб-те-

¹ Куйо — Аргентинанинг ғарбидаги жойлар (Мендоса, Сан-Хуан ва Сан-Луис вилоятлари).

² Эль-Литораль — Атлантика океани соҳилидаги вилоятларнинг умумий номи.

рувчилар — помешчикларнинг ер-мулкларида, шакар-қамиш плантацияларида, узумзорларда оғир меҳнат билан кун кўрувчи бутун қишлоқ ёшларининг маънавий жиҳатдан бир-бирларига яқин эканликларига қатъий инонди. Айни пайтда Аргентинадаги очлик, муҳтожлик ўзининг бутун совуқ қиёфаси билан унинг кўз ўнгида гавдаланди. Хорхе ўзининг илгариги фикрларидан воз кечиб, яна бир қадам олға босганини сизди. Унда ҳақиқатга бўлган ташналик янада кучайди...

Конгресс ёпилаётганда қўлга киртилган ғалаба тантанавор жаранглади: ёшлар қилинган ишлардан ўз хурсандчиликларини ва келгусидаги кампания муваффақиятларига бўлган ишончларини шодонлик билан изҳор этдилар. Ҳаммаёқда қўшиқ янгради:

Ҳар қанча уринса-да, фашизм,
Бари бир ўтказдик конгрессни биз!

ХОРХЕ ЖАНГГА ҚИРИШАДИ

Хорхенинг дўстлари ҳозир уни, Кордовадан у «мутлақо ўзгариб, куч-ғайрати барқ уриб» қайтганди, деб эслашади. Кальво маҳаллий ташкилотни бошқарар экан, аста-секин миллий миқёсдаги раҳбар хислатларига эга бўла борди...

Конгрессдан сўнг мамлакатда ёшлар ташкилотлари беҳад кўпайиб кетди: биргина Буэнос-Айрес вилоятининг ўзида элликка яқини ташкил этилди. Тандиль¹ ташкилоти билан бир қаторда турган энг жанговар клуб «Хосе Инхеньерос» эди. Клуб бошқаларга намуна бўлди, чунки у йигит-қизларнинг одатдаги интилишу орзу-ҳавасларини сиёсий кураш билан боғлай олишни биларди. Клуб фаолияти очикдан-очик прогрессив йўналиш касб

¹ Тандиль — Аргентинанинг жануби-шарқидаги, Буэнос-Айрес вилоятидаги шаҳар.

этганлиги сабабли полиция уни «коммунистлар» клуби деб ҳисоблаб, унинг ишига тўқинлик қила бошлади. Бироқ ташкилот катта обрўга эга бўлиб, округ ёшлари ва аҳолиси унинг кенг оммалашган фаолиятини қўллаб-қувватлар эди, шу боисдан ташкилот бу ғовларни енгиб ўта олди. Хорхенинг фидокорлик билан ишлаши, ёшларнинг талаб-эҳтиёжларини чуқур англаши клубда ўзаро ишонч, ғайрат-шижоат, ўртоқликнинг мисли йўқ шароитини вужудга келтирганди. Клуб аъзолари Хорхе раҳбарлигида жуда қизгин, фаол ишлашарди. Кўпдан-кўп комиссия ишларида икки юздан ортиқ фаоллар иштирок этарди. Уларнинг аксарияти яқин-атрофдаги фабрикаларнинг ишчилари бўлиб, шундан қарийб эллик киши «Феде» аъзоси эди.

Хорхе Кальво бошчилигидаги 500 кишилиқ Буэнос-Айрес вакиллари делегацияси ўз талабларини губернаторга баён этиш учун автобусларга ўтириб Ла-Платага қараб йўлга чиқди. Улар ёшлар ташкилотларига расмий равишда маблағ ажратишни, эркин фаолиятни ривожлантириш учун кафиллик берилишини, ўқувчи ва ишчилар учун меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилдилар. Сафар муваффақиятли тугади. Ёшлар бутун халқ кампанияларида фаол қатнашишни давом эттирдилар: иш ташлаган ишчиларга ҳам маънавий, ҳам моддий томондан ёрдам кўрсатдилар, сохта миллатчиларни, муросачиларни фош этиб, уларга қарши, фашизмга қарши курашдилар. Гитлерчи-фашистлар СССРга қарши тажовуз бошлаганда эса совет халқига ёрдам учун маблағ тўплаш бўйича кампания ўтказдилар. Йигит-қизлар ҳамма уйларда бирма-бир бўлдилар ва бу билан курашаётган социализм мамлакатини қизгин қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Ҳақиқий ватанпарварлар, йигит-қизлар бирдамлик кўрсатдилар ва бу бирдамликни бутун дунёга хавф солаётган даҳшатли душманга қарши шиддатли уруш олиб бораётган халққа

маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиб янада мустаҳкам-
ладилар...

Эҳтимол, Хорхенинг ғайрати, ташаббуси ёшлик йил-
ларига хос бўлиб, ёш улғайиши билан худди баҳорги
кайфият ва шеърийатга қизиқиш каби ўтиб кетадигандек
бўлиб кўриниши мумкин. Лекин бундай бўлмади... Каль-
во ўзини бутунлай курашга чоғлади. Айниқса, комму-
нистик ёшлар Федерациясига аъзо бўлганидан сўнг ҳам-
да марксизм-ленинизм таълимотини ўқиб-ўрганиш нати-
жасида унинг маслаги кундан-кунга барқарорлашиб
борди. «Феде»да, кейинчалик партида ўталган мак-
таб бундан янада мустаҳкамлади.

БУЮК МАҚСАД

Унинг ёшлар орасидаги жўшқин фаолияти эътибор-
дан четда қолмади: Хорхе Кальво ташкилий масалалар
бўйича масъул қилиб сайланди. Бир неча ой ўтгач эса,
Хорхени вилоят ташкилотининг бош секретари қилиб
сайлашди ва у «Хосе Инхеньерос» клубидаги ўзининг
раҳбарлик ўрнидан кетди.

Хорхе Кальвонинг асосий иши, ташвиши ёшлар бир-
дамлигини мустаҳкамлаш бўлиб қолди ва бу унинг ҳаё-
тида бирдан-бир мақсадга айланди. Кейинчалик Кальво
бу жуда муҳим масалани шундай ифодалаганди:

— Биз айтамизки, ўзимизнинг қардошлик қўлимиз-
ни, сиёсий ва диний қарашларидан қатъи назар, бар-
ча йигит-қизларга, ёшлар ташкилотларига узатамиз,
ёшларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий та-
лабларини қондириш учун, тинчлик учун курашга ва
ватанимизнинг олигархия-империализм зулми остида
эзилишига қарши курашга интилувчиларнинг барчасига
узатамиз. Биз айтамизки, Аргентина ёшларининг бар-
ча хато ва камчиликлари — бу етарлича уюшмаганлиги-
миз натижасидир, йигит-қизларни янада кучли ва му-

заффар этувчи ёшларнинг қудратли ҳаракати йўқлиги натижасидир. Ана шу ҳолатни яхши англаган ҳолда, Аргентинанинг порлоқ ва бахтли келажаги учун курашга, мамлакатимиз ёш авлодини бирлаштиришдек муқаддас иш номи билан ўз куч-қувватимизни, ёшлик ғайрат-шижоатимизни аямаймиз, ташкилотимизнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланамиз, деб биз яна бир карра маълум қиламиз.

Бирлашиш учун бўлган бу чақириқ аксарият ҳолларда дарҳол қабул қилинди. Албатта, фақат далиллар ҳаққоний бўлгани учун эмас. Ҳамма гап шундаки, турли демократик ҳаракатларда Хорхе зўр обрў-эътиборга эга эди, чунки унинг ўзи ҳам уларга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қарар, қалтис масалаларни хушмуомалалик билан ҳал этар ва ғоявий позициядаги фарққа қарамай, барча ёшларни ягона прогрессив программа асосида бирлаштиришга интиларди.

Ўша кезларда партия фабрика ва заводларга суянган ҳолда ишчилар оммаси билан алоқани мустаҳкамлаш учун ишларни қизитиб юборди. Кўплаб кушхона ва йирик корхоналарда бошланғич партия ташкилотлари тузилди, натижада кундан-кунга ўсиб бораётган касаба союзлар ҳаракати олдида янги уфқлар очилди. Ўз навбатида «Феде» ҳам саноат, хусусан, тўқимачилик, металлургия корхоналарида, ойнасозлик заводларида ва кушхоналарда ёшлар группалари ёки комиссияларини ташкил этиб, сезиларли муваффақиятларни қўлга киритди.

Бундай группаларни ташкил этиш Хорхе Кальвонинг муқаддас истакларидан бири эди, бу истак ҳозир ҳам замон талабларидан бири бўлиб қоляпти. Гап ёшларнинг ўша дастлабки группалари тўғрисида боряпти. Хорхе бу ҳақда шундай деганди: бу группалар «ишчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунларни ҳурмат қилиш, уларни ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига кенг ёйиш ва иш ҳақини ошириш учун кураш; ёшлар-

нинг бошқа ташкилотлари — қишлоқ, студент-ёшлар, соғайтириш, спорт ташкилотлари билан яқиндан ва доимий ҳамкорликда ҳаракат қилиб, спорт ташкилотлари, байрамлар, хорлар, театр намоишлари, ишчи клублари ҳуқуқини қўлга киритиш учун, ёш ишчиларнинг талабларини қондириш учун кураш байроғини баланд тутиб, олға бошлаб боради. Бу ишни шундай олиб бориш керакки, ишчи-ёшлар барча табақалар ва ёшлар ташкилотларида уюштирувчи звено бўлиб қолсин...

Вилоят коммунистик ёшлар ташкилоти секретари сифатида Кальво марказий вилоятнинг турли районларига, саноат марказларига тез-тез бориб туришига, жойларда бўлиб, ўша ердаги ҳаёт тарзини ўрганишига, йигит-қизларни уюштириб, фаолиятларини йўлга қўйишига тўғри келарди. Аргентина Коммунистик ёшлар Федерацияси унинг раҳбарлиги остида ўсди, мустақамланди.

СИНОВ ЙИЛЛАРИ

Мамлакат эса бу даврда ҳаяжонли дақиқаларни, нотинч ҳаётни бошидан кечираётганди. Иш ташлашларнинг кети узилмасди. Ишчи ва деҳқонлар иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш, ижара ҳақини камайтириш учун ҳамда сиёсий репрессияларга қарши курашардилар. Меҳнаткаш омма ўртасида чет эл монополиялари сиёсатидан, мамлакатни хонавайрон қилган қишлоқ чорвачилик олигархиясидан норозилик тобора ўсиб борарди.

Кастильо — Руис-Гиньясу¹нинг империалистларга май бўлган ҳукумати ёрдамига таянган реакцион доиралар фашистик тузумни қарор топтиришга уриниб, халқ ҳуқуқларини чегаралаб, оёқ ости қилар, бироқ ҳамма-

¹ Кастильо, Рамон (1873—1944)— Аргентинанинг 1942—1943 йиллардаги муваққат президенти. Руис-Гиньясу, Энрике (1884—1964)—1941—1943 йилларда Аргентина ташқи ишлар министри.

вақт ва ҳамма ерда улар меҳнаткашларнинг қақшатқич зарбасига дуч келишарди. Асл моҳияти билан бўлгуси Аргентинанинг тақдири ҳал этилаётган ана шу кунларда коммунистик партия ишчиларни, демократик ва антиимпериалистик кучларни бирлашишга чақириб, бутун мамлакатни қамраб олган кенг кўламдаги кампанияни ўтказди. Чунки фақат бирлашгандагина мамлакат тараққиётини прогрессив йўлга солиб юбориш мумкин эди. Бирлашган кучлар воситасида меҳнаткашлар катта-катта муваффақиятларга эришдилар, халқ оммаси ўртасида бирлашишга бўлган интилиш кучайиб, қатор партияларнинг раҳбарларини баъзи бир ён беришларга мажбур этди. Бироқ, коммунистик партиянинг давлат тўнтариши юз бериши хавфи мавжудлиги ҳақида узлуксиз огоҳлантиришига қарамай, бошқа партия раҳбарлари иккиланиб, қатъий чоралар кўришни пайсалга солдилар. Энг муҳими, партияларнинг айрим раҳбарлари бирлашиш зарурлигига очиқдан-очиқ душманона муносабатда бўлишлари туфайли ишчилар синфининг уюшган қисми раҳбарлик ролини ўйнай олмади. Шундай бўлгач, реакция шошилиш чоралар кўриб, Аргентина халқи ғалабасининг олдини олди.

1943 йил 4 июнь кунини давлат тўнтариши амалга оширилди...

Нолегал шароитларда ишлашга мажбур бўлган партия диктатурага қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Реакция партияни раҳбарсиз қолдириб, унинг сафларини пароканда қилишга интиларди. Юзлаб коммунистлар, демократик ҳаракат вакиллари Мартин Гарсиа оролидаги концентрацион лагерга, шунингдек, Рио-Гальегос, Неукен, Вилья-Девото, Ла-Плата қамоқхоналарига ташланди. Кутилмаган полиция босқинчиликлари, узлуксиз таъқиб этишлар, қийнов-қистоклар авжга чиқди — реакция ҳар қандай қабиҳликка қўл ураётганди. Бироқ бу ҳаддан ташқари оғир шароитларга қара-

май, фавқулудда ҳолат жорий қилинганига, гражданлар озодлиги чекланганига, ошкора иш олиб бориш тақиқланганига қарамай, партия ўз фаолиятини тўхтатмади, курашди, ўзини бўғиб ташлашга уринишлар беҳудалигини амалда исботлади. Реакция тараққийпарвар йўналишдаги матбуот органларини ёпди, аммо партия, ҳар қанча қийинчиликларга қарамай, мунтазам чиқиб турган махфий газета орқали халққа мурожаат эта олди. Партия ўз нуқтаи назарини митингларда баралла овоз билан баён қилолмас, лекин унинг чақириқлари ҳамма ерда: йўл-йўлакай уюштирилган йиғилишларда, варақаларда, уйларнинг деворларидаги ёзувларда янграрди. Яширин ишлашга ўтган партия, худди кутилмаган жойдан сизиб чиқадиган «ер ости суви — булоққа» ўхшарди. Коммунистлар таъқиб ва қувғинларга қарамай ишчилар билан, кенг халқ оммаси билан алоқани мустаҳкамлашда давом этдилар, меҳнаткашларнинг нон ва озодлик учун курашини бошқариб, диктатурага қарши қаратилган программа асосида хилма-хил антифашистик кучларни бирлаштириш учун тинимсиз иш олиб бордилар.

Реакциянинг ҳаддан ошганлигига қарши мурасасиз курашда ёшлар, 4 июнга қадар бўлгани каби, энг олдинги сафларда боришди. Жазо чоралари кўрилишига қарамай, турли сиёсий оқимларнинг намояндалари ўзаро яқинлашишни давом эттирдилар, масалаларни ҳамжиҳатлик билан муҳокама этиб, ўз фаолиятларини янгитдан ташкил этилган ҳаракат — Аргентина ёшлари Союзи ҳаракати билан мувофиқлаштирдилар. Хорхе Кальво «Феде»нинг вилоят ташкилотига раҳбарлик қилган ҳолда бу кенг миқёсдаги ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашди. Шу орада ҳукуматнинг жазо идоралари Кальво фаолиятига ўз диққат-эътиборларини қаратиб, Аргентина ёшлари раҳбарининг изига тушишга астойдил киришишганди.

ТУРМУШ ҚҰРДИЛАР-У...

Хорхе билан Ракель давлат тўнтаришидан сал илгарироқ — 1943 йил январь ойида турмуш қуришди. Улар биргаликда яшай бошлашлари биланоқ кўпдан-кўп қийинчиликларга дуч келишди. Кальво ёшлар ўртасида тинимсиз иш олиб бориш билан бир вақтда полиция таъқибидан қочиб яширинишга мажбур эди. Натижада ёш келпн-куёв ўз турар жойларини тез-тез ўзгартиришарди. Бироқ уларнинг олижаноб ва пок севгилари, садоқатли дўстликлари бу мусибатларнинг барчасига бардош берди, кундалик кураш учун уларга куч-қувват бахш этди. Улар камдан-кам бирга бўлишар, аммо ҳар бир учрашув уларга олам-олам қувонч ва бахтиёрлик инъом этарди. Улар шу кезларда ширин орзулар қанотида эдилар: фарзанд кутаётгандилар. Оқшом ўзининг қора кокилларини атрофга ёйган бир пайтда, баъзан Ланус райони кўчаларига чиқишар, бир вақтлардагидек, қўл ушлашиб сайр қилишар, келажак учун — «буларнинг ҳаммаси хотима топганидан сўнг» келадиган давр учун режалар тузишарди... Гулни жон-дилидан яхши кўрадиган Хорхе ранг-баранг гуллар қийғос очилган ҳар бир гулзор ёнида, дук-чўпу яронгуллар чирмашиб кетган ҳар бир девор ёнида тўхтаб ўтарди. Улар дунё ишларига парвойи фалакдек, оқшом ғира-ширалигини ёритаётган каби туюлгани учун «тун хонимлари» номини олган оқ гуллар мафтунидек кўринишар ва ўткинчилардан ҳеч ким чехрасида хаёлчанлик ифодаси балқиб турган йигитни полиция тиним билмай кечаю кундуз қидираётган «хавфли ташвиқотчи» деб хаёлига келтирмасди...

Пировардида полиция Хорхени топди.

...1944 йил 15 октябрь куни вилоят коммунистик ёшлар ташкилоти аъзолари Кальво бошчилигида Авельянеда районларидан бирида тўпланишганди. Бироқ тўсатдан ташқарида ола-ғовур, зинапояда қадам товушлари эшитилди. Кимдир огоҳлантирди:

— Полиция!

Бир қанча полициячилару изқуварлар тарақа-туруқ қилиб, қўлларида тўппонча билан хонага бостириб киришди. Аммо Хорхе йиғилганларни огоҳлантиришга фурсат топа олди:

— Уртоқлар, тинчлик сақланглар! Қоғозларни йиртинглар!

Босқинчилик ҳарбий санъатнинг барча қонун-қоидаларига биноан ўтказилганди: бутун квартал бронетранспортёрлару мотоцикллардаги солдатлар билан қуршаб олинганди. Бу воқеадан хабар топиб, чор-атрофдан халойиқ йиғилди. Хорхе ушбу вазиятдан фойдаланишга жазм этди. Панжарали полиция машинасига олиб чиқишаётганда, у зинапояларнинг бирида тўхтаб, уни кутилмаган минбарга айлантирди. Туртиб, силташларига ҳам парво қилмай, бор овози билан ҳайқирди:

— Ватанпарвар бўлганимиз учун, нацизмга қарши курашаётганимиз учун, халқ ва ватанни ҳимоя қилиб курашаётганимиз учун бизни қамоққа олишяпти! Аммо на жабр-зулм, на ўқ — ҳеч нарса бизни ўз йўлимиздан тўхтата олмайди!

Полиция чангалида туриб, ўз маслагини жасурлик билан баён этаётган йигитнинг оташин сўзларини йиғилганлар ҳаяжонланиб тинглашди. Улар қамоққа олинган бир гуруҳ ёшларга жонлари ачиб, хайрихоҳлик билан қараб туришарди.

ЁШ КОММУНИСТНИНГ ТОБЛАНИШИ

Хорхени бошқа йигитлардан айириб қўйишди. Узоқ давом этган даҳшатли кўргуликлар бошланди. Қўлига кишан солиб, очликда сақлашди, Ла-Платада эса у ўз фаолияти ҳақида гапириб беришини, ўртоқларини ҳамда ёшлар газетаси «Майо» қаерда босилишини айтишини талаб қилишди. Хорхе сўроқ беришдан қатъиян бош

торти. Шундан сўнг полициячилар энг охирги, уларнинг назарида ҳар қандай одамни ҳам тилга киритадиган воситани қўллашди: уни қийноққа солишди...

Шунга қадар Хорхе иш билан, партия аъзоларига ғамхўрлиг-у, ҳаёт йўллариини ёритиб, чуқур маъно ва мазмунга тўлатувчи адолатли иш юзасидан қилаётган хатти-ҳаракатлари зое кетмаслигини билган кишиларгагина маълум бўлган мусаффо ички бир қувонч билан яшарди... Энди эса Кальво курашнинг бошқа жиҳатини — маънавий камситилишу жисмоний жазо берилишини ҳам билди. Бироқ йигит, эртами-кечми, барибир, шундай синовга учрашини билар ва ҳаммасига тайёргарлик кўрганди.

Қийноқ... Бундай даҳшатли дақиқалар тўғрисида қанчадан-қанча гапирилган... Баъзан чидаб бўлмас даражадаги жисмоний жазоларга бардош беролмай шилқиллаб тушганлар ҳам бўларди, аммо бундай кишилар аллақачон ичидан зил кетган, ўз ишининг ҳаққонийлигига ишонқирамайдиганлару иродаси бўшлар эди. Бошқалар, кўпчилик эса, ўзини мардонавор тутарди. Қўллариини қайириб, электр токи билан азоблаб, чангак бўлиб қолишдан қийналаётган баданини тепкилаб топташганда қай аҳволга тушишини ҳамма ҳам ишонч билан айта оладими? Ҳамма ҳам айта оладими? Хорхе эса айта оларди. Агар киши қаршилиқ кўрсатишга қодир бўлса, жисмоний азоблар-у, бадани моматалоқ қилинганига қарамай жони борица қаттиқ туради. Бошқа йўл йўқ: таслим бўлиш — фақат бегоналар назаридагина эмас, ўзингга энг яқин кишилар олдида ҳам ўтакетган бадномликдир. Лекин шармандалиқнинг кетмас доғи билан яшаб бўладими?

Коммунист ҳар қандай шароитда, ҳатто даҳшатли азоб-уқубатларга дучор этилган тақдирда ҳам саросимага, қўрқувга тушмаслиги, душман қаршисида титраб-қақшамаслиги даркор эканлиги тўғрисида Хорхе ўз ўртоқларига жуда кўп марталаб гапирганди. Мана энди,

шахсан намуна бўлиб жасорат кўрсатишнинг вақт-соати етиб келди.

Уни «Ўрмондаги уйча»га кўчиришди. Ла-Плата боғининг дарахтлари орасига яширилган кўҳна сариқ иморат шундай аталарди. Ўлгари фақат полиция бошқармасида қийнашарди, энди эса, азобланувчиларнинг ғайритабiiй қичқириқларини биров эшитмаслиги учун маҳбусларни мана шу хилват жойга келтиришарди... Ифлос хоналардан қон ҳиди анқийди, полларга каламушлар танда қўйган. Бу ерда ҳеч қандай мебель, ҳатто курсилар ҳам йўқ: қурбон учун ёғоч каравот бор, холос.

Кўзи ва қўл-оёқлари боғланган яланғоч Қальвони электр токи билан қийнадилар. Жаллодлар ўта садист каби унинг баданидаги энг нозик, кор жойларини топиб азоблашар, қийновни тўхтатишган кезларида эса, демократик ҳаракатга қақшатқич зарба бўлиб тушиши мумкин бўлган маълумотларни айтиб беришини ундан қайта-қайта талаб қилишарди. Жаллодлардан бири Хорхенинг қулоғига энгашиб, муғамбирона шивирлайди:

— Болакай, у ер-бу ерингни майиб қилишга мажбур этмай, сайра¹ яхшиси. Сени йўқотиш ҳақида кўрсатма олганмиз. Хотинингни, ўғлингни ўйла.

Ўғли... Кичкина Хорхе, унинг дилбанди «Кике» ёруғ дунёга келганига бир неча ой бўлди. Боланинг ўзига чўзилган қўлчаларини, меҳрибонлик билан унга қараб турган Ракелнинг кўзларини у бир лаҳзагина тасаввур қилди. Ана шунда яна қайта кучга тўлганини сезд. Йўқ, на Кике, на хотини, на дўстлари ўзи туфайли шарманда бўлмасликлари шарт.

Ярим ҳушсиз, жон талвасасига тушган Хорхени тонг

¹ Сайрамоқ (cantar -исп.)— полиция жарғонида сирниочиб беришни билдиради.

отарда полиция бошқармасининг ертўласига ташлашди. Қийнаш тўрт соат узлуксиз давом этди.

Худди шу ҳол эртасига ҳам, индинига ҳам — сурункасига бир неча кеча такрорланди.

Бироқ улар Хорхедан ҳеч нарсани билиб ололмадилар. Ток билан жазолаш-у, ваҳшийларча калтаклашлар ваъдалар билан алмашинди: «Газета қаерда босилишини айтсанг бас, чўнтакларингни пулга лиқ тўлатиб, Монтевидеога жўнатамиз». Бироқ Хорхе ўзини бўйсундиришга уринаётганларга ғазабу нафрат билан қаради, барча синовларга сабр-матонат билан қаҳрамонларча бардош берди.

Уни ҳозир кўпроқ ўртоқларининг аҳволи ташвишлантирарди: жуда кўп йигитлар — ишчилар, студентлар, хизматчилар ҳибсга олинганди. Уларнинг кўпчилиги синалган кишилар. Лекин айримлари ҳали тажрибасиз, кураш йўлига эндигина қадам қўйган 16-19 ёшлилар. Полиция ҳали мурғак қалблилар руҳини туширмақ учун уларнинг навқирон баданларини шафқатсизларча майиб қилиши ҳеч гап эмас. Хорхе ҳар тун ўзига навбат келишини кутар экан, қийновга солинаётганларнинг даҳшатли дод-фарёдларини деворлар орасидан эшитарди. Бу дод-фарёдлар ёш йигитнинг қалбини юз пора қиларди. У ўртоқларининг қисматини енгиллаштиришга аҳд қилди: «Мен ўзимнинг жабру жафоларимни ҳам, бошқаларникини ҳам тортишим лозим. Мен — раҳбарман, мен йигитларни ҳимоя қилишим, дадиллантиришим, оғир синов дақиқаларида уларнинг куч-қувватини оширишим, иродасини мустаҳкамлашим зарур».

Шунинг учун ҳам Кальво ҳаракат фаолияти учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. Полициячилар ёшлар ташкilotига оид бирон-бир маълумотни қўлга киритишга муваффақ бўлсалар-у, у ёки бу топшириқни ким бажарганини аниқлашга уриниб юзлаштирган ва узундан-узоқ сўроқларга тутган тақдирларида ҳам, Хорхенинг жавоби битта эди: «Мен».

Шу тариқа у кўплаб ўртоқларини қутқариб қолишга муваффақ бўлди. Жаллодлар эса, турган гапки, бутун қаҳру ғазабларини Хорхега сочишди.

ЛА-ПЛАТАДАГИ ЕРТЎЛА

Ёшлар иродасини букиш учун қилган барча уринишлари зое кетгач, ниҳоят полициячилар азоблашни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Ҳеч қандай тиббий ёрдам кўрсатмай, Хорхени кўпдан бери ўртоқлари ётган полиция бошқармасининг ертўласига ташладилар. «Унга қараган кишининг ваҳми келарди,— деб эслайди азобуқубатлару қийноқларни у билан биргаликда тортган маҳбуслардан бири.— Унинг аъзойи бадани дабдала қилинган, кўз атрофлари моматалоқ бўлиб кетган, ўзи ҳаддан ташқари ҳолдан тойган эди».

Ҳа, унинг аъзойи бадани дабдала қилинган, ўзи касал эди. Бироқ, ҳар доимгидек, мардонавор, коммунистга хос хислатларга тўлиб-тошган, ўз ғояларига чексиз садоқатли эди у.

Бир неча метр чуқурликдаги ифлос ертўланинг ўртаси йўлак бўлиб, икки томонда ўнта камера жойлашганди. Бу ернинг ҳавоси ҳаддан ташқари бузуқ эди. Совуқ, зах, юракни эзадиган, оғир, носоғлом муҳит ҳукмрон эди бу ерда. Қаёққа қараманг, қандалалару бургалар, яна аллақандай қурт-қумурсқалар ўрмалайди. Бу зулмат ўрага қуёш нурлари сал-пал тушади, захдан намиққан кўйлаклар баданга чип-чип ёпишади. Деярли ҳамма маҳбуслар бетоб, ҳар замон-ҳар замондагина тиббий пункт биракайига 50—70 кишини текширувдан ўтказди. 30 маҳбусга мўлжалланган камерага 150 киши тиқилган, овқатни ерга қўйиб, шунда ҳам қошиғу санчиқсиз ейилади. Кўплар бўш жой йўқлиги сабабли тик турганча ухлашади (қамоқхона маъмурияти уч кишига бир тўшак берган).

Одатда полиция бошқармасининг ертўласи деб ата-

лувчи бу жой, ана шундай қамоқхона эди. Ундаги шарт-шароит шундай оғир эди, ҳолбуки Аргентина Республикасининг конститутциясида бундай дейилади: «Қамоқхоналар маҳбусларга жазо бериш учун эмас, балки уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжаллангандир...»

«КОММУНА»

Хорхени ертўлага келтиришлари биланоқ, сиёсий маҳбуслар ҳаёти ўзгача, уюшганроқ бўлиб қолди: «коммуна» тузилди, Кальвони секретарь қилиб сайлашди. У бошқаларни ҳам ўзи мисолида тарбиялар экан, ўртоқларини руҳлантиришга интилди, камерадаги муҳит ҳаётбахш тус олди. Тақдирлари ҳар қанча аянчли, шароит ҳар қанча оғир кечганда ҳам коммунистлар руҳларини туширмасликлари, балки ўз тани сиҳатликларини-ю, руҳан тетик бўлишларини ўйлашлари лозим. Қамоқхона ҳам иродани тоблаш ва мустаҳкамлаш учун бир мактаб ўрнини ўташи мумкин.

Дастлаб йигитлар, оғир касалликлар билан оғриган кўпгина жиноятчилар билан бир хонада эдилар, кейинчалик ёш коммунистларнинг қатъий талаби остида уларни бошқа камерага кўчиришди. Уларга бадбўй атала беришарди. Йигитлар ота-оналари озиқ-овқат келтириши учун рухсат олишга эришдилар. Сиёсий маҳбусларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан товланишлари ҳам эътибордан четда қолмади: улар ҳар кун эрталаб бадантарбия билан шуғулланишарди. Сиёсий тайёргарлик курслари ҳам ташкил этилди. Маҳбуслар орасида саводсиз ишчилар, деҳқонлар бор эди, уларни ўқиш ва ёзишга ўргата бошлашди. Меҳнат малакасини ҳам йўқотиш керак эмас, шунинг учун улар меҳнат билан ҳам шуғулланишади. Қаламга қалпоқча, камар тўқаси ясашади.

Аммо одамлар учун хурсандчилик, ўйин-кулги ҳам зарур эди. Шу сабабли ғам-аламу ташвишларни унуттириб, кайфиятни яхшилайдиган қўшиқлар айтишни афзал кўрадилар. Бизга маълумки, Хорхенинг хушоҳанг овози йўқ эди, аммо у шерикларига бажонидил жўр бўлар, Гарделнинг тангосини, инқилобий маршларни куйлашарди: маҳбуслар орасида хушовозлари ҳам бор эди, куйлашни улардан ўрганиш мумкин. Ўзининг мусиқавий қобилияти борлигини камерада илк марта кашф этганлар ҳам бор эди. Йигитлар сахна асарлари яратишди, кулгили кичик пьесаларнинг бирида Хорхе бош ролни ижро этди. Томошаларда маҳбусларнинг ҳаммаси ҳам у ёки бу йўсинда, албатта иштирок этишарди. Сахна пардаси ўрнида одеяллардан фойдаланишарди. Баъзан соатлаб чўзилиб кетадиган томошалар воқеаларнинг жўшқин ва жадаллиги билан ажралиб туриши керак эди, чунки назоратчилар камерани фонарлар ёрдамида ёритиб, тартиб-интизомни тез-тез кузатиб туришарди. Бундай пайтларда тўшаклар ўз жойига тўшалар, маҳбуслар эса ўзларини ухлаганга солишарди. Улар миллий байрамларни, йирик халқаро воқеаларни, 25 май, 9 июль¹ ва 7 ноябрни нишонлашарди. Бу кунлар айниқса тантанавор шароитда ўтарди. Йигитлар хор ташкил қилишар, сахнага чиқишга тайёrlанишар, сувли... қадаҳлар кўтаришарди.

Лекин буларнинг бари кейинчалик бўлганди. Дастлабки ҳафталарда улар доимий хавотиру ташвиш остида яшашганди. Ҳар кун ярим кечада жаллодлар ўзларининг навбатдаги қурбонлари учун келишарди. Бу ўз-ўзидан маълум эди: уларни қийноқ кутаётганди. Тамбаларнинг бўғиқ овоз чиқариб сурилганини эшитганда йигитлар бир-бирларига термилишарди: ҳозир

¹ Миллий конгресс 1816 йил 9 июль куні Тукуманда Ла-Плата Бирлашган вилоятлари (1826 йилдан Аргентина Федератив Республикаси)нинг мустақиллигини эълон қилганди.

кимнинг навбати экан? Назоратчилар бир неча фамилияни аташар, кейин маҳбусларни олиб кетишарди. Суд органларига кейинчалик юборилган айбномада Кальво ўша мудҳиш шароитни шундай ифодалаганди: «Деворлар тутиб турган ярим доира шаклидаги гумбазлар тепадан худди босиб тушадигандек осилиб турар, хира чироқдан башаралар зўр-базўр кўзга ташланар, тепадаги дераза панжарасидан осмоннинг бир парчаси кўринарди — буларнинг барчаси ўрта аср даври манзараларини эслатарди. Ҳолбуки биз ҳозирги замон шаҳри Ла-Платада, Хоакин В. Гонсалес асос солган университетдан унча узоқ бўлмаган жойда эдик. Биз ўртоқларимизни ҳар куни кечаси қандай олиб кетишганига ва улар эртаси куни эрталаб ёинки бир неча кундан сўнг дармондан кетган, баданларида қийноқ излари яққол кўриниб турган ҳолда камерага яна қайта ташланганларига гувоҳ бўлдик».

Тунларнинг бирида сиёсий маҳбуслар ўртоқларини қийноққа олиб кетишларига қаршилик кўрсатиб, исён кўтардилар; бир неча кун ўтгач эса очлик эълон қилдилар. Шу орада қамоқхона ташқарисида маҳбусларни ваҳшийларча азоблашга қарши норозилик ҳаракати ўсиб, кенг кўлам касб этди. Худди ана шундан сўнг қийнаш, хўрлашларга деярли чек қўйилди. Бу ҳамжиҳатлик тантанаси эди...

Олдинлари қамоқдагиларнинг қариндош-уруглари билан кўришишларига рухсат беришмасди. Бироқ маҳбусларнинг қатъий талаблари-ю, ота-оналари ва дўстларининг қамоқхона дарвозалари ёнида уюштирган норозилик намоёнликлари бу тақиқни ҳам бекор қилди: уларга ўз яқинлари билан беш дақиқали учрашувга рухсат берилди. Мана, Хорхе Ракель билан яна бирга; лекин совуқ панжара улар ўртасига ғов бўлиб турар, фақат кўзларигина уларнинг барча ички туйғуларини бир-бирларига ифода этарди...

РАКЕЛГА МАКТУБ

Ўша замондан бир ҳужжат — хат, қалам билан ёзилган оддий қоғоз парчаси қолган. У шу даражада таъсирчан ёзилганки, биз уни деярли тўлалигича келтиришни маъқул кўрдик. Уни изоҳлаш учун ҳеч қандай зарурият йўқ.

«Ла-Плата, 1944 йил декабрь ойининг 31-куни.

Азизим Ракель!

Бу йилнинг сўнгги кuni тугашига саноқли соатлар ҳамда биз учун (гарчи айрилиқда бўлсак-да) унутилмас ва фахрли бўлган — бундан икки йил муқаддам юз берган воқеага эса атиги 48 соат қолди; шу кuni биз бирга ҳаёт қургандик, бу кунни мен асло эсдан чиқармайман. Шундай улуғ айёмда сени ўпич билан уйғотишни, қалбларимизни бир-бирига янада кўпроқ пайванд этувчи ўғилчамизни сен билан биргаликда эркалатишни хоҳлардим.

Сен бу манзарани кўзларингга ёш олиб тасаввур этишингни истамайман. Йўқ, жаллодлар ватанимизни қон қақшатаётганини, болаларни ўз ота-оналарининг меҳр-муҳаббатидан маҳрум этаётганини, бахтиёр оилаларни пароканда қилаётганини ўйлаганда нафрат туйғуси қалбларимизни ларзага солувчи бу ерда, ертўлада, бу хилват қамоқхонада менинг лабларимда кулгу қандай ўйнаса, сенинг лабларингда ҳам шундай ўйнашини истайман.

Ҳа шундай, табассум қил, мен учун ўғлимни ўпиб қўй, шу билан бирга, биз жонимизни тиккан вазифа — адолат тантанаси учун сен ҳам, мен ҳам биргаликда буюк ишни амалга ошираётганимизни янада яхшироқ англаб ет. Ўғлимиз вақти келиб биз билан фахрланади, ота-онаси оғир кунларда ҳам ўз бурчларига содиқ қолганларини билади. Шу кuni мен ҳам худди сен каби хотиржам ва жиддий бўламан. Қоронги тушганда эса, нафрат, кечирилган азоб-уқубат ва қувончлар мени опоқ-чапоқ қилиб қўйган — ухлаётган ўртоқларимга қарайман,

шунда бутун вужудимни қамраб олган икки ҳиссиётни бошдан кечираман; бу — коммунистлар партиясига мансублик шарафи-ю (айниқса, ҳозирги шароитда бундан ҳам буюкроқ шараф йўқ), сен билан менинг ҳаётимизда учрайдиган барча тўсиқларни енгиб ўтиб, бир-биримизга меҳримизни янада орттирадиган муҳаббатимиз ҳиссиётидир.

Х о р х е».

РАҲБАРНИНГ ЕТУҚЛИГИ

Хорхе маҳбусларнинг маънавий чиниқишлари тўғрисида ғамхўрлик қилди. Борди-ю, йигитлардан бирортаси ғам-ғуссага ботса, тушкунликка тушса, озодликдаги кунларини ўйлаб фиғон чекса, қариндош-уруғларини, ёр-биродарларини эслаб хомуш тортса, Кальво унинг фикр-ўйларини бошқа томонга буриб юборишга уринарди: йигитларни қайғули фикрлардан чалғитиб, зерикишу қўмсашларини умумхурсандчилиги билан тарқатиб юборарди. Камерада коммунистлар билан бирга бошқа партияларнинг намояндалари ҳам бўлишига қарамай, ҳаммалари ўзаро дўстона муносабатда эдилар. Албатта, турма назоратчилари зулмига чидай олмаган, иродасизлик қилган ёинки сотқинлик йўлига кириб, нимаики билса, ҳаммасини «сайраб» берганларгина бундан мустасно эди. Душман олдида кўрсатилган ҳар қандай заифликка Хорхе нафрат билан қарар ва аксинча, кимда-ким сўроқ вақтида ўз қадр-қийматини ерга урмай, ўзини мағрур тутган бўлса, бундайларга нисбатан қардошлик ҳиссини туярди.

Қариндош-уруғлар, партиядош ўртоқларнинг доимий тазйиқи, турли демократик ташкилотлар томонидан билдирилган жамоатчилик фикри туфайли полиция бошқармаси 1945 йилнинг январь ойида маҳбусларни бошқа

жойга кўчиришга мажбур бўлди. «Бизни,— деб ёзган эди кейинчалик Хорхе,— полиция марҳамат кўрсатиб, сиёсий маҳбусларни қамаш учун «филиал»га айлантирилган таги цементли тор ёғоч уй-баракларга — молқўрага кўчирди. Апрель ойининг ўрталарида бизни яна ертўлага олиб келишди, ўша ерда қишнинг қаҳратон совуқ кунларини ўтказдик. Май ойида эса яна баракка кўчдик...» Бу «филиал», полиция бошқармаси ертўласидан ҳисоблаганда, ўн бешинчи кварталда эди. Бироқ ўта уюшқоқлик туфайли маҳбуслар барча тўсиқларни четда қолдириб, бир-бирлари билан алоқа ўрнатдилар...

Дўстона ҳамжиҳатликни, қаттиқ тартиб-интизомни, оғир шароитларда бир-бирларини қўллаш учун доимо тайёр туришни ҳис эта билиш маҳбусларда ўзининг ўчмас изини қолдирди, бўлғуси феъл-атворларини олдиндан белгилади. Хорхенинг ўзи эрталабки соатларини ўқишга бағишлашга одатланиб қолди ва бунга ҳеч қачон тарк этолмади. Шу ерда, қамоқхонада унинг характери шаклланиб борди. Қийноқлару азоб-уқубатлардан сўнг сочининг деярли ҳаммаси тўкилиб кетди, ревматизм касалига чалинди. Бироқ «қамоқдан чиққанида,— деб эслайди Ракель,— унинг бутунлай ўзгариб кетганини сездим: маънавий жиҳатдан чиниққан, улғайган, янада етуклашган эди».

Диктатура ўз панжаларини ёзишга мажбур бўлди. Тобора кўтарилиб, авж олиб бораётган халқ намоёнчилиги ҳукуматни қамал ҳолатини бекор қилишга, қамоқхона ва концентрацион лагерларнинг эшикларини очишга мажбур этди. Қамоқхонада тўққиз ойдан кўпроқ ётган Кальво 1945 йилнинг 7 июлида озодликка чиқди.

Хорхе қамоқхонадан чиқиши биланоқ ўзини Ракель ва «Кике»нинг қучоғида кўрди, ўртоқларининг дўстона қўл қисишларини қайта ҳис этди, узоқ кутилган қуёш кўп азобларга дучор этилган баданини яна ёритиб, илиқлик бахш этди. Аммо ҳали олдинда кураш бор эди...

КОММУНИСТИК ЁШЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

Бир неча ой ўтгач, Хорхе Кальвони мамлакат Коммунистик ёшлар Федерациясининг бош секретари қилиб сайлашди. Шундай қилиб, уни янада каттароқ масъулият, жўшқин фаолият, янгидан-янги ташвишлар кутарди.

Хўш, нима бўлибди, ахир Хорхенинг ўзи бутун умри бўйи шунга тайёрланмадими?

Коммунистик партия юз берган янги вазиятда аҳолининг барча демократик табақаларини қудратли Миллий фронтга бирлашишга даъват этди. Ушбу қатъий чақириққа жавобан Хорхе Кальво Аргентина ёшларига мурожаат этиб, уларни бирлашишга чақирди ва ҳукуматнинг сафсатадан иборат бўлган ташвиқотидан огоҳлантирдн. У ўз нутқларида, мақолаларида мамлакат учун бир ҳукумат ўрнига шунчаки бошқа бир ҳукумат келиши эмас, балки феодализм қолдиқларини бутунлай йўқотиб, индустриялаштиришга, аграр реформага ва халқ учун кенг демократик эркинликни қўлга киритишга йўл очиб, сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий тузумда туб ўзгаришлар қилиш зарурлигини уқтирди. Бунақанги прогрессив ўзгаришлардан ёшлар ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдор эдилар. «Дарҳақиқат, агар мамлакат саноат тараққиёти йўлидан бормаса, ёшлар яхши ҳақ тўлайдиган доимий ишга эга бўла оладиларми, дурустроқ касб ва техник маълумот эгаси бўлиб етиша оладиларми, агар келгусида бундай бўлмаса, университет ва институтларни битириб чиқаётган минглаб йигит-қизлар ўз билимларини қаерда қўллайдилар? Агар помешчиклардан ҳад-ҳудудсиз катта ер мулклари тортиб олиниб, бўлиб берилмаса, саноат эса ҳар томонлама ривожлантирилмаса, агар қишлоқдаги меҳнат кенг қўламда механизациялаштирилмаса ва қишлоқ меҳнаткашларига енгил шартлар билан қарзлар берилмаса, у ҳолда деҳ-

қон йигит-қизларнинг келажаги учун, уларнинг ота-оналарига бир умр йўлдош бўлган ва эндиликда уларни ҳам кутаётган бечораҳоллиг-у, эртанги кунга умидсизлик билан қарашдан бўлак нима ҳам ҳозирлаш мумкин? Агар кенг кўламдаги демократик озодликлар қўлга киритилмаса йигит-қизлар уюша оладиларми, ўз проблемаларини муҳокама этиб, ҳукуматни ёшларнинг талабларига қулоқ солишга мажбур эта оладиларми? Агар халқнинг ҳақиқий вакиллари мамлакат ҳукуматида муносиб ўринларни эгалламаса, у ҳолда ёшларнинг талабларига ким қулоқ солади-ю, ким жавоб беради? Фақат ривожланишнинг бошқа йўли, Аргентина албатта ўтиши лозим бўлган тараққиёт йўлигина ёшлар ҳаётида порлоқ истиқболни очиб беради, уларнинг жамият учун керакли кишилар бўлишларини, ўз гайратларини инсон фаолиятининг турли-туман соҳаларида ижодкорлик билан сарф этишларини, ўз кучлари билан ҳеч қандай жабр-зулмсиз бахтли келажакларини қўлга киритишларини таъминлайди. Бироқ бунга осонликча эришиб бўлмайди: бахтли ва тўкин-сочин ҳаётга эришиш учун, ҳаммамиз ҳам бутун борлиғимиз билан интилаётган — яхши ҳаёт қуриш учун ёш авлод тинимсиз ва шиддатли кураш олиб бориши зарур...

Ёшларнинг бу ҳиссаси буюк ва муҳим, кураш эса амалий ва самарали бўлиши учун Аргентина ёш авлодининг кенг миқёсдаги ватанпарварлик fronti даркор».

Ёш коммунистлар замон амри ва мамлакат эҳтиёжларини мана шундай чуқур англаган ҳолда курашни давом эттиришдек аҳд-наймонларини эълон қилиб, сафдош ўртоқларига қўлларини чўздилар.

Ниҳоят, Демократик иттифоқ¹ тузилди, бироқ у кеч

¹ Демократик иттифоқ — 1945 йил ноябрида ташкил этилган демократик партиялар ва ташкилотлар (шу жумладан, радикаль, социалистик, прогрессив ва коммунистик партиялар) коалицияси. 1946 йил 24 февралдаги сайловларда Демократик иттифоқ 46 процент, перонистлар эса 54 процент овоз олдилар.

ва ўйлангандек кенг кўламда бўлмаган ҳолда тузилди. Ҳамма қабул қилган программанинг прогрессив хусусиятини бузиб кўрсатишга уринган бошқа партиялар раҳбарларининг оғмачилик йўллари унинг фаолиятига таъсир кўрсатди. Устига-устак, шундоғам кўпдан бери давлат аппаратининг барча имтиёзларидан фойдаланиб келаётган перонистлар уни буткул ўз қўлларига олдилар. «Империализмга қарши» шиорларни ниқоб қилиб олган перонистлар ишчилар ва аҳолининг бошқа табақаларига уларнинг талабларини қондиришга ваъда бердилар, айрим масалаларда ён босдилар, ерларни деҳқонларга бўлиб бериш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш, чет эл монополиялари томонидан ноқонуний равишда фойдаланилаётган миллий бойликларни тортиб олиш каби ниятлари борлиги тўғрисида ҳамма ерда жар солдилар. Ана шундай йўллар билан перонистлар аҳолининг кенг табақасини, айниқса, касаба союз ва сиёсий курашларда ҳали тажриба орттирмаганларни ўз томонларига жалб қилдилар.

Шундай йўл билан перонистлар 1946 йил февраль ойидаги сайловларда бир мунча кўпчилик овоз билан устунликка эришгандилар.

VII СЪЕЗД

Сайловлардаги мағлубият кўпчиликни саросимага солиб, умидсизликка туширди, бироқ коммунистик партия аъзолари бундан мустасно эдилар. Викторио Кодовильенинг июнь ойидаги нутқида, кейинчалик эса, августда бўлиб ўтган XI съездда партия вужудга келган шароитга мослаб ўз сиёсий йўналишини ҳамда тактикасини белгилади, шу билан бирга кенг миқёсдаги ва аниқ ҳаракат программасини олдинга сурди. Програмада коммунистларнинг ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оммасига бошчилик қилишга, зарур талабларни қимоя қилиб чиқишга, аграр ҳамда антиимпериалистик

революцияни авж олдиришга қатъий қарор қилганлари айтилганди. Коммунистлар мамлакатнинг миллий ва ижтимоий озодлиги учун кенг кўламда фронт ташкил этиш борасидаги курашда ўз кучларини оппозициячи партияларнинг вакиллари билан бирлаштиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Съездда Марказий Комитет состави янгиланди, Кальво унинг аъзоларидан бири қилиб сайланди.

Шундан уч ой ўтгач, ноябрь ойида, Коммунистик ёшлар Федерацияси ўзининг VII Миллий съездини ўтказди. Кўпчилик делегатлар ва таклиф қилинганларнинг завқ-шавқи, ташаббус кўрсатиши ҳукмрон бўлган съездда Кальво партиянинг сиёсий йўли нуқтаи назаридан «Феде» вазифасини белгилаб берди, аргентиналик ёшларнинг барча кучларини ўз ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун муваффақиятли курашишга пайсалга солмай сафарбар этишга чақирди. VII Миллий съездда Кальво томонидан ёшлар олдига қўйилган вазифалар бугунги кунда — орадан беш йил ўтгач ҳам муҳимлигича қоляпти, унинг нутқидаги ҳар бир банд ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Ушбу қиссада биз Кальвонинг сўзларидан, айниқса, нутқ ва мақолаларидан кўпдан-кўп цитаталар келтиряпмиз. Ахир, Кальвони тарбиялаган илғор отряд — партиямиздан далил келтирмай туриб, бу йигит ҳақида, унинг ҳаёти тўғрисида гапириб бўладими?

Албатта йўқ.

Қиссамизнинг дастлабки саҳифалариданоқ биз Хорхенинг болалигидан то ўсмирлик ёшигача, ҳаётни тушуниш ва ўз йўлини солиш учун илк бор уринган давригача қандай ўсиб-улғайиб борганини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Кўрдикки, у буюк инқилоб армиясининг жангчисига айлангач, ҳаёт йўлларида пайпасланиб юришга барҳам берди ва ишчилар синфи онгли жанговар авангардининг аъзоси бўлиб қолди; ана шундан сўнг унга йўлчи юлдуз бўлиб, «ҳаракат учун» бебаҳо қўллан-

ма — марксизм хизмат қилди. У бутун куч-қувватини, қалбини, фикр-ўйини мамлакатни озод этиш ишига бағишлади. Шу билан бирга Хорхе ўзи каби «ҳаётни ўзгартиришни» истаган ва жилслашган ягона отряддан иборат минг-мингларча ёшлар иродасини ифодаловчи ҳамдир. У ўзи танлаган иши учун жуда кўп куч ва ғайрат-шижоатини сарфлаб, ажойиб натижаларни қўлга кпритди. Кальво ўзида ёшларнинг фикр-ўйлари, умид-орзуларини мужассамлаштиргани учун ҳам унинг барча ишлари, интилишлари партия сафларида, ёшларнинг, халқнинг онгли қисми орасида чуқур из қолдирди ва ўзининг бебаҳо самараларини берди.

Ана шу дақиқалардан бошлаб йигитчанинг ҳаёти партия билан чамбарчас боғланганди.

Шунинг учун ҳам, вақти келиб Коммунистик ёшлар Федерациясининг тарихи ёзилганда, унинг саҳифаларида Хорхе Кальводек синалган курашчининг фаолияти бутун қирралари билан ўз аксини топади.

ПАРТИЯВИЙ РАҲБАР

Ўз кадрларига доимо ғамхўрлик кўрсатган партия ўзининг ёш раҳбарларини диққат-эътибор билан тарбиялаб борди. Дўстона маслаҳатлар ва доимий ёрдам туйғайди Кальво янги хилдаги ҳақиқий раҳбар бўлиб етишди. Ўз навбатида Хорхе ўртоқларини «ишчилар синфимиз ва халқимизнинг бой тажрибасини ўзида мужассамлаштирган коммунистик партиянинг ёрқин ўтмишини» ўрганишга чақирди. Кальво ёшларда партия раҳбарлари Викторию Кодовилье, Родольфо Гиольди, Арнедо Альваресу, Альсире де ла Пеньяларга нисбатан муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини тарбиялади, айти пайтда, улар бизга «социализмнинг буюк иши учун курашда матонат, ишонч ва инқилобий ирода намуналаридир» деб таъкидлади.

Хорхе бошқаларни тарбиялаш ва онгини шаклланти-

ришда бебаҳо қобилиятга эга эди: ҳар бир ўртоғининг фезл-атвори-ю, хусусиятларини билиб олиш учун у сабр-тоқат билан ва бирор мақсадни кўзлаб интилар, уларни онгли, фидокор, ўз бурчларини шараф билан бажарувчи революционерлар қилиб тарбиялашда бутун имкониятлардан фойдаланарди. Унинг таъсири остида кўнгина қолоқ ва фаолиятсиз ёшлар курашга қўшилдилар.

У сиёсий ишни астойдил ва шараф билан бажарар, муваффақиятлардан кибрланмасди. Ўз-ўзини таққид унга бегона эмасди: мабодо хатога йўл қўйса ва буни унга кўрсатсалар, шу заҳотнёқ хатосини тўғрилашга уринарди. Бордию бошқаларнинг хатосини сезса, уларга танбеҳ бермас, аксинча, дўстона, сабот билан, керак бўлса, жиддийлик билан тушунтирарди. У партия йўлидан ҳар қандай чекинишга бефарқ қаролмас, аҳволни дарҳол ўнглашга интиларди. Хорхе ҳар хил огмаччиликлар, хавфли иккиланишларнинг олдини олиш учун жонжаҳди билан тиришарди.

Кальво йиғирма беш ёшга кирганда янада жиддий ва мулоҳазали бўлиб қолди. Бироқ ёшлик шижоати, бегараз фидокорлик ва ташаббускорлик уни тарк этмаганди. Болалар уни ҳурмат қилишар, қадрлашарди. Бу ўз-ўзидан тушунарли: Хорхе ёшларнинг фикр-ўйларини, ҳақиқатга интилишларини, буюк ғояларга завқ-шавқ билан муносабат билдиришларини, маънавий софликларини, ғоят фидокорликларини ўз тимсолида ифодаларди. Бундай эзгу ҳиссиётлар ҳали у ўсмир чоғидаёқ уйғонганди; Хорхе ўйинқароқ ёшлик шўхликларини маълум бир йўналишга солиб, синфий мақсадларга эришиш учун уни ташкилий ҳамда онгли курашга йўналтира оларди.

Шу бондан ҳам болаларнинг ундан тез-тез маслаҳатлар сўраб туришлари, ҳасрату бахтсизликларини у билан ўртоқлашишлари ҳеч ҳам ажабланарли эмас. Улар учун Хорхе доимо жонкуяр, камсуқум, камтарин

ака эди; ҳеч ким унинг олдида тортиниш, уялиш нималигини билмас, у билан энг яқин дўстлар кабн дилдан гаплашардилар. Олағовурли хурсандчиликлар уюштирилганда Хорхе биринчи бўлиб қаҳқаҳани бошлаб берарди: кўзидан ёш чиққунинга қадар чин юракдан хахолаб кулар, бутун борлиги билан шоду хуррамликка бериларди. У ҳар қандай дабдабага қарши эди, хилватпарастлигу одамовчилик унга бегона эди: ёшлар билан улфатчилик қилишни, дўстлар билан суҳбатлашишни, қувончинин бошқалар билан ўртоқлашишини ёқтирарди. Аммо «гап партияга онд ишларга бориб тақалганда,— деб эслашади кўпчилик дўстлари,— на ҳазил, на шунчаки гап-сўзларга йўл қўймасди».

Хорхе камтар — у доимо шундай эди — бўлиб, унинг камтарлиги чин маънодаги камтарлик эканлиги билан ажралиб турар, на юриш-туриши, на гап-сўзида бирон-бир сунъийлик йўқ эди. Уни мақташганда «қулоқларигача қизариб кетар», уялар, ҳатто ўзини поқулай сезарди. Кальво бошқалардан ажралиб туришни ёқтирмасди; у «мен»га қарши эди, ўз истак хоҳишини мажбурий қабул қилдирмасликка ва шахсий обрўси билан гапини ўтказмасликка интиларди. Сафдош ўртоқлари ёйинки бошқа сиёсий оқимларининг вакиллари билан бўлган баҳсларда далил-исботларни диққат-эътибор билан охиригача эшитар, ҳар бир қарор, гарчи унинг ташаббуси туфайли бир тўхтамга келинса-да, умум кучи оқибати бўлиши учун ҳамма ўз фикр-мулоҳазасини айтишига имконият берарди.

Бегаразлик, айни пайтда шахсий манфаатдан воз кечиш — Хорхега хос хусусиятлар эди. Баъзан талай ишлар билан банд бўлиб, овқатланишни унутган ҳолда йиғилишга келар, бироқ сир бой бермас, доимо жавобин битта бўларди: «Ташвиш тортманлар, овқатланганман». Гоҳида жуда чарчагандек туюларди: қамоқхонада орттирган ревматизми азоб берарди. Бироқ у ўзини жуда яхши ҳис этаётганига ҳаммани ишонтирарди. Оила-

си қандай моддий қийинчиликларин бошидан кечираётгани тўғрисида у ҳеч қачон ҳеч кимга оғиз очмасди.

Аксинча, ён-атрофдагилар: қариндош-уруғу дўстларининг, ўртоқларию қўшнилариининг қийналаётганликлари уни кўпроқ ташвишлантирарди. Хорхе ўзининг бемор ота-онасини қандай парвариш қилганини Сарандида тез-тез эслаб туришади. Уйига кетатуриб маҳалладош болаларни учратиб қолгудек бўлса, хушмуомалалик билан гаплашар, ҳазиллашарди. Йигитчалар биринчи бўлиб унга салом бериш пайида бўлардилар: «Ассалому алайкум, дон Хорхе!» Гап шунда эдики, ҳали ёш бўлишига қарамай, қишлоқнинг бутун аҳолиси учун у «дон Хорхе» эди. Ёрдам сўралган заҳотиёқ у ҳозир-нозир бўлишини ҳамма биларди. Жуда кўп воқеалардан бири бунга яхшигина далилдир. Кунлардан бир кун қишлоқ мактабларидан бирининг қоровули печкани тасодифан бузиб қўйди ва жазоланишдан қўрқиб, уни яширди. Бироқ қоровулни печкани ўғирлашда айблаб, қамоққа олишди. Қишлоқ аҳолиси маслаҳат сўраб дон Хорхега мурожаат қилди. Кальво қандай бўлмасин полиция комиссари ҳузурига кириб, бутун қишлоқ аҳолиси қоровулни озод қилишни сўраб имзо чеккан аризанни унга топшириш зарурлигини айтади. Худди шундай қилишади. Орадан бир мунча вақт ўтгач эса, жабрланган киши миннатдорчилик билдириб, Кальвонинг уйига келади: уни озодликка чиқарибгина қолмай, мактабдаги иш жойида қолдиришганди...

СЬЮЗИ

Хорхе қамоқхонадалигида, унинг уйланганига роппароса икки йил тўлганди. У Ракелга хатча-ю, гулдаста, оддийгина гулдастача бериб юборишнинг уддасидан чиқди... Бироқ бу гуллар шу қадар катта аҳамиятга эга бўлгандики, бунинг сўз билан таърифлаш қийин. Қишлоқ аёллари бу воқеани узоқ-узоқ вақтларгача эслаб

юришди: «Қаранг-а, жудаям меҳрибон экан... яна қамоқ-хонада... коммунист-да...»

Ҳа, коммунист. У сиёсий курашдаги каби шахсий ҳаётда ҳам пок, тартибли ва эътиборли эди. У ўртоқлари-га такрор-такрор шундай дерди: «Шахсий иш ҳаётдан ва партиядан айрича эмас. Агар сен ҳақиқий коммунист бўлсанг, яхши ота ва яхши турмуш йўлдоши бўлишинг даркор. Агар шундай бўлмасаг, партия иши учун ҳеч нарсасга арзинмайсан».

Бу икки ёшнинг бир-бирига чамбарчас боғлаб турган туйғуларини қандай васф этиш мумкин? Уларнинг муҳаббатини булоқ сувидек тиниқ ва бегубор эди, бунақанги севги фақат қалби пок, матонатли кишилардагина мавжуддир. Ўзаро ишончсиз севги бўлиши мумкин эмас, бу ҳиссиётни улар жуда яхши англадилар. Улар турмуш қуришганда ёш бека хўжалик ишларидан мутлақо бе-хабар эди. Бироқ Хорхе уй ишларини уддалашида унга ёрдамлашди, вақти келганда ўргатди, онлавий ҳаётдаги ҳар бир майда-чуйда ишларда ҳам унинг таъсири баралла сезилиб турарди. Пул етмай қолган кезларда Хорхе қарзлардан қутулиш ҳамда камобликни қоплаш учун ҳисоб-китоб қилиб кўрарди. Борди-ю, бир неча песо ортиқча чиқиб қолса, улар албатта Ракель ва болалар учун харажат қилинарди. Ракель Хорхенинг фикр-ўйларига мутлақо ишонар, дўстларча қўллаб-қувватлашини ҳар лаҳзада сезар ва мустаҳкам дарахтга суянгандек, унга суянарди. Хорхе эса, кундалик курашлардан сўнг чарчоқни ёзиб, бўлажак жанглари учун куч-қувват бахшида этадиган онлавий меҳрибонликни туярди. У севимли шоирларни: Раул Гонсалес Туньо, Мигель Эрнандес, Пабло Неруда, Николас Гильен ва бошқаларнинг шеърларини напқада эҳтиётлаб сақларди. Зериккан кезларида, худди бир вақтлардагидек, бу шеърларни Ракелга ўқиб берар, гоҳида Рафаэль Альбертнинг «Сиз ҳалок бўлмадингиз» номли ажойиб поэмасидан парчани ёд айтишни хуш кўрарди:

Ким айтар, келди деб навбат симирмоққа ўлим косасин?
Эшитяпсизми, замин юзин тутган ўқлар садосин?
Жарангламоқда у билан қўшиқ, яъни, демакким,
Ўлимга тутқизмай бар, эй, партиявий жанговар солдат
Шухратинг яшайди не замонлар оша — абадул-абад,
Қўшиқ куйлаётган сафимизда босгин мардона қадам,
Нигоҳлар кўзласин Бўрону, Ҳаёту Денгизни ҳар дам.
Ҳаёт лочинлари — сиз, эй, партиявий жанговар шунқор,
Шижоатингиз-ла замин узра Ёшлик топгуси қарор!

1948 йили қизи Сусанна туғилди. У машҳур ва ажойиб кунда, ер юзидаги одамларнинг беҳад кўпчилиги учун озодлик даврини бошлаб берган 7 ноябрда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўттиз бир йиллиги нишонланаётган кунда дунёга келди...

Болалари билан қувониб шўхлик қиладиган, «Кике» (бу пайтга келиб, ўғлида теварак-атрофдаги нарсаларга қизиқиш уйғонган ва тиниб-тинчимас бўлганди) билан астойдил шуғулланадиган ёнгики шиша золдир ўйнаб, ҳар қанча «тиришса ҳам» ютқазиб қўядиган... киши зиммасида печоғлик катта масъулият ётганлигини тасаввур этишининг ўзи мушкул иш.

ЁШЛАРНИНГ ОГИР МАСАЛАЛАРИ

Партиядан ҳар томонлама ёрдам олган Хорхе 1945—1950 йилларда «Феде»нинг бошқа таниқли раҳбарлари билан биргаликда келажакни ёрқин кўра олиш қобилиятига, ҳад-ҳудудсиз ташаббусга, ўзаро ўртоқлик ҳиссиётига эга бўлган қудратли коммунистик ёшлар ташкилотини барпо этиш билан тамоман банд бўлди. Фақат ана шундай ташкилотгина ўзининг тарихий вазифасини — ёшларни озодлик учун ягона инқилобий ҳаракатга бирлаштирган ҳолда, уларга раҳбарлик қилишни уддалай оларди.

Бунинг учун ишчи, деҳқон ва талаба ёшлар билан алоқани узлуксиз равишда мустаҳкамлаб бориш зарур эди. «Фақат ана шу асосдагина ва хусусан, иш асосида

бирлашган ёшлар — деган эди Кальво 1946 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Федерациянинг VII съездида, — ғайрат-ташаббус ва қатъиятликнинг битмас-туганмас манбаларини намоён этадилар. Фабрика-заводлар қучоғида, ишчи посёлкаларида, университетлару колледжларда қанчадан-қанча курашчилар, қанчадан-қанча бўлажак раҳбарлар ҳали номаълум бўлиб турибди. Улар ўзларидан инқилобчиларни тайёрлаб чиқарадиган ташкилотга муҳтожлар, улар ўз куч-қудратларини бошқарадиган ҳаракатга муҳтожлар, улар учун коммунистик ёшлар билан иттифоқ зарур. Агар биз ўз фаолиятимизни ёшлар оммаси орасида — ёшлар азоб чекаётган, ишлаётган ва курашаётган жойларда кенгайтирсак, албатта, бундай иттифоқ вужудга келади. Агар коммунистик ёшлар йигит ва қизларнинг ҳаётий манфаатларини кўзловчи программани амалга ошириш учун курашни дадиллик билан бошқарсалар, бундай иттифоқ вужудга келади...»

Демагоглар «эртанги кун кишилари», «миллатнинг ёш новдалари», «ватаннинг келажаги» бўлиши ёшлар тақдири тўғрисида ҳўжакўрсинга ташвишланиб, дамбада гапирадилар. Аслида эса, Аргентина ёшлари худди илгаригидек ҳозир ҳам унутилган ва ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумдир. Худди ўтган йиллардаги каби ҳали ҳам мамлакатимизнинг ёш авлодига менсимаслик билан қараш одат мавжуддир. Ёшларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ҳеч бир истиқболга эга бўлмаган ҳолда, ҳўрликка солувчи шароитларда муҳтожлигу азоб-уқубатлар билан кун кечирмоқдалар.

Мавжуд тузумга нисбатан худди мана шундай айб қўйган Коммунистик ёшлар мавқеи Хорхе Кальвонинг ғазаб билан айтган сўзларида ўз ифодасини топди:

«Ёшларнинг қизғин шижоати ва ижодий куч-ғайратидан одамзот фаолиятининг барча соҳаларида фойдаланиш ўрнига, минглаб йигит-қизлар муҳтожликда азоб билан кун кечиршига мажбур этилаётган, натижада улар келажакка умид билан қарашдан маҳрум бўлаётган биз-

нинг бепоен ва гўзал мамлакатимизда нималар юз беряпти?.. Амал-тақал қилиб кун кўриш ва ўзининг ярим оч ҳаётини таъминлаш учун ёшлар тинимсиз кураш олиб боришга мажбурдирлар, уларнинг таҳсил кўриши ва касб-ҳунар бўйича маҳоратлариши оширишлари учун имконият йўқ. Юз минглаб ёш деҳқонлар ўзлари эгалик қилмайдиган, ҳатто ўзлари учун бошпана ҳам қура олмайдиган поёни йўқ ерларда эртаю кеч ишлаётган, минглаб талабалар олий ўқув юртини битириш дақиқаларини таҳлика остида кутадиган ва узоқ йиллар ўқишн мобайнида олган билиминини ишлаб чиқаришда ёпики жамоат иши соҳасида қўллай олмайдиган мамлакатимизда нималар юз беряпти?»

«Нима учун бизнинг юртимизда мактабга ўқишга кирган саккиз юз минг боладан фақат юз минг олтинчи синфни тугатади, ўрта мактабга эллик уч минг ўқувчи киради-ю, нега уни ўн икки минг битиради, университетларга ўн минг киши киради-ю, нега уч минг беш юз талабагина битириб чиқади? Нима учун юз минглаб ёшлар ўқишдан, маълумотли бўлишдан маҳрумлар?»

«Нима учун ёшларимизнинг кўичилиги ифлос ва оилалар тигиз жойлашган уйларда, тозалikka рия қилинмаган шароитларда, аянчли кулбаларда яшашга мажбурлар? Нима учун Тукуман, Мисьонес, Сантьяго-дель-Эстеро вилоятларининг минглаб ёшлари плантациялар ва тоғ-кон корхоналарининг хўжайинлари бўлиш сеньор феодаллар зулмига маҳкум этилганлар? Нима учун шаҳар ёшлари спорт билан, фойдаланишлар билан шуғуллана оладиган спорт майдонлари, стадионлар йўқ?».

«Ёшларимизнинг қашшоқ ва мушкул аҳволни, уларнинг мусибатини ҳам-ғуссаларни билан боғлиқ бўлган ушбу «нима учун»ларнинг ҳаммасига ҳам жавоб фақат битта: қишлоқ олигархияси миллионлаб гектар ерга қонунсиз равишда эгалик қилади; юзлаб қудратли саноатчилар ёшлар меҳнатига яраша ҳақ тўлашдан бош

тортиб, ишчиларни эксплуатация қилиш ҳисобига бойланиш, қашшоқлигу умидсизлик тугдириб, магазинларда узундан-узоқ навбатда туришларни вужудга келтириб, ҳаддан ташқари кўп фойда кўряпти; мамлакатда муҳим ўришларни эгаллаб олган чет эл монополиялари ва уларнинг малайлари миллий хўжаликни шахсий бойиш йўлида қурбон қилишлар; улар — транспорт воситалари, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда гушт магазинларининг қудратли хўжайинлари мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилишлар, ёшларни ҳақиқий ҳаёт кечириндан бутунлай маҳрум этишлар. Йирик олигархия, капиталистлар ва чет эл монополиялари ўз имтиёзлари чегараланмаслиги учун иштилиб, мамлакатимизда сиёсатни ўз қўлларига олганлар, ҳукуматни миллат, халқ ва ишчилар синфи олдидаги мажбуриятларини бажармасликка мажбур этиб, кун сайин унга кўпроқ таъсир кўрсатяптилар».

ЯГОНА ЙЎЛ

Кальво мамлакатда ҳукм сураётган вазиятни тасвирлагач, шундай савол беради:

«Мамлакатимиз ёшлари ўз йўллари тўсрилиб, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётганини барбод этиш учун қандай йўлдан бориши лозим, олигархия, йирик саноатчилар ва чет эл монополияларининг фалокатли зўравонликларини тугатиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш керак?»

Вужудга келган аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли, коммунистик ёшлар аллақачон таклиф этган йўлдир: ёшлар бирлашини ва курашни биргалликда олиб боришлари зарур».

«Қўпчилиқ, ёш авлодни бирлаштириш ва оммавий ҳаракатни ташкил этиш мумкинми, деб сўрашди ва бу билан улар бунда кўнглига қийинчиликлар мавжудлигини назарда тутадилар. Ҳақиқатан ҳам ёшлар этиқод-

лари, диний мазҳаблари ҳамда ўз мавқеларига кўра бир-бирларидан фарқланадилар: баъзилар католик, бошқалар эса католик эмас; перонистлар ва радикаллар, социалистлар, коммунистлар ва прогрессив демократлар бор; минг-минглаб йигит-қизлар эса умуман ҳеч қандай партияга мансуб эмаслар; ўн минглаб ёшлар ташкилотларининг бирон-бир кўриниши билан мутлақо таниш эмаслар; минглаб ёшлар ўз қобилиятларини, ёшлик шижоатларини турли-туман ташкилотларга: снесьи, маданий, диний, спорт ва ҳоказо ташкилотларга бағишладилар. Чиндан ҳам, бир қарашда, ҳис қилишлари, фикр-ўйлари, иш кўришлари турлича бўлган юз минглаб йигит-қизларни уюштириш, бирлаштириш, ягона бир оқимга йўналтириш мумкин эмасдек туюлади. Чиндан ҳам бу ишда порлоқ келажак учун жуда катта куч-ғайрат сарфлаш зарур, негаки ҳар қадамимизда талай қийинчиликлар учрайди».

«Бироқ биз, коммунист-ёшлар ишонч билан айтаминки, ҳаммасини батафсил таҳлил қилиб кўриб, буюк ягона ҳаракатни ташкил этиш мумкин, биз деймизки, ёшлар орасида бизни бир-биримиздан ажратишдан кўра бирлаштиришга хизмат қиладиган жиҳатлар кўпроқдир, биз айтаминки, яқин келажакда бундай бирликка эришсиз... Биз ишонч билан айтаминки, вақтинча бўлган тафовутлар ҳаёт талаби-ю, ўзларининг ҳаётини ҳуқуқларини учун курашда ёшларни бирлашишга олпб боровчи шарт-шароитлар туфайли йўқолиб кетади».

«Лекин бу ҳаракатни қай тарзда мустаҳкамлаш мумкин-у, ўз ҳаётини, меҳнат ва маданий шароитларини яхшилаш учун курашда ёшларнинг орзу-умидларини қандай ифодалаш зарур? Жойларда, майли, арзимас бўлсин, бироқ зарур ва муайян талабларни кўтариб чиқиш даркор. Шундай қилинса бутун мамлакатда турли характердаги оқимлар пайдо бўлади. Ана шундагина, ёш ишчиларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун учун, ҳаққоний иш ҳақи ва меҳнатга тўлападиган ҳақ

учун, ўқиниш имкониятига эга бўлиш учун олиб борадиган кураши қишлоқ ёшларининг ер, қарз, тураржой ва мактаблар учун кураши билан, клуб ҳамда бошқа маҳаллий ташкилотларга уюшган йигит-қизларнинг талон-тарож қилинишу камситиш сиёсатига қарши кураши билан, талабаларнинг бепул таълим учун ҳамда университетлардаги реакцион зўравонликларга қарши кураши билан, жойлардаги илгор ҳамда бирмунча онгли аҳоли табақасининг уй-жой шаронтини яхшилаш учун, техник билим юртлари, спорт майдончалари учун кураши билан, умуман, барча ёшларнинг тинчлик учун ҳамда асрий феодал қолоқликка қарши, империалистик суқулиб керишларга қарши кураши билан чатишиб кетади».

Ўз фаолияти уфқларини кенгайтириш ҳамда ўз кучига ишонч ҳосил қилиши учун ёшлар бориши лозим бўлган йўл худди мана шудир, худди шу йўл билан барча оқимлар ягона ва қудратли дарёга айланадилар, қандай партияга мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай васийликдан озод ҳолда, иқтисодий, ижтимоий ва маданий озодлик учун кураш олиб борувчи Аргентина ёшлари беқийёс даражада кенг ҳаракат ташкил қиладилар.

БИР САФДА — ҒАЛАБА САРИ

Коммунистларнинг донмий гамхўрлиги мавзун — Аргентина ёшларини бирлаштириш Хорхе Кальвонинг асосий мақсади бўлиб қолди ва бунга эришиш учун у ўзининг бутун куч-қувватини сарфлади. Ушбу буюк вазифани амалга ошириш учун қилинган меҳнатга бугунги кунда бир печа жумла билан яқин ясаш мумкин. Аммо бунинг учун қанчадан-қанча куч-қувват сарфланган, уйқусиз тушлар ўтказилган, қанчадан-қанча сабр-матонат кўрсатилиб, кундалик ҳаётда қанчадан-қанча ғам-аламлару машаққатларини енгилга тўғри келган. Жуда катта нш бажарилди: куйидан, энг ибтидонийсидан бошлаш, ёшларни бир-биридан узоқлаштирмайдиган, балки улар-

ни яқинлаштириб, жишслаштирадиган нимаики бўлса, ҳаммасини юзага чиқариш, ўртадаги шубҳаю ишончсизликка барҳам бериш, баҳслашиш ва ишонтириш зарур эди. Қарашлару фикрлардаги тафовутлардан қандай қилиб устун келишни, умум мақсад йўлидаги курашда бирлашиш учун бу тафовутларни қандай енгиб ўттиш лозимлигини кўрсатиш, ўзаро англашилмовчиликларни сабр-тоқат билан бартараф этиш, тасодифий муваффақиятсизликлару иш ўнгидан келмаганда ҳафсалаши нир қилмаслик, ёшлар узил-кесил ғалабага олиб боровчи бир бутун заңжирда оралиқ ҳалқалар бўлган кичик-кичик ғалабаларни аста-секин қўлга киритиб бориш зарур эди. Баъзан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга, фабрикаларда, ишчи кварталлари ҳамда клубларда йигит-қизларнинг кўичилигини ягона бир группага бириктиришга муваффақ бўлиларди. Бироқ бунга душман қўли қўполлик билан аралашар, зўравонлигу ёлғон-яшиқлар ишлатиб, бешиҳоя машаққатлар туфайли нимагаки эришилган бўлса, ҳаммасини барбод этарди ва ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келарди. Бир неча бор шундай бўлган эди...

Курашдаги муваффақиятлару мағлубиятлар, гам-ғуссаю умидсизликлар қандай аҳамиятга эга? Атиргул ўстирмоқчи бўлган одам, тикан санчиғига ҳам бардош бериши керак. Кимда-ким ўз ишининг ҳаққонийлигига сидқидилдан ва онгли равишда ишонса, янги тўсқинликка учраганида ўзини куч-қувватга тўлгандек сезади. Қачонлардир, ёшларнинг қудратли тўлқини воқеликка айланиб, фабрика ва заводлардан, қишлоқ ва олий ўқув юртларидан тўхтатиб бўлмас оқимдек отилиб чиқиб, гўзал ва буюк мақсадга эришиш йўлида унга нимаики ғов бўлса, ҳаммасини жойидан суриб, яксон қилгандагина қурбонлар ўрни тўлдирилади, коммунистик ёшларнинг Аргентина ёш авлодини бирлаштириш ва ғалабага эришишдек саботли, машаққатли ҳамда сердиққат иши муносиб баҳоланади.

Хорхе Кальво ана шундай натижага эришиш муқаррарлигига қатъий ишонганлигини кўн марталаб ифодалаганди:

«Ўртоқлар! Бизни машаққатли меҳнат, ўқиш ва кураш кунлари кутяпти. Бахт ва фаровонликка эришиш учун биз кучли душман қаршилигини ситишимиз зарур. Бироқ биз жуда катта жасорат билан жангга кирамиз... чунки Аргентина ёшларининг битмас-туганмас куч-ғайратига, жанговарлигига сизқидидан ишонамиз, чунки бизнинг кураш — Аргентина ёшларининг империализмга, ер олигархиясига қарши ҳамда ҳаётий ҳуқуқларни қўлга киритиш учун кураши — бутун жаҳон ёшларининг империализмга ва жаҳон реакциясига қарши ҳамда янги дунё барно этиш учун кураши билан чамбарчас боғланиб кетишини биламиз... Терак орзуларга тўлган ва ҳар қандай бўронларни тик қарши олишга тайёр ҳолда биз олға борамиз».

«Олигархия ва империалистларнинг тўлиб-тошган душманлигига, фашистларнинг ваҳшиёна душманлигига биз, ёш революционерлар — чирган ва ҳалокатга маҳкум этилган дунёни бутун қалбидан ёмон кўрадиган йигит-қизлар — ўзимизнинг муқаддас нафратимиз билан жавоб берамиз, чунки биз янги дунё — умид, меҳр-муҳаббат ва эзгуликларга тўла дунё барно этиш учун курашянимиз».

«Ёш коммунистлар, олға! Жангу жадалларда, қаҳрамонона ва қизгин жангларда биз ғалабага эришамиз ҳамда аргентиналик барча ёшлар учун норлоқ келажакка йўл очамиз! Ёшларнинг буюк озодлик ҳаракатини вужудга келтиришда янги ғалабалар сари олға!»

Бундай оғир шарафларда иш олиб бориш учун, албатта, жуда катта жасорат, инқилобий фидокорлик талаб қилинарди. Аргентиналикларнинг ҳақ-ҳуқуқларига, озодликларига бирини-кетин барҳам берилаётганди. Олигархия ва империализм билан боғлиқ бўлган расмий ҳамда оппозициячи доиралар кенг қўламдаги ёшлар бир-

лигининг бебаҳо аҳамиятини фаҳмлаб, чуқур ҳис этиб, аини пайтда даҳшатга тушиб, ёшларининг ўзаро яқинлашувига тўқинлик қилишга интилдилар, бирлашинин ёқлаб чиққан йигит-қизларга ва турли партияларга қарши зўравонлик хуружларини уюштирдилар. Полиция «Феде»ни таъқиб остига олди, унинг биносини ёпди, «Хувентуд» газетасини чиқаришини тақиқлади, бирлашини учун бўлган ҳар қандай интилишини, у пайдо бўлиши биланоқ бўғиб ташлашга уринди.

Бироқ шунга қарамай, гарчи суёт бўлса-да, нш олдинга силжидганди.

Кальво 1946 йилда айтганидек, «олигархия ва империализмга қарши ўта норозилик кайфияти Аргентина ёшлари оммасини ҳаракатга келтирди, бу эса, ҳозирги пайтда ёшларининг сиёсий жиҳатдан уйғониши процессининг айрим хусусиятидир».

САН-МАРТИН¹ ЙИЛИ

Бу Сан-Мартин йили бўлмай, яна қандай йил бўлиши мумкин?

Ҳукуматнинг берган ваъдаларига қарамай, 1946 йилгача ҳам, ундан кейин ҳам ёшларининг аҳволи ўзгармади. Коммунистлик ёшлар Федерацияси Марказий Комитетининг Сан-Мартин йили муносабати билан 1950 йил январь ойида эълон қилинган баёнотидаги (уни тузишда Хорхе Кальво ҳам фаол қатнашганди) ҳар бир сўз мавжуд тузумни қоралаб янгради.

¹ Сан-Мартин, Хосе де (1778—1850)— Жанубий Америка халқлари озодлик ҳаракатининг машҳур арбоби, Аргентинанинг миллий қаҳрамони. 1813 йили Сан-Лоренсо яқинидаги жангда испан қўшинларини енгиб, биринчи ғалабани қўлга киритган. 1816 йилдан мунтазам армия ташкил этишга киришган. 1817—1818 йилларда Анд армиясини бошқариб, Чилини озод қилар экан, испанларни қатор мағлубиятларга учратган. 1820—1821 йилларда Перунинг озод этилишига раҳбарлик қилган.

«Ёшлар демагогиянинг қурбонига айландилар. Ҳақ-хуқуқлар тўғрисида, «миллат резерви тўғрисида» жуда кўп гаплар айтилди. Лекин биз тан олиб айтишимиз керакки, бу авлод бирор нарсага эришиш тугул, ҳатто кўнгина ҳақ-хуқуқларидан маҳрум этилган — аҳолининг энг унутилган қисмидир, ёшларга тааллуқли асосий масалалар ҳали ҳам ҳал этилмай қолиб келяпти. Кризис туфайли ёш ишчилар ўзларига иш тополмаяптилар, ишсизлик аччиқ ҳақиқатга айланиб, аллақачонлар хавф-хатар бўлмай қолди, ана шунинг натижаси ўлароқ, очлик аргентиналиклар опласини кундан-кунга тобора ўзининг шафқатсиз исканжасига оляпти. Ишчиларнинг асосий талаби — тенг ишга тенг ҳақ тўлаш — бажарилмади, аксинча бу талаб хўжайинлар, касаба союзларининг сотқин бузгунчилари ҳамда меҳнат министрлиги томонидан душманларча кутиб олинмоқда. Ишлаб чиқариш таълими тўғрисидаги масала — ёш ишчиларнинг ҳаётини масаласи «бир миллион техник мутахассислар тайёрлаш» муносабати билан ўтказилган дабдабали кампанияларда бир неча бор оёқ ости қилинди. Бироқ шунга қарамай шартномаларда таълим муддати узайтириляпти, йигит-қизлар эса соатига берилувчи 75 сентаврдан бир песогача бўлган пул нафақаси билан ойлаб, йиллаб қаноатланишга мажбурлар. Қишлоқ меҳнаткашлари — она-Ватан ўғлонлари эмас, балки ўғай ўғиллари, улар батраклар сингари ойига юз песодан олишади. Биринчи навбатда ишсизликнинг қурбони бўлгучи ишчилар армиясини тўлдириш учун уларнинг хўжалик ва оилаларини ташлаб, шаҳарга боришдан ўзга чоралари қолмаяпти. Университетларнинг эшиклари халқ учун очилгани расмий равишда маълум қилинганига қарамай, кўп минглаб ёшлар олий ўқув юртига кириб ўқиш у ёқда турсин, бошланғич мактабнинг дастлабки синфларини ҳам зўр-базўр битириб чиқишди: мамлакатда саводсиз ва чаласавод кишиларнинг ҳаддан ташқари кўпчилиги бунга ёрқин далилдир. Ўқув

юртларини битириб чиққан йигит-қизлар жуда катта қийинчиликларга дуч келадилар, чунки ўзларининг техник билимларини қўллай оладиган корхоналарни топа олмайдилар. Бундан ташқари, дунёвий, мақсадга мувофиқ ҳамда илмий таълимга нисбатан Сармъенто анъаналарини йўқотишга интилувчи клерикал-фашистлашиб борувчи унсурларнинг ўқув аудиторияларига суқулиб кириши ва уларнинг таъсири тобора кучаяр экан, у ҳолда халқ учун университетлар эшикларининг «очиқлиги», албатта, жуда ёмон. Ҳукумат томонидан ҳеч қандай эътиборсиз қолдирилган ёшларнинг соғлиғи, фаровонлиги ва бўш вақти реакцияи ва халққа қарши чора-тадбирлар муносабати билан тобора чекланипти».

Ҳукмдорлар Сан-Мартин шарафига дабдабали байрамлар уюштириб, озодлик келтирган буюк курашчининг хотирасини нишонлаш воситасида ўзларининг кирдикорларини яширишга уриндилар. Аслида эса, Сан-Мартин анъаналарини давом эттираётганлар — «ёшлар бахтсизликлару даҳшатларни бошдан кечирмай яшашлари учун, улар тез-тез такрорланиб турган крнзнсларнинг биринчи қурбонлари бўлмасликлари ҳамда машаққатли кунлару ишсизлик нима эканлигини билмасликлари учун, қилинган меҳнатга яраша ҳақ олиш ва бахтиёр яшаб, ўз оиласини қура олиши учун, ишчилар хоҳлаган касбларини эгаллай олишлари ва ёш деҳқонлар ўз ерларига эга бўлишлари учун, кимки таҳсил кўришни истаса, давлатдан стипендия ва ёрдам олиб ўқиши учун, барча спорт ҳамда фойдали кўнгил очишлар билан шуғуллана олиши учун» курашаётганлардир. Сан-Мартиннинг буюк анъаналарини давом эттирувчилар — «аргентиналик ёшлар англия-америка империализмига ҳеч қачон тўғи еми бўлиб хизмат қилмаслиги ва мустақил мамлакатда, тараққиёт ҳамда миллий озодлик учун курашда муносиб ўрин эгаллай олиши учун» курашаётганлардир.

Худди шунинг учун ҳам, ёшлар бу йўл ўзларининг муҳим ҳаётий талабларини қондиришнинг ягона йўли эканлигини тобора чуқурроқ англаётганлари сабабли ҳам, йигит-қизлар бирлик ҳаракати гоёсига кўпроқ мойиллик билдирмоқдалар. Завод, фабрикаларнинг ёш ишчилари — перонистлар, коммунистлар ва бошқа оқимларнинг вакиллари биргаликда кураш олиб бормоқдалар ҳамда кўпинча муваффақиятларга эришмоқдалар. Шаҳар ёшларини студент йигит-қизлар ҳам ўзларини бирлаштирувчи умумий масалани ҳис этиб, талаблар катта-кичиклигидан қатъи назар, улар қондирилиши учун биргаликдаги курашда қатъияшптилар.

Шундай қилиб, барча тўсиқларни енгиб ўтиб, турли сиёсий оқимларнинг намояндалари Аргентина ёш ватанпарварлари Иттифоқини тузиш зарурлиги ҳақида бир фикрга келдилар. Хорхе Иттифоқ ташкилотчиларидан бири бўлди. Таъсис манифестига имзо чекар экан, у беҳад қувонарди. Бироқ у, гарчи муҳим қадам қўйилган бўлса-да, ҳали олдинда узоқ йўл турганлигини, шу билан бирга бу буюк мақсадга муваффақиятли эришув сарфланган барча куч-гайрат ўрнини тўлатишини ҳам биларди.

Худди ўша кезлари дунёда уруш хавфи туғилди. Имперналистик кучлар тағликин бартараф этиш ва жабр-зулмнинг чирган тузумини ларзага солаётган халқлар ҳаракатини янчиб ташлаш учун хилма-хил чораларни кўрадилар. Имперналистлар Совет Иттифоқини бўғиб ташлаш учун, ёрқин намуна кўрсатиб, жаҳон меҳнаткашларини курашга илҳомлантираётган социалистик тузумни ер юзидан йўқотиш учун ҳар қандай авантюрага ҳам қўл урадилар. Аргентина ва бутун Лотин Америкаси Уолл-Стритга «тўп еми» резервини, нефть ва бошқа хом ашёларни тақдим этаётганди. Америка корчалонлари савдолашиб ёнги иттифоқ билан рози бўлиб, кўп масалаларда агрессорнинг талабларига кўнган Лотин Америкаси ҳукуматларига тазйиқ-

ни кучайтирдилар. Бироқ бу кўнишлар халқлар томонидан кучли зарбага учради: тинчлик тарафдорларининг қудратли тўлқини кучайди, Лотин Америкасининг ҳамма ерида авж олди. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Аргентинада ҳам тинчлик тарафдорларининг уини ўчириш учун чора-тадбирлар кўрилди: уларни таъқиб остига олдилар, қамоқхоналарга ташладилар. Бироқ шафқатсиз чора-тадбирлардан наф йўқ эди...

«ТЎПГА ЕМ» БЎЛМАЙМИЗ!

Урушга қарши буюк юришда ёшлар ҳам мардона қатнашдилар. Агар империалистлар бизнинг мамлакатларимизни ҳам адолатсиз уруш гирдобига тортгудек бўлсалар, биринчи навбатда ёшлар қурбон бўлмайдиларми, ахир? «Биз шундай ҳақиқат билан юзма-юз турибмизки,— деган эди Кальво,— «Свифт», «Армур» ва «Англо» кушхоналарининг ёш ишчилари, «Ла Форестал» компанияси томонидан қувғинга учраган, «Дусило» «Тамет» корхоналарида ёхуд империалистларнинг бошқа ҳар қандай корхонасида бели букилган бечора йигит-қизлар, болалар, чет эл империализмининг содиқ иттифоқчилари бўлмиш помещиклар томонидан эксплуатацияга дучор этилган қишлоқ ёшлари ўтакетган адолатсиз, реакцион ва жамиятга қарши урушда ўз эксплуататорларининг манфаатини ҳимоя қилиб, қон тўкишлари ва жонларидан ажралишлари мумкин».

«Агар шундай бўлгудек бўлса, у ҳолда биз, аргентиналик ёшлар зиммасига — биз ҳаққоний равишда фахрланадиган эркесварлик анъаналарининг ворислари ҳамда Аргентина ва бошқа Лотин Америкаси мамлакатларининг озодлиги, мустақиллигига эришиш учун шамшир ялангочлаган Сан-Мартиннинг издошлари зиммасига икки баробар бадномлик тушади: бу — эркинлигимизни поймол этишга интилаётган империалистларга ёлланма солдат бўлиш ва миллат ҳамда тинчлик учун

курашда, колоннализмга қарши жангда ўта садоқатли иттифоқчиларимиз бўлмиш ёшларга қарши жиноятларни амалга оширувчи агрессор бўлиш демакдир. Йўқ, аргентиналик ёшлар қисматиға бундай бадномлик ҳеч қачон тушмайди! Биронта ҳам аргентиналикнинг ҳаёти империалист одамхўрларга, колонизаторлар ва халқларни таловчиларга ем бўлмаслиги учун ўзимиздаги мавжуд кучу воситалар ёрдамида курашаверамиз, деб айтилган партиямиз Баёнотиға садоқат билан риоя қиламиз».

У сўзида давом этиб айтади: «Агар империалистлар ватанимизға қарши бевосита ёки тўғридан-тўғри агрессия уюштира, у ҳолда мамлакатимизни ҳимоя қилиш учун ёш аргентиналиклар, биринчи навбатда коммунист ёшлар ўзларини қалқон қиладилар ва империалистлар оёғи Морено ҳамда Сан-Мартин ерини мурдор этмаслиги, Бельграно¹ байроғи эса Уолл-Стрит қузуғунлари томонидан бадном бўлмаслиги учун сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қиладилар».

«Биз, коммунист ёшлар — Аргентина ёшларининг илғор инқилобий авангарди — даҳшат солаётган хавфни чуқур англашимиз, мамлакатимизнинг учинчи жаҳон уруши оловини ёқувчилар йўлиға ғов сола оладиган барча ёш кучларини сафарбар этишға ғайрат ва матонат билан ўзимизни бағишлашимиз даркор».

Муҳим саноат ва қишлоқ хўжалиги марказларида тинчлик тарафдорлари ҳаракати намояндалари билан яқин ҳамкорликда урушға қарши ташвиқот олиб борувчи ёшлар комиссиялари ташкил қилина бошлади. Ушбу ҳаракат катта истиқболға эга бўлган натижаларни кўрсатди, империалистларнинг урушқоқлик мақсадларига қарши Аргентина халқининг қатъий норозилигидан далолат бериб, аста-секин ўсди, мустаҳкамланди.

¹ Бельграно, Мануэль (1770—1820)— Аргентинанинг давлат ва сиёсий арбоби, Май инқилоби раҳбарларидан бири, Ватанпарварлик хунтасининг аъзоси.

МАЙ АНЪАНАЛАРИНИНГ ВОРИСЛАРИ

Ватанпарварлик ҳиссиёти ва рамзлари билан чайқовчилик қилувчилар ўзларининг қабих ҳийла-найранглари воситасида не-не ишларни амалга ошириб юборишлари мумкин! Халқни алдаш йўлига кирганларнинг ҳаммасп ҳам, ўзларининг асл мақсадлариши яшириш учун, доимо сохта ва мунофиқона «миллатчилик»ни дастак қиладилар, аммо шу билан бирга, мабодо арзимайдиган наф кўрилгудек бўлса, ватанфурушлар миллий мустақилликка зиён етказиб, чет эл трестлари билан алоқа боғлайдилар.

Партияда тарбияланган Кальво ёлғондакам ватанпарварликка нафратланиб қарар, ўз мақолаларида, нутқларида, ёшлар билан ўтказган суҳбатларида сотқинларни фош этарди. У мамлакат тарихини ўрганиш — ўтмишга совуқ ва қуруқ назарий муносабатлар билангина чекланмаслиги зарурлигини биларди. Озодлик учун буюк курашчилар, ўтмишдаги инқилобчилар томонидан бизга васият қилиб қолдирилган мерос — бу муҳим ва унутилмас васиятлардир. Биз, коммунистлар — ҳозирги инқилобчилар Аргентинанинг энг яхши анъаналари меросхўрлари ва уларни давом эттирувчилармиз. Хорхе ҳақиқий ва эҳтиросли ватанпарвар бўлганлигидан, ушбу ҳиссиётни қизғин ишонч билан бошқаларга ҳам ўтказарди. Май анъаналарини сохталаштиришга бўлган уринишларга қарши партия ташаббуси билан бошланган қудратли кампанияда қатнашиб, у 1948 йили «Хувентуд» газетасида шундай деб ёзганди:

«Биз Май инқилобимизни қадрлаймиз; сотқинлардан ўч олган Морено ҳамда Кастельни¹нинг шижоатидан ҳай-

¹ Кастельни, Хуан Хосе (1764—1812)— аргентиналик таниқли сиёсий арбоб, давлат ҳуқуқи бўйича мутахассис, Ватанпарварлик хунтасининг аъзоси.

ратланамиз; Френч ва Берути¹нинг ёшларга хос саркашлигию жозибадорлигидан завқланамиз. Морено ва Бельграно озодлик инқилобини ривожлантириш мақсадида ўз даврларининг энг илғор ғояларидан — Буюк француз инқилоби ғояларидан илҳомланганликлари билан фахрланамиз. Бизнинг ўй-хаёлларимиз ўтмишдаги Испания билан, аммо Фердинанд VII нинг мудҳиш ҳамда феодал Испанияси билан эмас, балки ҳақиқий Испания — миллий мустақиллик ҳамда ватан шон-шарафи учун, мустамлака Испаниясининг «лаёқатли» давом эттирувчиси Франко ва унинг қора қуртлари тузумига қарши курашаётган жасур партизанлар мамлакати биландир». Энг хавфли томони шундаки, бу кимсалар мактаб, колледж ва университетларни тўлдириб, конгрессдан — Май воқеаси мамлакат учун «офат» бўлди, деб ҳисобловчи давлат органидан жой оладилар. Хорхе, мамлакатимиз ўзининг тарихий тараққиётида испан тожи йўлидан бормаганлиги учун афсусланувчи кишиларни, шунингдек, Май анъаналарига барҳам бериб, қадимги мустамлакачилик замонаснни тиклашга уринувчи кишиларни фош қилади. У беозор назариялардек кўринувчи ушбу фикрлар чет эл монополияларининг мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатишга йўл очиб беришини англайди. «Улар мамлакатларимизни империализмга иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан тобе бўлишининг умумий планига ғоявий қўшимчадан иборатдир. Бу назариялардан мақсад бизнинг курашга бўлган интилишимизни сусайтириш ва мустамлака қуллигига янги авлодларни мунтазам равишда тайёрлаб боришдир». «Шунинг учун ҳам, барча аргеитиналик йиғит-қизлар Май инқилоби принципларига ҳамда унинг демократик, прогрессив ва мустамлакачиликка қаршп мазмунига ўзларшнинг ихлосмандлик-

¹ Френч ва Берути — «Чисперос» («чиспа» — учкун сўздан) ташкилотини тузган ватанпарвар ёшларнинг раҳбарлари. Улар 1810 йилдаги Май инқилобида катта роль ўйнашган.

ларини яна исбот этишлари зарур. Бу биз учун ягона ва қонуний анъанадир, биз уни ҳеч қанақанги бошқасига алмаштирмоқчи ҳам эмасмиз».

Курашчан ватанпарвар, коммунист шундай дейди.

УҚИШ ВА КУРАШ

Ўтмишдаги ватанпарварлар ўз даврининг энг илғор ғояларидан қандай илҳомланган бўлсалар, ҳозирги ватанпарварлар ҳам марксизм-ленинизм ғояларидан, шонли Октябрь революцияси ғояларидан шундай илҳомланадилар. Капиталистик тузум структурасини ҳамда уни муқаррар равишда ҳалокатга олиб боровчи сабабларни билиш учун, ушбу жамиятни бошқа — адолатли, олижаноб ва инсонпарвар жамият билан қандай алмаштиришни тушуниш учун коммунистик ёшлар инчилару жаҳондаги меҳнаткаш халқ оmmasига умум озодликка олиб боровчи йўлни кўрсатган Маркс, Энгельс ва Ленин таълимотларини ўқиб-ўрганишлари, улар билан бошқаларни ҳам таништиришлари зарур. Ёшлар фақат марксистик метод ёрдамидагина мавжуд шароитни, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омилларни, мамлакатнинг ўтмиши ва келажagini тўғри баҳолай олишлари мумкин.

Кальво ўз ўртоқларига ўрнак эди: у қунт билан ўқирди, ҳар бир кундан тўла фойдаланарди. У фақат марксистик ва партиявий адабиётларни ўрганибгина қолмай, кўплаб илмий, тарихий ва бадий асарларни ташналик билан бирин-кетин ўқир, китобларнинг мазмунига танқидий баҳо берарди: ўқиб чиққан асарини ўзининг инқилобий фаолиятидаги тажрибаси билан боғлаб қиёслар, сўзлар остига чизар, белгилар қўярди.

Тараққиёт ва озодлик учун кураш олиб бораётган бутун дунёдаги одамларни бир-бирлари билан кўзга кўринмас, аммо узиб бўлмас ин чамбарчас боғлаб туради. Халқаро бирдамлик ҳар бир мамлакатнинг курашчилари учун маънавий жиҳатдан мустаҳкам таянчдир, у ку-

рашчиларга ўз кучларини умумий душманга қарши бирлаштиришга имкон берадп. Имперализм — бу қонхўр ва урушқоқ душман. «Феде»нинг шонли анъаналарига содиқ қолган Кальво йигит-қизларда қардошларча бйрлик ҳиссиётини тарбиялай олди. Шундай қилиб, аргентиналик ёшлар Совет Иттифоқи, Испания, Лотин Америкаси ва жаҳоннинг бошқа районларидаги ёшлар билан бирдам эканликларини намоёнш эта олдилар, маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш зарурияти туғилганда, улар доимо биринчилар қаторида бўлдилар. Ўз навбатида, улар ўзларининг кундалик курашларида жаҳон демократик ёшлари қардошларча қўллаб-қувватлаётганини сезиб турдилар.

ЕШЛАР ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

1949 йилнинг сентябрида Будапештда Бутун жаҳон демократик ёшлар федерацияси¹нинг II конгресси ҳамда фестивали бўлиб ўтди. Меҳмонлар шарафига байрамона тус олган Венгрия Халқ Республикасининг пойтахтида 637 делегат тўпланди; улар 72 мамлакатдаги 60 миллион йигит ва қизларнинг вакиллари эди. Аргентиналиклар турли партияларнинг ҳамда кўпгина сиёсий, касаба союз, диний ва спорт ташкилотларининг аъзолари бўлган ёшлардан иборат жуда катта делегация юборишди. Конгресс катта форум бўлди, унда бутун дунёдан йиғилган ёшлар самарали ва самимий суҳбатлашдилар, ўз маслақларидаги тафовутларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, озодликни, ижтимоий адолатни, бутун дунёда тинчлик ўрнатилишини ҳимоя этиш учун аҳд қилганликларини яқдиллик билан билдирдилар.

¹ 1949 йил август ойининг иккинчи ярмида Будапештда демократик ёшлар ва студентларнинг II Халқаро фестивали ўтказилган ва унда 82 мамлакатдан 11 минг делегат қатнашганди. Худди шу ерда, 1949 йилнинг 2—8 сентябрида ёшларнинг II Бутун жаҳон конгресси бўлиб ўтди.

Аргентина делегацияси составида келган Хорхе учун бу кунлар битмас-туганмас ҳаяжонли таассуротларга тўла эди. У шу ерда дунёнинг турли бурчакларидан: СССР ва Хитойдан, халқ демократик мамлакатлари ҳамда Европадаги капиталистик давлатлардан, Африка ва Осиёдаги мустанлакалардан келган ёшлар билан танишиб, дўст тутинди. У узоқ йиллар давомида қатралаб йиғиб, ўқиб-ўрганишу китоблар туфайли билган нарсаларидан кўпини шу ерда ўз кўзи билан кўрди. Терисининг рангию тилидан қатъи назар, тараққийпарварлик кайфиятидаги барча ёшларни боғлаб турган яқин алоқа мавжудлигига шу ерда яна бир қарра ишонди.

Ёшларнинг ушбу фавқулодда ассамблеяси ўз замонаси учун жуда муҳим бўлган қарорлар қабул қилди: булар — тинчлик учун курашда бутун дунё ёшлари бирлигини мустаҳкамлаш, уруш ташвиқотига қарши ғайрат билан курашиш, ёшлар империализмнинг ғаразли манфаатлари туфайли бўладиган урушларда ўз ҳаётларини ҳеч қачон қурбон қилмасликларини баралла айтиш, тинчлик учун кураш доирасида ҳар бир мамлакатдаги ёшларнинг манфаат ва ҳуқуқларини қатъий ҳамда изчиллик билан ҳимоя этиш, ушбу кампанияни ҳақ-ҳуқуқ ва демократик озодликни ҳурмат этиш учун кураш билан боғлаш, миллий мустақиллик учун курашаётган ёшлар ҳамда «сиқуви бутун дунё демократик ёшлар ҳаракатининг қудратли тўлқинини бўлак-бўлак қилиб юбориши лозим бўлган» антидемократик кучлар репрессияларининг қурбонлари билан халқаро бирдамликни авж олдиришдир.

Жаҳондаги кншиларнинг гули ва умиди бўлмиш йигит ва қизлар мана шундай шаронтда биродарлик иттифоқини тузиб, умумий, энг юксак мақсадларга етишиш учун курашда ўзаро ёрдам кўрсатишга тайёр экапликларини билдирдилар.

Мазкур конгрессда Қальвонинг хизматлари қадрла-

ниб, унга муносиб баҳо берилди: унинг номзоди фахрли ва масъулиятли постга — Жаҳон демократик ёшлар федерацияси Совети аъзолигига кўрсатилди.

КЕЛГУСИ ҲАЁТ ДАҚИҚАСИ

Бу ерда, Венгрияда ҳам, худди кейинчалик Польша ва Чехословакияга сафарга борганидаги каби, Қальво ҳақиқий демократик мамлакатларининг халқларига хос жўшқин, ижодкор ва бахтли ҳаёт муҳиtida нафас олди...

У шаҳар ва қишлоқларни кезди, фабрика ва заводларга, колхоз ва ўқув муассасаларига борди, ҳамма ерда суҳбатлашиб, ёшлар ҳаёти билан танишди, серҳаваслик билан сўраб-суриштирди, ҳар бир нарсага диққат қилди, қиёслаб кўрди, ҳаяжон ичида бир неча ён дафтарчани тўлдирди. У кўз ўнгига амалга оширилаётган чуқур ижтимоий ўзгаришларни ҳар томонлама қамраб олиши учун вақти етишмасди.

Хорхе Аргентинага қайтиб келгач, Буэнос-Айрес, Санта-Фе ва Кордовада сўзлаган нутқларида, шунингдек, йигит-қизлар билан қилган суҳбатларида битмас-туганмас таассуротларини ўзига хос қизғинлик билан ўртоқлашди. («Хорхе жудаям ҳаяжонда эди,— деб эслайди кейинчалик, у билан суҳбатда бўлганлардан бири.— Кўрганларини ҳикоя қилаётган кезида, у ўша дақиқаларни худди яна бошдан кечираётгандек кўринарди».) «Хувентуд» газетасида эълон қилинган мақолаларининг бирида у шундай деб ёзганди:

«Мен бўлган халқ демократияси мамлакатларидаги ёшлар ҳаётининг серқирра, ранг-баранг ва бутунлай ҳаяжонга солувчи жиҳатларини бир неча сўз билан ифода-далаб бериш қийин. Борди-ю, таассуротларим қисқача хулосаланса, мен шундай деган бўлардим: ишонч, ғайрат ва шижоат, ҳаёт қувончи, истиқболга тўла ва чексиз ишониш. Халқ демократияси мамлакатлари эриш-

ган ютуқлар тўғрисида биз нимаки ўқиб, II конгрессда нотиқлар тилидан эшитган бўлсак, ҳаммаси чиндан ҳам афзал ва ундан бир неча бор ортиқ ҳамдир. Ушбу мамлакатларнинг ёшлари, худди қирғоқларидан тошиб кетаётган тўлқинли азим дарё сингари ўз ғайрати, кучи, завқ-шавқи билан япги ҳаёт қурилиши ишидаги барча жиҳатларни қамраб олишган. Улар учун энди на чеклашлар, на тўсқинликлар мавжуд. Ёшларнинг бахт тўғрисидаги орзу-умидларини амалий жпҳатдан ҳаётга татбиқ этилишига капитализм ҳукмронлиги, империализм жабр-зулми ва деҳқонлар жаноб помешчиклар томонидан шафқатсизларча эксплуатация қилинган йилларида ғов солган бу ҳақиқий «темир парда» парча-парча бўлиб кетган. Халқ демократияси мамлакатларида чинакам ҳукмрон куч — ишчилар синфи коммунистик партия етакчилиқ қилаётган барча прогрессив кучлар бошидадир, ёшлар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётда ҳамма ҳуқуқлардан кенг фойдаланмоқдалар ҳамда тез суръатлар билан қурилаётган янги, социалистик жамиятни барпо этишда жуда ҳам фаол иштирок этмоқдалар». Шундан сўнг Кальво айтадики, мазкур мамлакатларда на кризислар, на ишсизликлар бор, чунки «саноатни тезкорлик билан ривожлантириш, барча йирик корхоналарни миллийлаштириш ҳамда хўжаликни план асосида олиб бориш натижасида ҳамма ҳам иш билан таъминланиб, ишсизликка барҳам берилгандир. Модомики саноат, айниқса оғир саноат тараққий топган экан, юқори малакали ишчи кучлари талаб қилинади, шу боисдан ҳам ўқиш оммавий тус олган: халқ демократияси мамлакатларида минглаб малака ошириш курслари мавжуд, фабрика ва заводлар қошида касб-ҳунар таълими мактаблари ишлайди, ўқувчилар учун интернатлар ташкил этилган. Ёшларга иш ҳақи катталарники билан баробар, меҳнатига яраша тўланади. Ёшлар юқори даражада ташкил этилган медицина хизмати системасидан фойдаланадилар, от-

пускалари пайтида ажойиб дам олиш жойлари уларнинг ихтиёрида».

«Ушбу мамлакатларда чуқур аграр реформалар ўтказилиши, давлат коллектив хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ривожланиши натижа-сида ёшлар қўлга киритилган барча ғалабалардан ҳо-зир баҳраманд бўлишяпти, ҳолбуки улар латифундист-ларнинг ерларида меҳнат қилишганда бундай муваффа-қиятлар нималигини билишмас, ҳатто хаёлларига ҳам келтира олмас эдилар».

«Ҳозирги вақтда йигит-қизлар малака ошириш агро-техника курсларига қатнашяпти, яхши қироатхоналар-га, кўнгил очар жойларга, ажойиб спорт майдончалари-га эгалар. Улар кино, театр ва кутубхоналарга бори-шади, трактор ҳамда деҳқонларнинг оғир меҳнатини енгиллаштирувчи қишлоқ хўжалиги машиналарининг бошқа турларини бошқаришни ўрганадилар. Қишлоқ ёшлари биладиларки, оила қуриш — бу осонлик билан амалга оширса бўладиган орзу, чунки давлат уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Мазкур мамлакатлар-да мактаб ва университетларнинг эшиклари меҳнаткаш ёшлар учун кенг очиб қўйилган: ишчилар синфи ва деҳ-қонлардан чиққан ўқувчилар сони йилдан-йилга ошяпти, кўплаб ўзаро ёрдам кассалари ташкил этилган, арзон-гаров ошхоналар, студентлар ётоқхоналари қурилган... Тарбия методлари ва концепцияларининг кенг миқёс-да реформа қилиниши программаларга чинакам илмий ва прогрессив тус бериб, ўқув системасини демократ-лаштирган».

«БИЗ ҲАММАСИГА ЭРИША ОЛАМИЗ...»

«Ёшларга қилинаётган ғамхўрлик, давлат ташкил-лотлари томонидан кўрсатилаётган ёрдам, гўзал бино-лар, театрлар, қироатхоналар, кўнгил очиш учун ҳақи-қий саройлар, кенг спорт майдончалари, катта-катта стадионлар кишини ҳайратга солади. Буларнинг барчаси

ёшлар ихтиёрида. Йигит-қизлардан эса тез-тез шундай сўзларни эшитиш мумкин: «Биз учун амалга ошмайдиган орзу йўқ. Ҳукумат ёрдамида ва ўз кучимиз билан биз ҳаммасига эриша оламиз...»

«Биз ҳаммасига эриша оламиз...» Хорхега бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди: у ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди, ҳар кун, ҳар қадамда бунга ишонч ҳосил қилди. Эксплуатация зулмидан озод бўлган кишилар билан учрашиб, унутилмас дақиқаларни, қизғин қардошлик туйғуларини бошидан кечирди. Чех қишлоқларининг биридаги кампир Хорхени озодлик урушида ҳалок бўлган ўғлига ўхшатди. Оналарча бағрига босиб, уни уйига олиб борди, меҳмон қилиб, унинг ҳаётини сўраб-суриштирди, ўғли ўз ҳаётини қурбон этган кураш тўғрисида сўзлаб берди... Польшада бир қанча ёшлар унга пластинкалар альбомини шундай бағишлов сўзлари билан ҳадя қилишди: «Барча қитъаларда тинчлик учун курашаётган ёшларни бир-биридан ҳеч ким ва ҳеч нарса ажрата олмайди. Бизларни боғлаб турган дўстлик иплари тоғлару денгизлар оша чўзилган. Польша ва Аргентина ёшлари ҳарбий авантюралар туфайли бир-бирларига қарши чиқишларига ҳеч қачон йўл қўймаймиз...» Хорхе бу қувончли воқеликни кўриб, билиб, қаттиқ ҳаяжонга тушди. Унинг сафардаги ҳамроҳларидан бири шундай деб эслайди:

«Чехословакиянинг ажойиб шаҳари — Готвальдовга борганимизда кишилар қанчалик илҳом билан ишлаётганини, ишчилар қандай яшаётганини кўриб, жудаям ҳайратланиб, ҳаяжонга тушганди. Кечқурун эса, меҳмонхонага қайтиш ўрнига, Аргентинада ҳам шуларга эришиш мумкинлиги тўғрисида хаёл суриб, орзу қилиб, шаҳар кўчаларида кезганди...»

Хорхе иложи борича кўпроқ кўришни, билишни истар, шу билан бирга, орттирган тажрибаларини ўз мамлакатини ўзгартириш ишида татбиқ этиш учун ватанига иложи борича тезроқ қайтишга интиларди.

Уша кунлар турли-туман тадбирлару янгидан-яңи таассуротлар билан тўлиб-тошган бўлишига қарамай, у бир лаҳза ҳам ўз ватанини, ўз халқини унутмади. Ра-келга ёзиб юборган мактубларида унинг ўз мамлакатни тақдири учун ташвишланаётганлиги акс этиб турарди. Мана 25 сентябрда ёзган мактубидан бир печа сатр:

«Бугун биз Будапешт атрофидаги сайри боғга бордик. Ажойиб жой экан: чор атрофда ўтлоқлар, ўрмон-лару тепаликлар... Будапештнинг бутун қиёфаси яққол кўриниб турадиган тепалик устидаги минора суратини юборяпман. Биз пастдан кўриниб турган манзарани узоқ вақтгача томоша қилдик, аммо бу ерда ҳаммаси-дан ҳам мароқлиси — бу ажойиботларнинг барчаси ҳо-зир ишчи ва деҳқонлар ихтиёридалигидадир; булар уш-бу гўзалликлардан танҳо ўзлари баҳраманд бўлиб, меҳ-наткаш оммани эксплуатация қилиш ҳисобига яшаган собиқ хўжайинлардан тортиб олинган. Мен, ватанимиз-даги ишчи ва деҳқонлар, уларнинг хотин ва болалари қам ўз еримиз бойликларидан худди шундай фойдала-нишлари мумкин бўлган кунлар тўғрисида ўйладим. Ишчилар спифи ва деҳқонлар курашини бошқариб, ҳо-зирги пайтда Венгрияда нимаики амалга оширилаётган бўлса, ўшаларнинг ҳаммасига эришадиган партиямиз сафида бўлишдек шарафга эга эканлигимни билганим-дан ҳаяжондаман. Партиямизнинг муносиб аъзоси бў-лиш учун, сен ҳам шундай қилишинг учун ва шу йўл-дан бориб, эртанги кунда болаларимиз ҳам коммунист номига муносиб бўлиб етишишлари учун бутун куч-ғайратимни сарфлайман, деб ўзимга сўз бердим. Ме-ни кутаётган ватаним, ўртоқларим, кураш ва иш ҳақи-даги хотиралар менда тушунтириб бўлмас ҳаяжоннинг кундан-кунга кучайиб бораётган ҳиссиётини уйғотяпти».

ПАРТИЯДА

Ватанига қайтиб келганидан сўнг бирмунча вақт ўтгач, 1950 йилининг апрель ойида Хорхе «Федс»нинг

раҳбари вазифасидан озод этилиб, ундан бутун қобилиятини ҳамда раҳбар ходимнинг катта талантини талаб қилувчи янги, янада масъулиятлироқ постга: Буэнос-Айрес вилоятидаги компартия ташкилотининг бош секретари қилиб сайланади. Хорхе бош секретарлик вазифаси нечоғли огир ва қийинлигини фаҳмлаб, ўзи ҳурматлайдиган ўртоқларга — Хосе Белоки ҳамда Хосе Петерга — битмас-туганмас ғайрат-шижоатга, катта ташкилотчилик қобилиятига эга раҳбарларга муносиб бўлишга қасамёд этади.

Худди шу вақтда Аргентина ўз тарихидаги ҳаяжонли кунларни бошдан кечириётганди. Аргентина ҳукумати мамлакатнинг молиявий хўжалиги тушиб қолган танг аҳволдан қутулиш учун доллар сўраб Уолл-стрит эшигини узоқ вақт тақиллатди. Бироқ америкалик пулдорлар ўз ҳамёнларини осонликча оча қолмадилар: улар Аргентина учун фойдасиз концессия¹ тақдим этилишини ҳамда ушбу мамлакат келгусида иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб қолиши учун шарт-шароит яратилишини талаб қилдилар.

Пировардида ҳар икки томон шундай битишувга келдилар: АҚШ 125 миллион доллар бериб (улар америка трестлари фойдаси учун ишлатилиши лозим эди), бунинг эвазига Аргентина ҳукуматидан, ушбу мамлакатда Америка пул сарфлаши учун розилик ҳамда АҚШ томонидан бошланган урушларда қатнашиш мажбуриятини юклайдиган Рио-де-Жанейро шартномаси²нинг ратификация қилинишига ваъда олади. Аргентина ҳуку-

¹ Концессия — саноат корхоналарини, ерни ишга солиш учун маълум шартлар билан айрим шахсларга, бирлашмаларга ёки бошқа бир давлатга ижарага бериш учун тузилган шартнома.

² 1947 йилнинг 2 сентябрь куни Рио-де-Жанейрода ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Америка давлатлари ўртасида шартнома имзоланган (у 1948 йилнинг 3 декабридан кучга кирган). Ушбу шартнома АҚШ паноҳида Америка мамлакатларининг ҳарбий-сиёсий блокени ташкил этишни ниҳоясига етказди.

мати иккиланарди. Ҳамма гап шунда эдики, репрессиялару таъқибларга қарамай, Аргентинада тинчлик учун ҳаракат авж олаётган, атом бомбаларининг қўлланишига қарши машҳур Стокгольм мурожаатига қўйилаётган имзолар сони ўсиб бораётган эди: бу пайтга келиб, имзолар сони миллионга етиб қолганди.

Вашингтон эса талаб қилар, қнстовга олар эди. Кескин мунозаралардан сўнг, 1950 йил 28 июнда шартнома конгресс томонидан тасдиқланди. Деярли бутунлай ҳокимият қўлида бўлган матбуот халқ норозилигининг кучайишидан қўрқиб, тузилган битимнинг асоратга солувчи характерини хаспўшлашга уринди. Бироқ Трумэн ратификация билангина қаноатланмади. У битимда кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини, Аргентинадаги тўқимачилик ва металлургия корхоналарининг ёшларини, маккажўхори йиғувчиларни Кореядаги шахтёрлар, балиқчилар, шоликорларга қарши нақд ўлимга юборилишини қаттиқ туриб талаб қилди.

«Жанговар кучларни жўнатиш» борасида Трюгве Лининг 1950 йил 17 июлдаги талабига жавобан Аргентина ҳукумати «Бирлашган қўмондонлик... Аргентина ҳукумати билан бевосита кенгаш ўтказишини кутаётганлигини» билдирди.

Халқ шафқатсиз урушнинг чинакам таҳликаси пайдо бўлганини дарҳол фаҳмлади. Кўплар биринчи марта ўйлаб қолдилар: «Демак, коммунистлар ва тинчлик тарафдорлари уруш хавфи тўғрисида зўр бериб жар солганларида ҳақ эканлар-да?» Ҳа, улар мутлақо ҳақ эдилар!

ХАЛҚИМИЗ ИСТАГИ

Ана шундан кейин кутилмаган ишлар бошланиб кетди. Катта-катта шаҳарларнинг аҳолиси нақ шиддатли қуюнга ўхшарди. Кишилар кўчаларда, кафеларда, трамвайларда юз берган воқеани қизғин муҳокама қи-

лардилар. Уларнинг фикри бир ердан чиқарди: юқоридаги жаноблар ақлдан озишдими? Янкилар манфаатини ҳимоя қилиш учун бизни Кореядаги хунрезликка юборишмоқчи-я!

Бу хавф-хатар бутун мамлакатни ларзага солди. Росариодаги темир йўл устахоналарининг ишчилари ишларини ташлаб, перонистлар, коммунистлар, радикаллар ва хилма-хил сиёсий эътиқоддаги кишиларнинг вакиллари билан ягона қардошлик туйғуси остида кўчаларга чиқишди. Йўл-йўлакай уларнинг сафига фабрика-заводлардаги меҳнаткашларнинг колонналари, уй бекалари, оналар ва ишчи аёлларнинг катта-катта гуруҳлари келиб қўшилишди. Ҳукумат бу қудратли ҳаракатни тўхтатиб қолиш учун чоралар кўрди, бироқ натижасиз бўлди. Ўн минглаб одамлар ҳарбий битимга қарши қатъий норозилик билдиргани Сан-Мартин ҳайкали томон йўл олдилар. Темирйўлчи машинистлар ҳам тинчликни ҳимоя қилиш учун бир соатлик иш ташлаш эълон қилдилар, айни пайтда бошқа қасаба союз ташкилотларига мурожаат этиб, ўзларини қўллаб-қувватлашга чақирдилар. Ҳар қанақанги таъқибларга қарамай, пойтахтдаги тинчлик тарафдорлари яшин тезлигида норозилик митинглари уюштирдилар. Полиция бостириб келиб, кўпларни қамоққа олди, аммо энди кеч бўлганди: норозилик билдириб айтилаётган қаҳрли сўзлар, ҳушёрликка чақирувчи нидолар аллақачон янграётган, ҳаммаёққа тарқатилган варақалар ўқиляётган эди. Фабрикаларда, заводларда, устахоналарда мардонавор чақириқлар эшитилиб, унга янгидан-янги овозлар жўр бўляётганди. «Кореяга бормаймиз!» Ҳукумат яширинча ўйлаб қўйган нарсани энди халқдан яширишнинг иложи қолмаганди. Нотинчлик миллионлаб кишиларни чулғаб олди, аҳвол жиддийлашди.

Аргентина ҳукумати яна иккиланди, чекиниш вақти келиб етганлигини сизди... У баёнот эълон қилди, баёнотда айтилишича, Трюгве Лига юборилган жавоб

«жанг майдонига қўшин юбориш учун бизни асло мажбур қилмайди», чунки ҳукумат ўз зиммасига аскар юбориш эмас... балки фақатгина озик-овқат жўнатиш мажбуриятини олган...

Бироқ тинчлик тарафдорлари бунга жавобан шундай дейишди: «Агрессорларга бир килограмм гўшт ҳам, бир грамм бугдой ҳам бермаймиз! Корсёдан қўлингни торт!»

Уруш тарафдорлари: тинчлик тарафдорларига қарши шафқатсиз, илгаригидан ҳам кўра шафқатсизроқ репрессиялар уюштириш вақти келди! Умумхалқ норозилиги ҳаракатини бошлаб берган коммунистларни жазолаш керак, деган қарорга келишди.

Ҳукумат аппаратида ҳамда баъзи бир оппозицион группалар ичида бўлган Уолл-стрит малайлари халққа қарши золимона чоралар кўришга ўтиш учун тайёргарлик кўриб, меҳнаткаш омма орасига саросималлик ва таҳлика сола бошладилар. Улар граждан эркинликларини йўқ қилдилар, демократик кучларнинг намояндаларини, айниқса коммунистларни таъқиб остига олдилар, уларнинг матбуот органлари ҳамда биноларини ёпиш зарурлигини қайта-қайта такрорладилар; ҳаммаёқда қамоққа олишлар бошланди, қўлга тушганлар қийноқларга дучор этилди. Шунга қарамай Вашингтон асабийлашарди. Халқни қўрқитиш учун яна жирканч террорчилар тўдасини «ол киш»лашди. Улар бусиз Аргентина халқини урушга тортиш мумкин эмас, деб ҳисоблашарди.

АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИЗМИ БУЙРУФИГА БИНОАН ЎЛДИРИЛГАНЛАР

Мана, ниҳоят, 4 август оқшоми...

Рио-де-Жанейро шартномасининг илк қурбонлари бўлган навжувон Кальво билан Селлнинг умрлари ана

шуидай хазон этилди. Чунки ҳарбий битимнинг қонли саҳифалари ортида ёш инқилобчиларни йўқ қилиши лозим бўлган револьверлар яширинган эди. Бу ёш инқилобчилар тинчлик учун, ишчиларнинг талабларини қондирish учун, миллий мустақиллик учун узлуксиз равишда ошиб бораётган халқ ҳаракати қаршисида юракларига ғулғула тушиб, титраб-қақшаётган кишиларнинг жигар-бағрини хун қилишаётганди.

Ўртоқлар худди ўша бинода, жиноят содир бўлган жойда граждaнларнинг мотaм йиғилишини ўтказишга қарор қилишди. Ҳа, мотaм йиғилишини, қасрда улар ҳалок бўлишган бўлса, қаерда йирик калибрли ўқлар изи мебеллару деворларда қолган бўлса, қасрда улар тўпланиб, халқ кучларини қотилларга қарши сафарбар этиш масаласини муҳокама этишган-у, тилларндaн партия номини туширмай унутилмас жасорат кўрсатган бўлсалар, қаерда ҳали қотиб улгурмаган қон қасос олишга, ватaнфурушларга қарши курашишга чорлаётган бўлса, худди ўша ерда ўтказишга қарор қилинди.

Бино пештоқида айбловчи сўзлар: «Америка империализми буйруғига биноaн ўлдирилганлар», деб ёзилган плакат осиглиқ. Чарогон залдан минглаб кишилар: ҳаяжонланган қариялар, ишчилар ҳаракатининг ветерaнлари, тўқимачилик ва пойaбзал фабрикалари, металлургия ва пиво заводлари, кушхоналардаги меҳнаткашларнинг делегациялари — йигит ва қизлар, аёллар, интеллигентлар ўтадилар. Бир пайтлар Хорхе яшаган кўҳна квартал — Сарaндининг кўплаб аҳолиси ҳалок бўлганлар билан хайрлашгани келдилар. Улар орасида Хорхе билан биргаликда яйловда футбол ўйнаган болалар, у билан Суписиче ва Бельграно кўчалари муюлишида улфaтчилик қилган ва «Хосе Инхеньерос» клуби фаолиятида қатнашган ёш-яланглар бор эдилар. Улар аллақачон катта кишилар бўлиб қолишган, кўпларининг эса Хорхени кўришмаганига ҳам анча бўлган

эди, лекин ҳаммалари ҳалок бўлган ўртоқларига ўз меҳр-муҳаббатлари ва ҳурматларини изҳор этиш учун келишганди. Кильмес аҳолиси оқ-қўк Аргентина миллий байроги рангидаги матога ўралган, қабиҳона ўлдирилган қаҳрамонлар билан сўнгги бор хайрлашиш учун мўъжаз залини тўлдиришди. Ҳар уч дақиқада фохрий қоровуллар алмашинади: сўнгги иззат-ҳурматни кўрсатиш учун коммунистик ёшлар союзи аъзолари, яқин-атрофдаги корхоналарнинг ишчилари, халқ ташкилотларининг намояндалари, партия раҳбарлари, шу пайтгача ушбу сиёсий марказда ҳеч қачон бўлмаган ишчи қизлар тобут ёнида тек қотадилар, тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг вакиллари, студентлар мотам сукунатида қурбонлар ёнидан ўтадилар. Сон-саноксиз гулчамбару гулдасталар тор хонани тўлдириб юборади, уларнинг ўзига хос ва ёқимли ҳидлари хона бўйлаб таралади; деворларга эса Хорхе Кальво билан Анхель Педро Селли жонларини қурбон қилган ТИНЧЛИК сўзи катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Берналдаги «Ла-Папелар С. А.» корхонаси ишчилари фақат мотамнинг эртаси кунигина гулчамбар олиб келдилар ва ғурур билан шундай дедилар: «Бу гулчамбар — энг яхшиси!» Улар кечикиб келдилар, негаки ҳамма ҳам гулчамбарга ўз улушини қўшишни истар, бунақангилар эса беҳисоб эди... Уларнинг кўпчилиги перонистлар эди.

Ириқ тўқимачилик фабрикаларидан бирида ишчи хотин-қизлар коммунист аёл ёнига келиб, гулчамбар учун унинг станогига озроқ пул қўйдилар. Улардан пул тўлашни ҳеч ким илтимос қилмаганди, бундай хоҳиш ўз-ўзидан, бирдамлик ҳиссиёти туфайли тугилганди. Хужум пайтида жароҳатланган ўртоқлардан бири ишлайдиган Кильмесдаги бошқа бир корхонанинг ишчи аёллари 177 песо тўплаб, Съюзига — Кальвонинг қизига совға қилишди.

Умум ғам-ғуссасида бундай камтарона иштирок этиш, бундай бирдамлик туйғусию инсоний меҳрибонлик ишлари бебаҳо аҳамиятга эгадир.

ХОРХЕ ҚАЛЬВО НОМИНИ ДИЛЛАРГА ЖО ЭТИБ...

Реакциянинг истаги халқни қўрқитишу авангард коммунистларни қолоқ ишчилар синфидан ажратиб қўйиш эди! Бироқ ранжу алам, қабиҳ жиноятга нисбатан нафрат ва ғазаб туйғуси партия сафларини янада жипслаштирди. Мазкур воқеалар, ҳатто, илгарилари бир-бирларидан ажралиб қолганларни ҳам яқинлаштирди; шу пайтга қадар ҳеч қачон салом-алик қилмаганлар бир-бирларига қўлларини узатдилар. Тўқимачилик фабрикасининг бир ишчиси ўзини компартияга қабул қилишларини сўраб мурожаат қилди; шу пайтгача эса у Миллатчилик альянсининг аъзоси эди. Қальво номини дилларга жо этиб партияга кириш учун чақириқ эълон қилингандан сўнг айрим фабрикаларнинг перонист меҳнаткашлари ҳам худди шундай илтимос билан мурожаат қилдилар.

Мотам кунларида коммунистлар ҳамма ерда меҳнаткашлар, бутун халқ биродарларча қизғин ҳамдардлик билдираётганини кўрдилар. Даста-даста гуллар, ҳалок бўлганларга сўнгги бор иззат-ҳурмат кўрсатгани келган одамлар, таъзияномалар коммунистларнинг хатти-ҳаракатлари-ю, тинчлик учун, ишчиларнинг талабларини қондириш учун олиб борган курашлари зое кетмаганлигига, улар шу пайтгача ишчилар ҳаракатидан четда турган ёки демагогик ташвиқотга учиб алданганлар онгига таъсир қила олганликларига далолат эди.

Халқнинг бу самимий муносабати, бирдамлигининг бу

¹ Миллатчилик альянси — фашизм тарафдори бўлган реакцион партия, 1941 йилда ташкил этилган.

ёрқин ифодаси, бу дўстона қўллаб-қувватлашлар репрессиялар, қийноқ ва террорларга қарамай ҳаққоний иш учун қатъий кураш олиб борган, шиддатли жангларда чиниққан партияга, у ўз бошидан кечирган синовлар учун битмас-туганмас тўлов вазифасини ўтади! Шундай бўлгач, келгусидаги муқаррар синовлар олдида янада кучли эътиқод, жасорат зарурлигини қандай қилиб батамом англаб етмаслик, куч-қуввату ғайрат-шижоатни икки баробар оширмаслик мумкин!

Умумхалқ ҳаяжонининг қудратли тўлқини партия сиёсий йўлининг ҳаққонийлигини яна бир карра тасдиқлади. Бирдамлик ҳаракати Кальво ва Селлининг ўлими беҳуда кетмаслигини кўрсатди. Ҳеч қандай қурол коммунистларни сукут сақлашга мажбур эта олмайди, халқ қалбини, онгини эгаллаган буюк иш учун курашдаги зўр ҳужумни ҳеч қандай ўқ тўхтатиб қола олмайди.

ҚАСАМЁД

Шиддатли олишувларда кўплаб курашчилар ҳалок бўлишди. 1949 йилда Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитетини реакцион кучлардан ҳимоя қилиш вақтида Альбаррасин билан биргаликда ҳалок бўлган ўртоқ Редондонинг акаси мотам йиғинида қатнашиш учун келди. У Кальвонинг акасини кўриб қолиб, уни маҳкам қучоқлади. Уларнинг бу қучоқлашишлари ҳалок бўлганлар ишини ҳеч иккиланмай давом эттиришга аҳд қилганликларидан гувоҳлик берарди. Миллатчилик альянсига ёлланганлар томонидан 1947 йил 25 май куни куппа-кундузи одамлар кўз ўнгиде қабиҳона ўлдириб кетилган Энрике Тчиранинг онаси билан синглиси ҳам шу ерда — залда эди... Гутьеррес ҳамда Хамунни, Тукуман вилоятли партия ташкилотининг таъин қилинган раҳбари Карлос Антонио Агиррени, бир йил ўт-

гач, ёш ишчи-металлург Франсиско Бланкони қандай ўлдирган бўлсалар, Эрике Тчирани ҳам шундай побуд қилгандилар. Бироқ реакциянинг бу барча жиноятлари, уринишлари самарасиздир. Реакция аргентиналиклар қалбида кундан-кунга ошиб бораётган қаҳру ғазаб ҳамда тинчлик ва озодлик учун курашга тайёрлик туйғусини ҳеч қачон сўндирилмайди. Буига — Кальво ва Селли тобути ёнида фахрий қоровулликда турган тўқувчилар, кушхона ишчиларининг жиддий қиёфалари, ёш милтираб турган оналар кўзи, йигит-қизлар қалбида ёнаётган муқаддас интиқом ғазаби далилдир. Ушбу жанговар кайфият ҳалок бўлганларни сўнгги йўлга кузатиб қўйган кишиларнинг қўшиқларида ўз ифодасини топди.

Ўлкан мотам юришидан — тобут орқасида олти километрли йўлни босиб ўтган ўн мингларча кишилар орасидан йўл-йўлакай кимлардир ажралиб чиқиб, кўчаларда ва уйлар ёнида турган аҳолидан тинчлик учун Хитобнома остига имзо чекишларини сўрардилар. Ҳеч ким бош тортмади, чунки ҳамманинг назарида бунга Кальво ва Селли даъват этаётгандай эди: улар ўлганларида ҳам тинчлик учун курашаётгандилар. Ўларнинг жанговар қақриқлари ҳамда битмас-туганмас куч-ғайратлари барча уй эшиклари-ю, қалбларни чертиб, Вашингтон томонидан бошланган «қабиҳ уруш»дан нафратланиб, унга қарши норозилик билдиришга қақираётган йигит ва қизларда мужассамланади, улар Махсус бўлимнинг қонли зиндонларидан чиқиб, яна курашга қўшилганлар орасида абадул-абад қоладилар, уларнинг номлари ва ишлари тинчлик, бахтли ҳаёт ва озодлик учун астойдил интилаётган аргентиналикларни ҳамнаша илҳомлантиради.

Аргентина Коммунистик партиясининг бош секретари Арнедо Альварес қабристонда, ҳалок бўлган курашчилар қабри устида тантанали қасамёд қилди: бу ерда ҳозир бўлганлар бутун кучларини тинчлик ва миллий

озодлик учун кураш ишига бағишлайдилар. Ўртоқларимиз тўккан қон ушбу курашда мандат сифатида хизмат қилади, у янги жангларга, Кальво ва Селли сўнгги нафасларигача курашган ҳаққоний иш ғалабаси сари чорлайди.

БИЗНИНГ АЁЛЛАР ШУНДАЙ

Биринчи бўлиб курашга даъват этганлар Кальво билан Селлининг умр йўлдошлари бўлишди. Юрак-бағри шикаста Ракель ўз қайғусини енгиб, одамларга мурожаат қилди: агар ҳалок бўлганлар учун қассос олишни истасангиз, курашда мислсиз даражада матонатли, фидокор ва қатъий бўлинг, партияга садоқатли бўлинг, улар очиқ қолдирган жойларни шараф билан эгалланг...

Озодлик даври — 1810 йилнинг шонли Май кунларида эркаклар билан елкама-елка туриб жанг қилган, қурол сотиб олиш учун пул тўплаган (революцион ҳукумат қарори билан қуролларга ҳар бирларининг номлари ўйиб ёзилганди), озодлик армиясини қурол-яроғ билан таъминлаш учун муҳтожлигу қашшоқликка чидаган, айти пайтда Сан-Мартин аскарларида ғалаба яқинлигига ишонч уйғотган ватанпарвар аёллар анъанасининг лаёқатли ворислари бўлмиш бизнинг коммунист аёлларимиз шундай эдилар.

Ҳа, қотиллару уларни руҳлантирганларга бу қимматга тушади! Халқ ҳукмининг забардаст қўллари вақти келиб, уларга етиб боради ва муносиб жазолайди, муқаррар қассос олиш онлари эса тобора яқинлашмоқда... Бироқ, оталаридан айрилган болалар — икки яшар Сусанна-ю, олти ярим ёшли кичик Хорхенинг ғам-ғуссаси бадалига нима бера оладилар? Оғир йўқотиш ўрнини улар нима билан тўлдирадилар-у, Ракелнинг кўз очиб-юмгунча вайрон этилган онласини қандай қилиб ўз ҳолига қайтарадилар?

Кичкинтой «Кике» отасига ўхшайди, у идрокли ва тиниб-тинчимас. Онаси ғўдак чоғиданоқ ғам-ғусса «Кике»нинг бошини ҳам этмаслиги учун юз берган фожиани ундан яширмоқчи эди. Бироқ «Кике» бу ҳақиқатни ўзи билиб олди. Дарвоқе, барча дсворларга кўмиру бўр билан қабих қотилларни фош этувчи сўзлар ёзилган экан, буни қандай яшириш ҳам мумкин? Ким билади, бу болакайнинг қалбида нималар юз бераётган экан? Гарчи сал-пал бўлса-да, у инқилобчининг — отасининг олижаноб ва фидокорона ишини фаҳмлаб етарди. Отаналари улар ва бошқа болаларнинг, Аргентинанинг миллионлаб болаларининг келажаги муҳтожлигу уруш ва камситишлардан холи бўлсин деб ўзларини қурбон қилганликларини Хорхе, Сьюзи ва Беди кейинчалик, вақти келиб, англаб етадилар...

ПАРТИЯ ФАРЗАНДЛАРИ

Улар ёрдамсиз қолганлари йўқ: улар меҳнаткашларнинг севимли фарзандлари бўлиб қолишди. Партия ва коммунист ёшлар уларга ҳамisha ғамхўрлик кўрсатдилар: болаларнинг сиҳат-саломатлиги, ўқиши, ўйнаб-кулиши уларнинг диққат-эътиборида бўлди. Ишчи қўлларидек бақувват ва чайир бўлган партия қўли болаларни ҳар қанақанги кулфатлардан, агар Кальво билан Селли тирик бўлганларида қандай асрасалар, шундай асради.

Малласоч «Кике» эса кўзойнак яшириб турган ташвишли кўзлари билан боқиб, ҳам қайғуриб, ҳам қувониб дейди:

— Мен отамни йўқотдим, эндиликда партиядаги барча кишилар меннинг отам бўлиб қолдилар...

Бевақт ҳалок бўлганлар-у, реакция амалга оширган оғир ва қонли жиноятлар рўйхати узундан-узоқ. Синалган курашчиларнинг кўпчилиги ўлдирилди: баъзилар

кўча-қўйларда ўқ еди, яна бирлари партия марказларини ёлланган кимсалардан ҳимоя қилиб ҳалок бўлишди, бошқалари эса полиция зиндонларида азобларга дучор этилди. Бироқ халқ ёвуз жиноятларга тоқат қилиб туришни истамайди, халқ қотиллар жазоланмаётганидан ғазабда. Ҳамма ерда, Аргентина ерини ларзага келтириб, қудратли хитоб янграйди: «Жиноятларга чек қўйилсин! Битсин террор!»

Имперналистлар-у, уларнинг маҳаллий гумаштала-ри билсинларким, улар халқни ҳеч қачон на қўрқита, на коммунистлардан ажрата оладилар. Ҳақоратланган ватан учун ошиб-тошган ғазаб ва чекилган азоб-уқубат уларни бир-бирларига янада яқинлаштиради, ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Авангард ишчилар синфи сафидан ўрин олиш учун яхшиларнинг энг яхшилари халқ орасидан етишиб чиқади; яхшиларнинг энг яхшилари фабрика ва заводлардан, қишлоқ жойлар ва муассасалардан, интеллигенциянинг энг муносибларидан етишиб чиқади. Улар ҳалок бўлганлар ўрнини эгаллаш учун, партия сафларини мустаҳкамлаш ва унга янада жанговарлик руҳини бериш учун партияга кирадилар. Улар мавжуд шармандали тузумга қарши ва порлоқ истиқболга эришиш учун курашга ўз куч-қувватларини бахшида этгани партияга кирадилар.

Тўкилган қонларнинг бебаҳо томчилари ҳамда тириклар томирида жўш ураётган қон — мана шулар Партиянинг — бахт, меҳнат ва илм-урфон партиясининг, миллий уйғониш партиясининг пўлат характерини тоблайдиган қўрадир.

ХОРХЕ КАЛЬВО — ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ҚАҲРАМОНИ

Хорхе Кальвонинг ҳаёти ана шундай кечди. Оддий ва қаҳрамонона ҳаёт, агар у бизга бунчалик яқин ва ҳақиқат бўлмаганда афсонага айланиши мумкин эди.

Бу ҳаёт аллақачон тарих, бироқ бизнинг кунларимизнинг жонли ва сезиларли тарихи бўлиб қолди. Бу — халқимизнинг энг яхши фарзандлари кўпинча шон-шўрат қозонмаган ҳолда, ўзларининг сердиққат ва фидо-корона меҳнатлари билан халқимизнинг бахтли ҳаётга эришуви учун ҳар кунги ва сабр-матонатли интилишлари билан ёзаётган ватан тарихи.

Бу — Авельянеда кварталида ишчи оиласида туғилган ва тақдирнинг барча бевафоликларини бошидан кечириб, тўғри йўлни топган, меҳнаткашларни ва бутун халқни озодликка чиқариш учун кураш ишига ўзининг ёш ҳаётини ҳеч иккиланмай бахшида этган йигитнинг таржимаи ҳолн.

Хорхе Кальво ўз вақтида солган йўлдан кўплаб аргентиналик ёшларнинг боришларига шак-шубҳа йўқ. Улар учун, ҳаққоният деб астойдил интилаётган ва ўз олдиларига буюк мақсад қўювчиларнинг барчаси учун Хорхе Кальвонинг ҳаёт йўли ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади. Хорхе вояга етган сафда — довурак коммунист ёшлар сафида улар учун ҳам ўрин бор. Худди шу сафда, аргентиналик ёшлар бирлиги учун кураш ва неча-неча асрлик орзу-умидларни амалга оширишда улар ҳаёт мазмунини англаб, янги ҳаёт қуриш ишида эришилган муваффақиятлар қувончини тушуниб етадилар.

Аргентинага порлоқ, бахт-толега тўлиқ кунлар келади. Ишчилар синфи ва бутун халқнинг жипслашган бирлиги вужудга келади. Бу бирлик ватан тақдирини ўзгартиришга даъват этади: бизнинг еримиздан империалистлар қувилиши зарур, ана ўшанда олигархия таянчлари емирилади ва ҳаммаёқ табассумга тўлади, саноат марказларида ҳам, деҳқонларга қарашли далаларда ҳам қувноқ қўшиқлар янграйди. Ёшларнинг қизғин суратда қатнашуви туфайли Аргентина Республикаси янги йўлдан — тараққиёт, озодлик ва тинчлик йўлидан боради. Ушбу бахт-саодат деб, худди Хорхе ва Селли каби куч-ғайратию ҳаётини аямай инқилобий

кураш йўлидан борганларнинг, Кальво каби умум озодлиги номи билан яшаб, ўлганларнинг барчасининг номи, ўшанда ҳам, худди ҳозиргидек, хотирамизда абдний яшайди.

Бизнинг замонамизда Хорхе Кальвонинг ушбу сўзлари озод ва бахтли жамият қуриш учун курашга қизғин ва алангали чақириқ бўлиб янграпти:

«Коммунистик ёшлар аъзолари, ғалабага эришиш учун, барча аргентиналик ёшлар янги, порлоқ келажакка эришиши учун янги жанглار сари, қаҳрамонона ва фидокорона кураш сари олға!»

Буэнос-Айрес,
1951 йил, 15 июль.

Аргентиналик истеъдодли ёзувчи, шоир ва публицист, таниқли жамоатчи ва сиёсий арбоб, Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Альфредо Вареланинг номи фақат Аргентинадагина эмас, дунёнинг кўплаб мамлакатларида маълум ва машҳурдир. У ҳозирги замондаги энг буюк ҳаракат — тинчлик тарафдорлари ҳаракатини бошловчилардан биридир. Аллақачонлар машҳур ёзувчи сифатида шуҳрат қозонган Альфредо Варела 1948 йилда Вроцлавда ўтказилган маданият ходимларининг тинчликни ҳимоя қилиш бўйича I Бутунжаҳон конгрессида фаол қатнашади. Шундан сўнг эса, Парижда Фредерик Жолио-Кюри ҳамда тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашувчи бошқа машҳур кишилар билан биргаликда тинчлик тарафдорларининг I Бутунжаҳон конгрессини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этади. Ўша даврда, «совуқ уруш» айни авжига чиққан бир пайтда, коммунистнинг сиёсий ҳушёрлиги, оддий кишилар қалбини тушуна олганлиги, халқнинг фикр-ўйларию орзу умидларини аниқ ҳис қила билганлиги натижасида у янги уруш — атом уруши хавфи пайдо бўлганда унинг олдини олишдан ҳам муҳимроқ иш йўқлигини англаб етди. Шундан буён у ўзининг куч-қайратини, порлоқ келажакка бўлган умидини, инсонга ва ақлнинг жаҳолат устидан ғалаба қозонишига бўлган ишончини, бутун ташкилотчилик ва нотижлиқ истеъдодини тинчлик учун кураш ишига бағишлаб келяпти. Варела Лотин Америкаси мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққанида ишчилар ва деҳқонлар, жасаба союзлари ва турли йўналишдаги сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан, давлат арбоблари ва руҳонийларнинг вакиллари билан, профессорлар ва студентлар билан учрашиб, суҳбатлашади. У қандайдир мавҳум нарсалар тўғрисида эмас, балки тинчлик ва ҳақиқий миллий мустақиллик учун курашнинг Лотин Америкаси халқларига нисбатан аҳамиятини аниқ қилиб гапириб

беради. Дарвоқе, сайёрамизда тинчлик барқарор бўлиши учун курашувчиларнинг бирои-бир форуми йўқки, унда Варела қатнашмаган бўлсин.

Осиё, Африка, Европа ва Лотин Америкаси мамлакатлари, Ленинград, Хатинь, Лициде, Вьетнамнинг ўт-олов буркаган шаҳар ва қишлоқлари... Бутунжаҳон Тинчлик Кенгашининг секретари, тинчлик учун курашнинг жонқуяр ташвиқотчиси, айна пайтда, тинчлик учун фидокор ва фаол курашчи Альфредо Вареланинг бормаган жойи, кўрмаган юрти қолмаган, деса бўлади.

Альфредо Варела тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Бутунжаҳон Тинчлик Кенгашининг Фредерик Жолио-Кюри номидаги Олтин медали ҳамда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти билан мукофотланган.

1973 йил 17 январь куни Кремлнинг Свердлов залида Альфредо Вареланинг ҳаяжонли овози янгради: «Бу ерда, Кремлда, халқаро Ленин мукофотиини олар эканман, ўз бахтиёрлигимни яшира олмайман. Менга кўрсатилган ҳурматни, айна пайтда, ушбу мукофот зиммамга юклаётган масъулиятни чуқур ҳис қиляпман. Ушбу мукофот, бу ерда ҳозиргина айтиб ўтилган менинг камтарона хизматларим эвазига берилган буюк мукофот эканлигини, айна пайтда, у ана шу олий мукофотга лойиқ бўлишни зиммамга юклай туриб, келгусидаги ишларим учун илҳомлантираётганини чуқур ҳис қиляпман».

Ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида Советлар мамлакатининг, совет халқининг, партиямизнинг содиқ ва самимий дўсти бўлган Альфредо Варела мазкур нутқида мамлакатимиз, халқимиз ва партиямизга бўлган ҳис-туйғусини яна бир қарра таъкидлаб ўтди: «Совет Иттифоқига ҳар келганимда шу нарсага тобора амин бўлмоқдаман: сизнинг мамлакатингиз — бу ўзининг ҳад-ҳудудсиз иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва маданий қудратини совет халқи хизматига бағишлаган, шу билан бирга бутун инсониятга хизмат қилаётган буюк мамлакатдир. Қардошликнинг ушбу ўта инсоний интернационаллик руҳи сабабли Совет Иттифоқи ўз ёрдамига муҳтож бўлган барча халқларга бирдамлик қўлини узатапти, ўзининг бутун қудрати билан империалистларнинг инсониятни уруш хавфига дучор қилишига қаршилиқ кўрсатапти. Ҳамма, шу жумладан, унинг душманлари ҳам, шу нарсани яхши биладиларки, Совет Иттифоқи ўтказиб қатъий ва изчил тинчлик сиёсати урушга қарши энг ишончли гаровдир. Бу — КПСС XXIV съезди томонидан ҳозирги замон шароитига мослаб ривожлантирилган Лениннинг асосий йўлидир».

Альфредо Варела Аргентина коммунистлари партиясининг асосчилари ва раҳбарлари Викторио Кодовилья билан Родольфо Гиольдининг: «Ҳар бир революционер учун мезон, энг аввало, унинг

Совет Иттифоқи ва КПССга нисбатан бўлган муносабатидир», деган васиятини ҳали ёшлик пайтидаёқ қалбига жо қилиб олганди. Коммунист, революционер Альфредо Варела ушбу васиятга доимо содиқдир. Совет халқи унинг Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқини ғимоя қилиб ёзган оташин мақолаларини, илҳомбаш шеър ва поэмаларини ҳеч қачон унутмайди. А. Варела мамлакатимизга 1948 йилда биринчи мартаба келиб кетгандан сўнг Аргентинада «Аргентиналик журналист Совет Иттифоқида» номли китобини ҳамда кўплаб мақолаларини эълон қилди, совет халқининг ҳаёти, қаҳрамонона ишлари тўғрисида неча-неча марта лаб лекциялар ўқиди, докладлар қилди.

Совет китобхонлари Альфредо Вареланинг баъзи асарлари билан аллақачонлар танишганлар. Унинг «Қора дарё» номли романи жаҳон жамоатчилиги эътиборини қозонди, муаллифга шухрат келтириб, уни ҳозирги замон Лотин Америкаси машҳур ёзувчиларининг бири сифатида дунёга танитди. Альфредо Варела ушбу романида Аргентина прогрессив адабиётининг энг яхши анъаналарини қайта тиклабгина қолмай, балки уларни ривожлантирди, янада бойитди. Аргентинада илк бор 1943 йилда эълон қилинган роман 1946 йилда рус тилига таржима қилиниб, Москвада нашр этилди ва у ўзининг ҳаққонийлиги билан китобхонлар муҳаббатини қозонди. А. Варела романи асосида аргентиналик режиссёр Уго дель Карреле экранлаштирган «Бўтана» фильми жуда кўп мамлакатларда, жумладан, СССРда ҳам катта муваффақият қозонди.

Совет китобхонлари Альфредо Вареланинг Озодлик оролининг янги ҳаёт учун кураши ҳақида ҳикоя қилувчи «Инқилобий Куба» китобини ҳам катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Китобда ёзувчининг 1960 йилда Кубада бўлган пайтида олган шахсий таассуротлари ёрқин бўёқларда ифодаланган. Сиёсий зийраклик, кузатувчанлик ва келажакни кўра билиш — коммунист-ёзувчига воқеаларга баҳо бериши ҳамда Куба революциясининг навбатдаги тараққиёти давомида мутлақо тасдиқланган хулосалар чиқаришига олиб келди.

Аргентина комсомолларининг жанговар раҳбари, Аргентина коммунистлари Марказий Комитетининг аъзоси, ўзини қурбон қилиб, бир ғуруҳ ўртоқлари ҳаётини сақлаб қолган Хорхе Кальвонинг қаҳрамонона ҳаёти ва мардона ўлими ҳақида ҳикоя қилувчи қўлингиздаги қисса 1951 йилда ёзилган. Партияда биргаликда ишлаши тўғрисида Хорхени жуда яхши билган ва унинг барҳаёт образини қиссада яратган ёзувчи ушбу китоб босмадан чиққан пайтда қамолда эди... Аргентиналик машҳур ҳайкалтарош Биссионе Буэнос-Айрес яқинидаги Кильмес шаҳрида, қаҳрамоннинг қабрига ажойиб хотира-ҳайкал ўрнатган. Катта, худди шамолда ҳилпираётгандек кўринувчи, тошдан ясалган ва «Paz» («Тинчлик») сўзи ёзилган байроқ остида бошини мағрур тутиб, олдинга тикилаётган қиз тимсоли тасвирланган. У худди байроқни баланд кўтараётгандек,

бир қўли билан унинг бандидан тутиб, иккинчи қўли билан қаттиқ жароҳатланган йигитни суяб турибди. Ҳа, ҳалок бўлганлар ўрнини янги қаҳрмонлар эгаллайдилар ва улар байроқни қабул қилиб олиб, ёлланган қотилларнинг ўқларини писанд қилмай, олға борадилар. Хорхе Кальво тинчлик, демократия ва мамлакат миллий мустақиллиги, меҳнаткаш халқ озодлиги ва бахт-саодати йўлидаги курашда аргентиналик ёшларнинг бирлигига эришиш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммасини қилди. Ҳозирги пайтда Аргентинада ягона ёшлар ҳаракати — «Сиёсий ёшлар» ҳаракати ташкил топган...

Альфредо Варела шундай деб ёзганди: «Хорхе Кальвонинг ҳаёти оддий ва қаҳрамононадир... агар у бизга шу даражада яқин ва реал бўлмаганда эди, афсонага айланиши мумкин эди». Ушандан бери чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Хорхе Кальво афсонавий шахсга айланди, уни халқ бахти учун, ер юзида тинчлик бўлиши учун курашган қаҳрамон сифатида эслайдилар. Аргентиналик ёш шоирларнинг кўпдан-кўп шеър ва поэмалари Хорхе Кальвога бағишланган.

Кальво образи ҳозир ҳам аргентиналик ёшларни илҳомлантириб, мардлик ва сатобдиликнинг, партия ишига содиқликнинг ёрқин намунаси сифатида хизмат қиляпти. Аргентина коммунистик ёшлар Федерацияси аъзолик билетига эса Хорхенинг ёрқин келажакка бўлган ишончини ифодаловчи сўзлари битилган.

А. Вареланинг Хорхе Кальво тўғрисидаги қиссаси Аргентинада бир неча марта нашр қилинган, қатор чет тилларга таржима қилинган. Ушбу қиссани ўқиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ёшлар аргентиналик оташин коммунист, тинчлик учун курашувчилар буюк ҳаракатининг қаҳрамони ҳақида хабар топиб, уни севиб қолдилар. Альфредо Вареланинг қиссаси туфайли, неча-неча минглаб йигит-қизлар қаҳрамонларча ҳалок бўлган Хорхе Кальвонинг ишини давом эттиргани тинчлик учун курашувчилар сафига қўшилдилар, неча-неча минглаб ёшлар шу китоб орқали ҳақиқий ҳаёт йўлини топишга муваффақ бўлдилар.

Шундай кун келадик, коммунист-ёзувчи Альфредо Варела ҳақида, унинг ажойиб ҳаёти ва қаҳрамонона кураши ҳақида, кўпдан-кўп қамоққа олишлар, тюрма азоблари, сургун машаққатлари ва қийнов-қистовларга коммунистга хос мардонаворлик билан чидаш бергани тўғрисида китоб ёзилади ва ўринбосарларимиз — ёш авлоднинг қанчадан-қанча вакиллари бу китоб орқали яшаш ҳамда халқ бахт-саодати учун курашни ўрганадилар.

В. ГОНЧАРОВ.

Буэнос-Айрес — Москва,
1974 йил, июль.

МУНДАРИЖА

Кун тартибида — тинчлик масаласи	3
Қаҳрамонона қаршилиқ	4
Нима учун уларни ўлдиришди	7
Хорхе дунёни танийди	10
Болалиқ	12
Хорхенинг онаси	15
Изланиш	17
«Тўда»	20
Ўқиш иштиёқида	22
«Хосе Инхенъерос» клуби	24
Ўспиринлиқ	25
Муҳим қадам	27
Клуб фаолияти	29
Берта ошхонаси	32
Ракель	34
Ҳаёт билан юзма-юз	36
Лабларда табассум билан	37
Реакцияни енгиб чиққан кураш	38
Хорхе жангга киришади	41
Буюк мақсад	43
Синов йиллари	45
Турмуш қурдилар-у	48
Ёш коммунистнинг тобланиши	49
Ла-Платадаги ертўла	53
«Коммуна»	54
Ракелга мактуб	57
Раҳбарнинг етуклиги	58
Коммунистик ёшлар Федерациясининг бош сек- ретари	60
VII съезд	62
Партиявий раҳбар	64
Съюзи	67
Ёшларнинг огир масалалари	69
Ягона йўл	72
Бир сафда — ғалаба сари	74
Сан-Мартин ¹ йили	77
«Тўпга ем» бўлмаймиз!	81
Май анъаналарининг ворислари	83
Ўқиш ва кураш	85
Ёшлар тинчлик учун курашда	86
Келгуси ҳаёт дақиқаси	88
«Биз ҳаммасига эриша оламиз...»	90
Партияда	92

Халқимиз истаги	94
Америка империализми буйруғига биноан ўлди- рилганлар	96
Хорхе Кальво номини долларга эжо этиб	99
Қасамёд	100
Бизнинг аёллар шундай	102
Партия фарзандлари	103
Хорхе Кальво — тинчлик учун кураш қаҳрамони	104
Дўстимиз Альфредо Варела ҳақида	107

На узбекском языке

Варела Альфредо

ПУТЬ К БЕССМЕРТИЮ

«Политиздат»нинг 1974 йилги нашридан
таржима қилинди.

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1979 г.

Редактор М. Бобоева

Рассом Т. Колесникова

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Ортиқова

ИБ № 416.

Теришга берилди 12./I-1979 й. Босишга рухсат
этилди 6/IV-1979 й. Қоғоз № 1. Формати
70×108¹/₃₂. Босма листи 3,5. Шартли босма листи
4,9. Нашр листи 4,92. Тиражи 30000. Заказ 90.
Баҳоси 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-
дия» нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўча-
си, 30. Шартнома № 103—78.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бос-
маҳонаси, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.